

МУТРИБИЙ САМАРҚАНДИЙ

# ҲИНД САФАРИ



TOSHDOTAU



0000000531

ТОШКЕНТ - 2005



2000 йил, январь. Таржимон ўз оила аъзолари даврасида.

Исмоил Бекжон 1951 йил 1 март ойида Хазораспда туғилган. 1973 йил ТошДУ шарқ факультетини шарқ мамлакатлари тарихи ва эроншунос мутахассислиги бўйича тугатиб, 1973-1975 йиллари Эронда, 1975-2004 йиллар оралигида ўрта мактабларда, олий ўқув юртларида ўқитувчи, элчихонада таржимон бўлиб ишлади. 1993 йил “Ҳасанхожа Нисорийниинг “Музаққири аҳбоб” тазкираси ва 16-аср ўзбек адабиёти» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади. 20 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи. Заҳирий Самарқандийнинг “Синдбоднома” (Хотинлар макри), Нисорийнинг “Музаққири аҳбоб” асарини форсчадан ўзбекчага таржима қилган. Мутрибийнинг “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкираси, Муҳаммадёр ибн Қатағаннинг “Мусаххир ил-билод” номи тарихга оид китобини Эронда нашр эттирган.

МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ  
ТАРИХИ ИНСТИТУТИ

Хизматда фойдаланиш учун №

МУТРИБИЙ САМАРҚАНДИЙ

# ҲИНД САФАРИ

Таржимон ҳамда муқаддима, сўнгги сўз ва  
изоҳлар муаллифи Исмоил БЕКЖОН

3670 2216

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
**ToshDO‘TAU**  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ - 2005

16-17-асрда хаёт кечирган бобурийлар, гарчи улар Ўрта Осиёда туғилмаган бўлсалар ҳам, ота-боболари ватанига меҳр-муҳаббат билан яшаб, буюк аждоди хоки ётган Самарқанд, Андижон, Бухоро каби ўлкалардаги авлиё, олим ҳамда адабиёт ва санъат аҳли билан дўстона, ижодий алоқалар ўрнатдилар ёки Ҳинддаги юқори лавозим ва маданий-адабий доираларда иштирок этиш учун мовароуннахрлик амиру-бек, шоиру рассом, мусикачиларни таклиф этдилар, авлиёларга қаттиқ эътиқодда бўлиб, уларни ҳинд диёрида ҳам кўришга ошиқдилар. Акбар, Жаҳонгир сингари бобурийзодалар, ҳатто, Гўри Мир каби темурийлар даврига тааллуқли меъморий ёдғорликларни таъмирлатиш мақсадида филларга ортилган маблағлар юбориб турдилар...

1626 йили Ҳиндистонга сафар қилиб, ана шундай илтифотга эришган Мутрибий эса мазкур воқеалардан бир қисмини қўлингиздаги китобда акс эттириб кетган.

*Маъсул муҳаррир:* филология фанлари доктори, Беруний мукофоти совриндори, профессор Суюма Ғаниева.

\*\*\*\*\*

**Махпират номли Ўрта Осиё халқлари тарихи институтининг молиявий ҳомийлигида хайрия сифатида чоп этилди.**

**Кўчирма олинганда “Ҳинд сафари”дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.**

© Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти.

© Исмоил Бекжон, 2005.

## МУҚАДДИМА ЎРНИДА

### *МУТРИБИЙ ҲАЁЛИ ЎЎЛИ ВА ИЖОДИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР*

Адабиётшунос олим ва шоир Мутрибий 1556 йилнинг 9 декабрида зиёли оиласида Самарқандда дунёга келади. Унинг қадимий турк қавмларидан аргун уруғига мансуб катта аждоди турли соҳаларда билимли кишилар бўлгани туфайли теурийлар хизматида ҳар хил вазифаларни бажариб, Самарқанд шаҳрида турғун яшаганлар. Масалан, Мутрибийнинг мавлоно Хожа Авлиёий номи билан танилган бобокалони Улуғбек Мирзо саройидаги хос ибодатхона мутассаддийси бўлган. Юз ёшгача умр кўрган бобоси Малик Аргун ҳамда отаси ва амакилари ҳам зиёли кишилар бўлганлар. Онасининг отаси туғма бутов кўр киши бўлишига қарамай Басирий тахаллуси билан гўзал, мазмундор ғазаллар яратган. Мутрибийнинг онаси ҳам ўқимишли фозила аёл бўлиб, отаси Басирий айтган назм дурларини қозғога тушириб бораркан.

Мутрибий даставвал бошланғич таълим берувчи мактабда савод чиқаради. 12-13 ёшидан эса ўрта ва олий билим берувчи мадрасаларда таҳсил олади. Бу пайтда Самарқандда Мадрасайи Олияий Сароймулкхоним, Султон Улуғбек, Амир Шоҳмалик, Хожа Аҳрор, Шайбонийхон, Абу Саъидхон, Амирхон ва яна бошқа мадрасалар фаолият кўрсатарди. Самарқанддаги Улуғбек масжиди ва шу каби тагин бир неча йирик масжидларда Қуръон қироати, Ҳадис илми бўйича махсус билимлар берилган. Мутрибий устози Назрий Бадахшонийга бағишланган маълумотда қизиқ бир воқеани келтиради. Илмга чанқоқ талабалар мазкур охунддан кўшимча дарслар олиш мақсадида эртаю-кеч унинг хужрасидан кетмас, охунд эса улардан қутулиб, ўзи ҳам китоб мутолаа этиш учун бир шогирдига буюриб, хужраси қулфини



эшик ташқарисидан остириб қўяркан. Улуғбек мадрасаси деворида эса ўз ўқи атрофида "худди осмонга отилиб, яна ерга қайтиб тушаётган коптокдек айланувчи ер курраси" ва ундаги жугрофий кенгликлар, шаҳару ўлкалар номи ёзилган харита чизиб қўйилган экан. Мутрибий аллома Тафтазонийнинг "Мутаввал" китоби асосида илми маоний, илми баён, илми бадеъ соҳаларини бир неча йил давомида забардаст олим Исматулло Охунддан ўзлаштиради. Ҳақиқия ва илоҳияни Абу Саъидхон мадрасасида Назрий Бадахшоний, адабиёт назариясига оид билимни Амир Шоҳмалик мадрасасида мавлоно Қосим Румийдан, Қуръонга доир айрим илмларни Ҳофиз Муҳаммад Аминдан, илми сиёқ (ҳисоб-китоб) соҳасини Ғарибий Ҳеравийдан ўрганеди. Эрондан келган "Муллоий нав" (Янги қарашдаги олим) лақаби билан танилган файласуф олим Мирзожон Шерозийнинг оммавий дарс ва баҳс-мунозараларида ҳам қатнашади.

Мутрибий санъатларнинг бир неча соҳаларида ҳам ўз истеъдодини таниқли устозлар ҳузурида мукамаллик даражасига етказди. Мусикада туғма иқтидор эгаси бўлган Мутрибий 1580-йиллари Бухорога катнаб, Али Дўст Нойидан конун, сетор, доира ва найда чалинадиган ҳамда Юмлий Миёнколий, Зириҳий Туркистонийдан ўн икки мақомнинг яна бир неча катта куйларини ўзлаштиради. Кейинчалик, Мутрибий бу соҳаларда шуҳрат қозонади. Унинг ёшлигиданоқ ўзига "Мутрибий" (созанда) тахаллусини танлагани ҳам ана шундан эди.

Мутрибийнинг ҳуснихат ва китобат санъатига тааллуқли тазҳиб соҳасига ҳам зўр қизиқиши бўлиб, Рустам Наққошдан қўлёзма китобларга олтин суви югуртириш ва замонасининг моҳир хаттотларидан ҳуснихат турларини ўзлаштириб, бу соҳаларда ҳам ажойиб намуналар яратди. У қандай китобларни ва нечта нусхада кўчиргани тўғрисида ўз асарларида муфассал маълумотлар ёзиб қолдирган.

Мутрибийнинг хабар беришича, у 14-15 ёшидан шеър

машқ қила бошлаб, 17-18 яшарлигидаёқ шеър соҳасида ўз истеъдодини намоён этади ва ўз шеърларини Абу Муҳаммад Дахбедий (Аминий) бин Махдуми Аъзам каби олим, шоир кишилар имтиҳонидан ўтказади, 1573 йили Балхда шоир Жоний Кобулийга ўз шеърларини ўқиб беради. Мутрибий Бухорога устози Али Дўст Ноий ҳузурига қатнаб юрган найтлари шоир Ҳофиз Муқимий Бўстонхоний Самарқандий билан Бухоро йўлида яқиндан танишиб қолади ва унинг маслаҳатига кўра аруздан махсус таълим олиш учун шу Бухорога боришида тўғри машхур шоир ва адабиётшунос Ҳасанхожа Нисорий ҳузурига йўл олади. Баҳовуддин Накшбанд мақбараси яқинида жойлашган Нисорий (1512 й. декабрь – 1596 й. июнь) уйи ўзига хос илм даргоҳига айланган бўлиб, бу ерда бир вақтнинг ўзида турли ўлкалардан келган ёшлар аруз сирларидан вокиф бўлар, катта-кичик шоирлар мушоара, адабиёт масалалари бўйича мунозаралар ўтказар эдилар. Нисорийга Ҳиндистон, Қашкар, Хуросон, Туркия ва Хоразм шоиру фозилларидан, подшоҳ ва хону султонлардан мактублар, улар ёзган шеърлардан намуналар келиб турарди. Мутрибий ўз тазкираларида Нисорий ҳузурига 1588-1593 йиллар мобайнида кечган онларини мамнуният билан эслаб, шеърятда нимага эришган бўлса, уни Нисорийга шогирдлиги шарофатидан деб биларди. Кейинчалик ўзи ҳам шеър, мусиқа, ҳуснихат соҳаларида ўнлаб шогирдлар етиштиради ва улардан айримлари номии фахр билан тилга олади.

Мутрибий шайбонийлар ва аштархонийлар даврида давлат ишларига жалб этилиб, бироз вақт Самарқанд ҳокими Ҳожибий Отолик Дўрмон (ҳок.1585-1597 йй.) хизматида айрим идоравий ишларни бажаради. Шундан уч йил кейин шаҳарнинг янги ҳокими Низомиддин Ҳожибий Отолик Қушчи хизматига киради ва 1606 йилгача шу вазифада туради. Хожа Зайниддин Муҳаммад бин Саййид Ҳодихожа Накшбандий исмли амалдор Бухоро, Самарқандда садр

пайти (1605-1611 йй.) Мутрибийни Самарқанд мазорлари мутаваллийси вазифасига тайинлайди. Шундан сўнг у Имомқулихон давлатининг таниқли арбоби Ёдгор Қўрчи ёнида Бухоро, Балх ва Самарқандда илм-фан ва маданият соҳасидаги ишларга бош-қош бўлади. Мутрибий Имомқулихон ҳузурида каттагина обрўга эга эди.

Мутрибий 1626 йил мартада Ҳиндистон сари йўлга тушиб, шу йил майида Балхга етиб боради ва у ерда икки ой туриб, 1626 йил июлида Ҳинд давлатига қарашли Кобул ва у ердан ўтиб, Нилоб, Навшаҳра, Пешовар орқали Жаҳонгир подшоҳ давлати пойтахти Лоҳурга етиб олади. Бир ойдан сўнг, яъни 1626 йил 9 декабрь куни Жаҳонгир подшоҳ саройида унинг мулоқотига муяссар бўлади. Мутрибий 1627 йил апрелида Мовароуннаҳр сари йўлга тушиб, ўша йил июнида Балхга, октябрь-ноябрь ойида эса Бухоро, Самарқандга қайтиб келади.

Мутрибий таржимаи ҳоли ҳақида яна шуни айтиш мумкинки, унинг Муҳаммад Али ва Шоҳ Али исмли ўғил-лари бўлиб, улар ҳам ажойиб ғазаллар ёзганлар. 1624 йили Балх, Бадахшон саёҳатида отасига ҳамроҳлик қилганлар. Катта ўғли Муҳаммад Али отаси билан Ҳиндистонга ҳам бориб қайтади. Шоҳ Али отасининг мадрасадош дўсти, ўша даврнинг доврқли шоири Ашкий Самарқандийнинг куёви экан.

“Нусхайи зебойи Жаҳонгир”нинг бизгача етиб келган кўлёзма нусхасида қайд этилишича, Мутрибий 1628 йилнинг августида Самарқандда яшаб турган. Унинг асл исми ва қачон вафот этгани борасида ҳозирча қўлимизда аниқ маълумотлар йўқ.

\* \* \*

Мутрибийдан бизгача етиб келган “Тазкират уш-шуаро”, “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” номли тазкиралар, унинг Ҳиндистонга сафари пайти Жаҳонгир мулоқотига етишган онларини тасвирловчи кичик асари ҳамда мазкур тазкиралар



ичида сақланиб қолган ўнлаб ғазал, қасида, мухаммас, мусаддас, рубоий, қитъа, фард жанридаги назмий намуналар ёдгор қолган.

Мутрибий “Тазкират уш-шуаро”ни Самарқанд ҳокими Ҳожибий Отолиқ Қушчи хизматида юрган хижрий 1011-1013 (мелодий 1603-1605) йиллари ёзади. Муаллиф уни ўша пайтдаги бош хон Боқий Муҳаммадхон аштархонийга бағишламоқчи бўлган, лекин бу хон 1013 йил зулқаъда (1605 йил апрель) оғир охирида вафот этиб, 1014 йил муҳаррам (1605 йил май) оғир бошида Бухорода бош хонлик тахтига унинг ўша пайтда Балх волийси бўлиб турган укаси ўтиради ва Мутрибий асарни Вали Муҳаммадга бағишлаб, 1605 йил июнь-июлида шу хонга тухфа қилади. Мутрибийнинг ўз қўли билан китобат қилинган мазкур қўлёзма нусха бизгача етиб келган ва ҳозирча дунёда маълум ягона бу нусха Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик Институти қўлёзмалар хазинасида сақланади. Гарчи қўлёзмадан бир неча варақлар йўқолган бўлса-да, унда бизгача 326 нафар шоирлар ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ва ўша давр ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт ҳамда Ўрта Осиё адабий ҳаракатчилигининг бошқа мамлакатлар адабий муҳити билан алоқалари ҳақидаги қимматбаҳо маълумотлар сақланиб қолган.

“Тазкират уш-шуаро” “Исм” деб аталувчи учта бўлимни ўз ичига олган “Тасмия” номли биринчи ва “Нуқта” деб аталувчи учта бўлимни ўз ичига олувчи “Алифбо” номли иккинчи боблардан ташкил топган. “Тасмия”да шеър ёзган шайбоний, аштархоний, бадахшонлик темурий, бобурий, шаркий туркистонлик ва хоразмлик ҳукмдорлар ҳақида маълумотлар ҳавола этилган. “Алифбо” бобида шеър ёзган вали, амир, турли касб эгалари ва фақат шеърят билан шугулланган шоирларнинг исмлари “абжод” услуби тартибидан жойлаштирилган. Муаллиф китобда ўрни билан, ўқувчининг эриктирмаслик учун, латифа, ҳикматли сўз, панд-наси-

ҳатта доир ибратли ҳикоялар, илм-фан ажойиботлари ҳақида кизиқарли маълумотлар бериб боради.

Айтиб ўтиш жоизки, асар изох ва зарур кўрсатгич ва кириш сўзи билан таъминланиб, тожикистонлик олим Асгар Жонфидо томонидан 1997 йили Техронда чоп этилди.

“Нусхайи зебоий Жаҳонгир” тазкирасининг яратилиши эса Мутрибийнинг Ҳиндистон сафари билан боғлиқ ва бу асар Жаҳонгир подшоҳга бағишланган. Абжад ҳисобида бу асар номидан Мутрибий Ҳиндистонга сафар қилган 1626 йил келиб чиқади ва унда Жаҳонгир номи ҳам акс этган. Асар “Силсила” деб аталувчи иккита катта боб ва “Хотима” номи остида китобга илова тарзида киритилган қисмдан иборат. Биринчи силсилада чигатой (бобурий, бадахшонлик темурий) ҳукмдорлар ва улар даврида шеър ёзган фозиллар, иккинчи силсила шайбоний, аштархонийлар ва улар замонидаги шоир, фозил кишилар ҳақида маълумотлар берилади. Мутрибий бу асариди темурийларга кўпроқ эҳтиром изҳор этаётгани учун мазкур иккинчи силсилани иккига ажратиб ва уларни “Табақа” деб атаб, биринчи табақада шайбоний Кўчкунчихоннинг онаси Робия султонбегим бента Улуғбек Курагон орқали темурийларга уланувчи шайбонийзодалар ва улар қўли остидаги ерларда яшаб, ижод этган шоирлар, иккинчи табақада темурийларга яқинлиги бўлмаган, Мутрибий тили билан айтганда “чингизий” ҳисобланган шайбоний, аштархонийлар ва улар давридаги шоирлар жой олган. Хотима қисмида эса Мутрибийнинг Жаҳонгир ҳузурида бўлган лаҳзаларини тасвирловчи “воқеалар” ҳамда Жаҳонгирнинг Мутрибий тазкирасига қўшиб, сарой кутубхонасида сақлаш учун берган мўъжаз тазкира асари ўрин олган.

“Нусхайи зебоий Жаҳонгир”нинг бизгача Мутрибий 1628 йил августидан кейин Самарқандда тартиб берган таҳриридан 1665 йили Шоҳжаҳонободда кўчирилган ва ҳозир Англиядаги “Индия оффис” кутубхонасида сақланувчи ягона нусхаси етиб келган.

Мутрибийнинг Жаҳонгир кутубхонасига топширган нусхаси тақдир эса ҳозирча номаълум. Қўлимиздаги нусхада айрим узилишлар ва имловий хатолар ҳам кўзга ташланади. Ушбу сатрлар муаллифи ўша нусха матнини изоҳлар билан таъминлаган ҳолда нашрга тайёрлаб, 1998 йили уни биринчи бор тўлиқ ҳолатда Қум шаҳрида чоп эттирди.

Мутрибийнинг Жаҳонгир билан мулоқотлари ҳақидаги асари таҳлиliga киришишдан олдин унинг Ҳиндистонга сафари хусусида бир-икки оғиз гапириб ўтишга тўғри келади. Муаллиф бундай маълумотларни ҳар иккала тазкирасида ҳам қайта-қайта завқ-шавқ билан баён этган.

Мутрибийнинг Мир Дўстий деган яқин дўсти Ҳиндистонга сафар қилиб, Акбар подшоҳ топшириғига кўра ўша ўлкада бутунлай яшаб қолиш ниятида оиласини кўчириб кетгани Самарқандга келади. У Ҳиндистонни роса мақтайди. Мутрибий дўстининг хикояларидан сеҳрланиб “аклдан озай” дейди, бироқ, катта оиласини ташлаб кетишга ҳеч иложи йўқлигини айтади. 1604 йили ҳиротлик Мулло Назирий Машҳадий саёҳат билан Самарқандга келади ва Мутрибийникида ҳам меҳмон бўлиб, Ҳиндистон сари сафар қилжаги, агар хоҳласа уни ҳам Ҳиндистонга бирга олиб кетиши мумкинлигини билдиради. Шоир бу таклифга кўнади. Бироқ Назирий Тошкентга ўтиб кетганича қайтиб Самарқандга келмайди ва Мутрибий учун Ҳиндистон сафари яна орзулигича қолади. Аммо у Ҳиндга боришдан умидини узмайди, устози Нисорий етолмаган орзуга етишишни бир дам ҳам ҳаёлидан чиқармайди. Ҳиндга кетиб қолган дўстлари билан хатлар ёзишиб туради. У 1624 йили ўғиллари Муҳаммад Али, Шоҳ Али билан Балх, Бадахшон, Толиқон, Даштатобод, Қундуз вилоятларига сафар қилиб қайтади. Бир йилдан кейин эса Ҳиндистон сафарига ҳам отланади ва Балхгача етиб боради. Жаҳонгир подшоҳ ҳузурига совга билан бориш учун 1034 йилнинг ражаб (1625 йил май)

ойида янги тазкираси – ”Нусхайи зебойи Жаҳонгир”ни тузишга киришади. Бироқ биз билмаган сабабларга кўра, у бу сафарни давом эттира олмай яна Самарқандга қайтади. Бир йил ўтгач, аниқроғи, 1626 йил мартида Мутрибий катта ўғли Муҳаммад Али билан Ҳиндистон сари йўлга чиқади. У Бухорода ўша пайтда Имомқулихоннинг элчиси сифатида Ҳиндистонга кетаётган Абдурахимхожа Жуйборий ва Жаҳонгирнинг бир йил олдин чегара масалаларида Имомқулихон ҳузурига келган ва энди мазкур хожа билан ватанига қайтаётган элчиси Саййид Мир Барака (Амир Саййид Кулол авлодидан) билан учрашади ва улар қистовида катта карвонга қўшилиб, улардан один йўлга тушади ва апрель ойи охирида Балхга етиб боради. Аммо Балхда ҳинд давлатига қарашли Кобулга ўтиб кета олмай иккки ойча ушланиб қолади. Шундан сўнг Абдурахимхожа ва Мир Барака ҳам унинг кетидан бу шаҳарга етиб борадилар. Мутрибийнинг Кобулга ўтишда чегара расмиятчилиги ва моддий қийинчиликка дуч келганидан хабар топиб қаттиқ ташвишланган Мир Барака бу масалаларни зудлик билан ҳал қилади ва ота-ўғилни бобурийлар давлатига қарашли Кобулга ўтказиб юборади. Мутрибий Кобулда оз вақт тургач, тез орада Нилоб ва Пешовар шаҳарлари орасидаги Навшаҳрага етиб боради. Бу ерда бир пайтлар аштархонийлар садри бўлган, эндиликда эса Ҳиндистонда мансаб эгаси бўлиб турган Хожа Зайниддин Муҳаммад бин Саййид Ҳодихожа Нақшбандий яшарди, у Мутрибийни бир неча кун меҳмон қилади ва ўзи ҳамда ўғлига қимматбаҳо совгалар бериб, меҳмонлар ҳурмати учун карвонни икки кун тўхтатиб ҳам туради. Мутрибий кўп ўтмай Пешоварга, у ердан сўнг пойтахт Лоҳурга етиб боради. Бир ойдан кўпроқ вақт давомида шу шаҳарда тазкирасини тугатиб ва қайта кўчириб, 1036 йил 19 рабиъ ул-аввал (1626 йил 9 декабрь) куни Хожа Фаҳриддин Хусайн бин Хожажон девон воситасида Жаҳонгир подшоҳ саройида унинг мулоқотида етишади.

1626 йил августи охири-сентябрь бошида Абдурахимхожа ва Саййид Мир Барака ҳам Кобулга етиб келадилар. Кобул ҳокими Зафархон уларни муносиб кутиб олади ва бу ҳақдаги хабар Лоҳурга 25 октябрь куни келади. Лоҳурга эса улар 1627 йил 11 мартада кириб келадилар. Абдурахимхожани Лоҳурга уч манзил ерда Жаҳонгирнинг эътиборли пәёнларидан Мусавийхон совға-саломлар билан кутиб олган, шаҳарга яқин келганида бошқа давлат арбоблари пешвоз чиққан эдилар. Ўша кунисиёқ подшоҳ ва бу хожа ўрта-сида мулоқот амалга ошади, Жаҳонгир уни ўпиб кутиб олади ва тахти ёнидан жой кўрсатади. Абдурахимхожага 50 минг рупий совға қилинади ва қароргоҳ тайинлаланиб, олтин, кумуш идишларда таом тортилиб, бу қимматбаҳо идишлар ҳам унга тортиқ қилинади. Кашмирга кетиш чоғи эса фил тухфа этилиши ҳам айтилади. Жаҳонгир подшоҳ 1627 йил 20 мартада катта тантана билан Наврўз байрамини нишонлайди ва сўнг Абдурахимхожани ҳам ўзи билан бирга олиб, Кашмир сари йўлга тушади. У Мутрибийни ҳам Кашмирга ўзи билан олиб кетмоқчи эди, лекин, ватанига қайтишга қатъий қарор қилган шоир подшоҳдан зўрға рухсат олиб, Мовароуннаҳр сари отланади. 1627 йил апрелида йўлга чиққан Мутрибий ўша йил июлида Балхга, икки-уч ойдан сўнг эса Бухоро ва Самарқандга эсон-омон етиб келади.

Жаҳонгир подшоҳ касали оғирлашиб, 1627 йил 4 ноябрда Кашмирда оламдан ўтади, шундан бир нечагина ой ўтиб Абдурахимхожа ҳам Лоҳурда вафот қилади, ўғли Сиддикхожа унинг наъшини кейинроқ Бухорога келтириб дафн этади.

Мутрибий ана шу Лоҳурда турган беш ой мобайнида бир нечи марта саройда Жаҳонгир подшоҳ мулоқотида бўлади ва кейинчалик уларни қаламга олишга қарор қилиб, 1627 йил 28 февриладан ўша мулоқот чоғи кўрган-билганларини "покеалир" номи остида қоғозга туширади.



Мутрибий бу мулоқотларнинг биринчисини “воқеайи аввал” (биринчи воқеа) деса, қолган барча кунларидаги учрашув тафсилотларини “кейинги воқеа” тарзида номлаб борган бўлимларда акс эттиради. Афсуски, муаллиф мулоқот кунларининг биринчи воқеадан бошқа ҳеч бирига сана қўймаган. Уларнинг фақат куннинг қайси маҳали рўй берганини би-лиш мумкин, чунки, булар аниқ айтиб ўтилади. Шунингдек, бу мулоқотлар сони ҳам аниқ айтилмаган, “кейинги воқеа”лардан баъзиларида бир бор учрашув эмас, ҳатто бир кунда икки-уч бор мулоқот содир бўлгани англашинади. Бундан билса бўладики, Мутрибий ўз аҳамияти билан эса қоладиган мулоқотларнигина батафсил баён этган ва “кейинги воқеа” сарлавҳаси остида қаламга олган. Шунингдек, муаллиф асарга учрашувда тилга олинмаган, аммо мавзуга алоқадор воқеа, латифа, ҳикматли сўз, панд-насиҳатларни ҳам киритган. Масалан, биринчи мулоқотда Жаҳонгир Мутрибийга пул инъомлар берар экан, муаллиф ўша ерда ўрни билан Амир Темур ва Ҳофиз Шерозий воқеасини ҳам киритиб ўтади, бироқ бу латифасимон воқеа Жаҳонгир ҳузурида тил-га олинмаган. Яна бир ерда эса Жаҳонгир ов қилган ва Мутрибийга тортиқ қилган ўрдак ҳақида гапираркан, асарга Абдуллатифхон даврида Самарқандда юз берган қизиқарли бир воқеани ҳам киритишни лозим топади. Жаҳонгир ундан Гўри Мирдаги қабр тоши ҳақида сўраганида подшоҳ саволи-га жавоб бераркан, шулар баёни асносида Шоҳи Зиндада рўй берган бир воқеа тафсилотини ҳам келтиради, аммо, муаллиф уни ҳам Жаҳонгир билан савол-жавоб пайти тилга олган эмас. Албатта, Мутрибий буларни асар воқеаларини яна-да мазмунли, ўқимишлироқ қилиш мақсадида ҳавола қилган.

Асарнинг Ҳиндистонда ёзиб тугаллангани ёки Жаҳонгир кутубхонасига топширилгани ҳақида Мутрибий ҳеч қандай хабар бермаган. Қўлимиздаги нусха эса “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”нинг Самарқанд таҳрири Хотима қисмига илова

тарзида киритилган экан унга ҳам тазкиранинг ўзи каби кейинги воқеалар қўшимча қилинган.

Айтишимиз мумкинки, Мутрибий “воқеалар”ни Ҳиндистонда тугатиб, унинг кўчирмасини Жаҳонгир кутубхонасига топширган, кораламасини эса “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”га ўхшатиб, ўзи билан Самарқандга олиб қайтган ва қўшимчалар билан тазкиранинг «Хотима» қисми қилиб асар таркибига киритган.

Тожикистонлик олим академик Абдугани Мирзоев 1977 йили “воқеа”ларни “Хотироти Мутрибий Самарқандий” номи остида Покистонда чоп эттирди. Нашр кириш сўзи билан ҳам таъминланган. Бироқ, “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”нинг тўлиқ нусхаси А.Мирзоев қўлида бўлмаганиданми, унда Мутрибий ҳақида деярлик янги маълумотлар ҳавола қилинмаган, Мутрибийнинг фақат туғилган йили «Хотима»даги маълумотлар асосида аниқланиб (у ҳам хато шаклда) ва “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”даги Мутрибийнинг 1624 йили ўғиллари билан Балх, Бадахшонга сафари воқеаси ҳавола этилган. Асар бор-йўғи учта изоҳ билан таъминланган – “гирди хони” (баркаш)нинг “товоқ”лиги, “Лакнов”нинг Лакҳнав экани ва Мутрибий Бобурга нисбат берган бир байтнинг аслида Бобур Қаландар бин Бойсункур Мирзога тегишли бўлгани изоҳланган, холос. Аммо, шунга қармай «Хотима»нинг ўша даврда Покистонда форс тилида чоп этилиши ўзбек тарихшунослик ва адабиётшунослигида ҳам муҳим воқеалардан бири бўлди.

Мутрибий Ҳиндистонга борган ва Жаҳонгир билан учрашган ўша кезлари Жаҳонгир давлати жуда огир сиёсий вазиятни бошидан кечираётган эди. Шоҳ Жаҳон отаси Жаҳонгирга қарши бош кўтарган ва Жаҳонгир ҳар лаҳзада исёнчи ўглининг туйқус зарбасини кутар, шу сабабли сарой ҳам нотинч эди. Ҳар кун, ҳар тунда бир нохуш хабар келар, ҳукумат лашкари гоҳ у ер, гоҳ бу ерга исённи бостириш учун юбориларди. Лекин буларнинг ҳеч бири Мутрибий

асарида заррача бўлса ҳам акс этмаган. Муаллиф ўз асари орқали борган мамлакати сиёсатига аралишишни истамаган. "Нусхайи зебойи Жаҳонгир" ва унинг Хотима билан бирга бизгача етиб келган нусхаси гарчи Самарқандда тартиб берилган ва бу пайтда Жаҳонгир аллақачон вафот этиб, давлат тепасида Шоҳ Жаҳон ўтирган бўлса ҳам Мутрибий янги тахрирда бу хусусда бирон фикр билдирмаган. Ваҳоланки, у Ёдгор Қўрчининг Татада 1627 йили охирида вафот этганини қайд этади, 1628 йил августига тааллуқли бошқа воқеаларни ҳам ёритиб ўтади. Шулардан билса бўладики, муаллиф ўз хотираларида фақат Жаҳонгирнинг лутфу карам эгаси, шеърӣ завққа мойил подшоҳ эканини ёритишни мақсад қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам мулоқотлар жараёнидаги шеърхонлик, ҳазил-мутойиба, меъморӣ ёдгорликлар тавсифига бағишланган суҳбатлар, Жаҳонгирнинг бобокалонлари ватани бўлмиш Ўрта Осиё ва унинг бугунги куни, сўфӣлик тариқати намояндалари, ҳукмдорлари ҳаёт тарзига қизиқишигина қаламга олинган ва улар жуда жонли тилда ҳикоя қилинадик, одам ўзини худди ўша мулоқотларда қатнашаётгандай ҳис этади. Асар қийматини оширадиган ва ўша давр ўзбек-ҳинд алоқалари нафасини бизгача олиб келган шу фактларнинг ўзи ҳам манбашунослик соҳасида ўзининг арзирли аҳамиятига эгадир.

Адабиётшунос ва шоир Мутрибий Жаҳонгир подшоҳ томонидан саройда қабул қилинар экан, подшоҳ ундан дастлаб Амир Темур мақбараси вазиятини сўрайди. Чунки, Мутрибий маълумотларига қараганда, Акбар подшоҳ ўз замонасида Самарқандда хонлик қилган шайбонӣ Кўчкунчихон (бу хоннинг онаси Робия султонбегим Улуғбек Мирзонинг қизи эди) авлодлари билан узоқ қариндошлик ҳурмати учун яқиндан алоқа ўрнатган ва йил оша улуғ аждоди мақбараси таъмирига филга ортилган маблағлар юбориб турар, бу ишни Жаҳонгирнинг ўзи ҳам давом эттириб, ўша 1625 йили элчиси Саййид Мир Барака билан анча маблағ юборган ва бу эл-

чи Абдурахимхожа Жуйборий кўмагида Гўри Мирда айрим таъмирлаш ишларини олиб борган эди. Жаҳонгир бундан кўнгли тўлмай Мутрибийдан Гўри Мирнинг тўлиқ таъмири учун яна қанча маблағ кетишини сўрайди ва Мутрибий айтган тўла таъмир учун лозим пулни Самарқандга юборишини билдиради.

Жаҳонгир давлати дастгоҳидаги лавозимларнинг кўпи келиб чиқиши асли эронлик бўлган шахслар қўлида эди, иммо подшоҳ улар орасида мовароуннахрликлар бўлишини ҳам истар ва Турон ҳукмдорлари қўлидан норози бўлиб Ҳиндистонга келган Абулбий, Ёдгор Қўрчи, Сайид Зайниддин Накшбандий сингари ўнлаб амир, девонбегилар мансаб эгаллигига эришган эдилар. Жаҳонгир Мутрибийдан ҳам ана шунақа кишилар бўлса Жаҳонгир саройига тавсия қилишини, подшоҳ эса уларни Ҳиндистонга кўчириб олиб келиш тадорикини кўришини айтади. Шунда Мутрибийнинг ўғли Муҳаммад Али машхур Ҳофиз Куҳакийнинг ўғли Собирийни шу шарафга муносиб кўриб, мударрис ва ўша чоғда эндигина Бухорода аскар қозилик мансабига эришган бу ималдорни тавсия қилади. Маълумки, Ҳофиз Куҳакий Улугбекнинг шогирди Али Қушчи авлодидан бўлиб, шайбонийлар элчиси сифатида икки бор Ҳиндистонга борган ва 1528 йил Бобур, 1570 йили эса Акбар подшоҳ хузурида бўлган.

Жаҳонгир ов ҳамда туя, кийик уруштириш каби кўнгли очар эрмаклар ишқибози бўлиши билан бирга тасвирий санъат, китобат, шеър ва мусиқа соҳаси ихлосманди ҳам эди. У сарой кутубхонаси учун шу ерда жойлашган нигоргона, яъни тасвирий санъат намуналари яратиладиган бўлиши рассомларига илгари шайбоний ва аштархонийлар хизматида бўлган Абулбий Мовароуннахрий, Ёдгор Қўрчи қасдлар ҳикояси асосида Абдуллахон Иккинчи ва унинг ўғли Абдулмуъминхон расмини солдириб, бу хонларни жуда яхши таниган Мутрибий фикрини сўраб, шу асосда рассом

чизганларини тўғирлатиб олади, бундан биз Жаҳонгирнинг тарих учун ўша даврнинг таниқли сиймолари тасвирлари мураққаъси (альбоми)ни яратаётгани, жумладан, уни ўрта-осиёлик ҳукмдорлар ҳам қизиқтиришини билиб оламиз. Шунингдек, бу пайтда Жаҳонгир саройида яқиндагина Самарқанддан келган рассом мавлоно Дарвеш мусаввир Самарқандий ҳам фаолият кўрсатаётгани маълум бўлади.

Мутрибий маълумотлари орқали Жаҳонгирни мовароуннаҳрлик бастакорлар асарлари ва ижро усуллари ҳам қизиқтирганини кўрамиз. У мусиқада ҳам истеъдодли Мутрибийдан шайбонийлар даврининг машҳур мусикачиси Устод Али Дўст Нойи асарларидан чалиб ва айтиб беришни сўрайди. Мутрибий устози куйларидан бир нечасини ашула қилиб айтиб беради. Шу ерда биз бу мўъжазгина асар маълумотлари орқали бошқа бир тарихий фактни ҳам билиб оламиз. Амир Алишер Навоийнинг мусиқа соҳасида ҳам асари борлиги тахмин этилса-да, бироқ қўлимизда унинг куй басталаган ёки басталамагани ҳақида хабар берувчи бирор маълумот йўқ эди. Мутрибий эса шу хотираларида буни карангки, ҳазрат Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро номига басталаган куйи хусусида гап юритади ва мазкур куй йўлидаги, аниқроқ қилиб айтсак, деярлик шу куйнинг ўзини Жаҳонгир ҳузурида ижро этиб беради. Мутрибийнинг бу кичик асари ана шу жиҳатлари билан ҳам қимматли десак янглишмаймиз. Чунки унда Навоий даврига оид яна бошқа маълумотлар ҳам мавжуддир.

Мулоқот хотираларида акс этишича, Жаҳонгир ҳам отабоболари Акбар, Ҳумоюн, Бобурга ўхшаб, Мовароуннаҳрдаги нақшбандийлик, кубравийлик тариқатлари вакиллари — Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор, Махдуми Аъзам авлодлари ва шайбоний, аштархонийлар давлатида нуфузга эга жуйбор шайхлари билан жуда яхши алоқада бўлган, биламизки, бундай муносабатлар ўзининг сиёсий-ижтимоий аҳамиятларига эгадир.



“Вокеалар” маълумотлари яна шу билан ҳам қимматлики, уларда ўша давр ўзбек-ҳинд адабий алоқаларига доир фактик материаллар берилган, шоирлар асарларидан намуналар келтирилган., ўша давр адабиёти масалаларига назар ташланган. Мутрибийнинг ўз тазкираларида тилга олинмаган талайгина шеърий асарлар ҳам бу китобда ҳавола этилган.

Мутрибий тазкираларида айрим тарихий воқеалар ҳам тилга олиб ўтилгани каби бу асарда ҳам ана шундай ўринлар мавжуд. Масалан, Абдурахимхожа Жуйборийнинг Имомқулихоннинг элчиси сифатида Ҳиндга сафар қилиши тафсилоти ана шулар жумласидандир.

Хуллас, ушбу қўлингиздаги китобча адабиётшунос, тарихчи олимларимиз учун қимматли манба, олий таълим тилими ўқитувчи ҳамда талабаларига қўл келадиган қўшимчи адабиётлардан бири бўлаолади деган умиддамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу ўринда, “Нусхайи зебоий Жаҳонгир” тазкираси қўлёзмаси микрофильмини Англиядан олиб келиб, илмий ишларимиз ва ушбу нашрларимиз учун тақдим этган тарих фанлари доктори, профессор Ашриф Аҳмадга чексиз миннатдорчилигимни билдираман.

**ИСМОИЛ БЕКЖОН**



3670

- 17 -

*Handwritten signature*

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
**ToshDO‘TAU**  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

# «ХИНД САФАРИ»

## ХОТИМА

ОЛЛОҲНИНГ ЕРДАГИ СОЯСИ ХАЛИФАЙИ ИЛОҲИЙ МУЛОЗИМАТИ ВА ШУ МУЛОЗИМАТ КУНЛАРИ ҲАМДА АЛАР ИЛТИФОТИДАН ЁҒДУ ТОПГАН ТУНЛАРИ РЎЙ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР ЗИКРИДАДИР. АММО, МАЪЛУМ ВА РАВШАН БЎЛСИНКИМ, ХОТИМА УШБУ ВАРАҚЛАРДА КИТОБИМИЗГА ИЛОВА СИФАТИДА КИРИТИЛГАН, ЧУНКИ, У ТАЗКИРА ЁЗИБ ТУГАТИЛГАНДАН КЕЙИНГИ ДАВР ИЧИДА ҚАЛАМГА ОЛИНГАН. ОЛЛОҲУ АКБАР.

Оллоҳи таоло ҳамди, алҳамд ва алмаҳмуд макоми байрогининг соҳиби - *унга ва оиласи ва асҳобига оллоҳнинг салоти ва саломи бўлсин* - наъти, пайгамбарнинг шаҳидлик шарбатини татиган оила аъзолари ва саҳобалари – *барчасига оллоҳи таолонинг жаннати насиб этсин*-олқишидан сўнг: Машхурдирким, нурафшон шариат ва ойдин миллатнинг бузилмас пойдевори асосчиси - *унга саловотларнинг афзали ва таҳқиётларнинг акмали ва саломларнинг энг етуғи* – шундай буюрмишлар: “иймонни комил десангиз унинг ярми сабр ва ярми шукр бўлиши лозим”. Яъни, одамизоднинг энг шариф борлиғи саналмиш иймоннинг мукамаллиги иккита шаклда намоён бўлади – бири шукр, иккинчиси сабрдир. Шундай экан, демак, вужуд либоси нақшлари ўша икки сифат, бири оллоҳ неъматларига шукр, иккинчиси қазову-қадардан етган балоларга сабр билан безанган одамгина комил мусулмон бўла олади.

Ва аммо: неъматларга шукр шуким, мўъмин банда бу дунёда неъматлардан бирига лойиқ кўрилар экан, унинг шукрини қилмоғи вожиб ва лозим ҳисобланади. Ва шу ўринда айтиш мумкинки, қайси бир неъмат қудратли султонларнинг фалак мисол даргоҳи хизматидан ортиқроқдир?

Факиру фукаро, балки, барча тоифа кишилар учун подшоҳлар хизматидан бўлак яна қаердан мўл-кўл манфаатлар ва сон-саноксиз меҳрибонликлар келур? Подшоҳларга яқинлик халойиқ ҳожотларининг раво бўлмоғига сабабдир. Айниқса, Ҳиндустон мамлакатлари подшоҳлари барчасининг подшоҳи, оламини безовчи ва жаҳон олгувчи ҳукмрон, қаҳрамони замон ва бўйин товловчилар адабини берувчи қаҳқори даврон, хазрати раҳмоннинг лутфига макон ва манбаи эҳсон, малики манноннинг ердаги сояси, олам ва олам аҳли яратувчисига эҳтиёж изҳор этгувчи, маърака ва йиғин ўрмонининг шери, Нурил-миллата вад-дунё вад-дин Жаҳонгир подшоҳ ибн Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳ ғозий – *оллоҳи таоло мулки ва салтанатини абадий қилсин ва адолат ва эҳсони дастурхонини мангу очиқ тутсин* – хизматида бўлмоқ уларнинг барчасидан ҳам аълороқ эмасми!?

Офарин ул соҳиб дилларгаким, суҳандонлик лабини эрта тонгдан кеч окшомгача, балки, доимий бир тарзда холикнинг танлагани ва яратувчининг ердаги бу нойиби олий бўлигасини ўпиш учун очадилар. Лекин, менимча, бу аниқлар не янглиғ шукрларни адо этсалар ҳам жуда кам бўлса керак! **Байт:**

К-зи дасту забони ки бар ояд,  
К-зи уҳдаи шукраш бадар ояд.

(Мизмуни: Ким қўлу тил бирла қилгуси ани адо,  
Шукри урдасига нени қилсин фидо.)

Алҳамдилиллоҳи таборака таоло бу буюк давлат ва улуғ инноват қитмир<sup>4</sup>дан ҳам қуйи мақомли бу фақир қарияга дағи диллар сурури Лохур ўлкасида – *худо бу юртни нуқсону*

---

<sup>4</sup> Аллоҳи Қиҳф ити номи.

*пурлардан асрасин* – оллох фарзларини билувчи ориф ва сону сифат микдоридан воқиф хожазода, яъни хожа Фахриддин Хусайн ибн хожайи суҳандон мавлоно Хожажон девон<sup>1</sup> воситаси орқали насиб этди – бир минг ўттиз олтинчи [1036] йилнинг чаҳоршанба куниси, рабиъ ул-аввал ойининг ўн тўққизинчисида кундан икки паҳру беш қари ўтганда<sup>2</sup> нурсиз кўзимиз худонинг ердаги бу соясининг қуёш ёғдули чехрасини кўриш шарафи ила мунаввар ва равшан бўлди.

**Байт:**

Шукри худо ки дида зи руйи ту нур ёфт,  
Дил аз тавофи каъбайи қуят ҳузур ёфт.  
Жон аз лабат шанид навои “нафаҳату фиҳи”<sup>3</sup>  
Ин нашоъ жон зи лаъли ту то нафахи сур ёфт.  
Ажзу ниёзи бандагии остони ту,  
Ҳар чиз ёфт Мутрибий аз ин умур ёфт.

(Мазмуни: Худога шукр, юзингдан кўзимиз топди нур,  
Кўчанг каъбасин тавофи берди дилга ҳузур.  
Жон лабдан туйди “нафаҳату фиҳи” навосин,  
Қиёматгача лабинг таъми жон аро турур.  
Остонанг хизматиға бордир бизда кўп ниёз,  
Мутрибий дилига шу ишлардан келмиш сурур.)

Қайси тил билан бу давлат шукрини адо этиб бўлур, қайси баён билан бу саодат мадҳини аён этиб бўлур?! Демак, қилни қирқ ёрувчи ақл ул шукрни уддалай олмас экан, шу сабабли шоҳ дуоғўйларидан бири бўлмиш бу муддао эгаси ўз шукронасини ушбу варақлар орқали ўзининг ул шоҳаншоҳ хизматида кечган кунларда юз берган воқеалар зикрини

---

<sup>1</sup> Фахриддин Хусайн асли мовароуннаҳрлик бўлиб, отаси Хожажон девон ўша пайтда Имомқулихон давлати хизматида турган.

<sup>2</sup> 1626 йил 9 декабрининг пешин маҳали.

<sup>3</sup> 38-сурадаги 72-оятдан ва 5-сурадаги 29-оятдан: Унга ўз руҳимни киритдим.

баши этиш билан адо қилишни муносиб кўрди ва шунга кўра, бир минг ўттиз олтинчи [1036]йилнинг жумод ус-соний оyi тўққизинчисида<sup>5</sup> пайшанба куни ул мақсад сари киришилиб, оллоҳил вадудга таваккал қилинди.

**Биринчи воқеа:** Ўша илк мулоқот куни яратгувчи эгам ш халойиқнинг қози ул-ҳожоти танлагани бўлмиш бу шох ҳузурда ул зотни улуғлаш ва алқаш вазифаси адо этилгач, хизрат подшоҳ дур сочувчи тилини мўъжиза осор гуфтор учун очиб, шундай лутф этдилар: — Доруссурур Лоҳурга этиб келганингизга неча кун бўлди?

— Бир ой бўлди, — дедим.

— Шу чокқача, остонамизни ўпиш учун келмай, қайларда юргандингиз? — дедилар.

— Малик ошиён остонангизга тухфа қилиш мақсадида “Нусхайи зебойи Жаҳонгирий”ни ёзмок билан машғул эдим, — дея жавоб бердим.

— У китобнинг тугалланиш таъриhini қандай шаклда топ-шисиз? — деб сўрадилар. Ушбу рубойни халифайи ило-хийнинг ҳузурларига етказдим.

### **Рубой:**

Бар номи Жаҳонгир шаҳи чарх шиям,  
Ин нусхайи дилгушо чу омад ба қалам.  
Таърихи тамомаш хиради хурдашинос,  
Зад: “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”<sup>6</sup> — рақам.

(Мазмуни: Гардун хислатли шох — Жаҳонгирнинг номи,  
Безади бу дилкаш китобни тамоми.

Шу сабаб қилни қирк ёрар ақл деди:  
“Жаҳонни олгувчи гўзал китоб” номи.)

<sup>5</sup> 1036 йил жумодис сонийнинг 9 куни мелодда 1627 йил 25 февралига тўғри келади.

<sup>6</sup> Абжидда бу ҳарфлар йиғиндиси “1036” сонига тенғдир. (Бу ҳижрий йил мелодда 1626 йил октябрь — 1627 йил сентябрь ойлари оралиғига тўғри келади.)



Ул ҳазратнинг нурли кўнгилларига хуш ёқиб, олий фармон оҳангида: – Қайта ўқинг! – деб буюрдилар. Буюруқларини бажо келтириб, яна бир бор арзи олийларига етказилди. Шундан сўнг сўрадилар: – Бу вилоятда қоласизми ё ўз вилоятингизга қайтиб кетасизми? Ёки йўлингизни шариф ҳарамлар – *оллоҳ улар шарафини оширсин* – сари соласизми? – Қиблайи олам, халифайи илоҳий фармонларига итоатда-миз – қол, десангиз, қоламан, агар, кет, десангиз, кетавераман. Агар муборак хона [Каъба]га жўнатсангиз, бошимдан қадам ясаб, ўша ёққа томон йўлга тушаман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ихтиёр менда эмас, ихтиёрни онҳазрат қўлларига топширганмиз ва Сиз ҳазратнинг ризолигингизга етишмоқни истаймиз! – дедим ва ушбу **байт**ни ўқидим:

Ҳар он к-у мубталойи дуст бошад,  
Ризойи у ризойи дуст бошад.

(Мазмуни: Ким дўстга боғласа дилу кўнгул,  
Дўст ризоси йўқ ишга урмас қўл.)

Шундан сўнг дедилар: – Биз томонимиздан сизларга тўрт нарсa марҳамат қилинади. Аммо, бирданига эмас, биринкетин берилади. Биринчиси, харажатларингиз учун пул инъом этилади, иккиламчи, кийиш учун хилъат, учламчи, миниш учун от ва эгар-жабдук, тўртламчи, хизматингизни қилиб юриши учун ғуломвачча тортиқ қилинади. Бугун шулардан қайси бирини олишни истайсиз?

Жавобимни манави **байт** орқали ифода қилдим:

Безар маншин ки кор зар дорад зар,  
Назди ҳама эътибор зар дорад зар.  
Гуянд ки эътибор аз зар бехтар,  
Машинав тў ки, эътибор зар дорад, зар.

(Мазмуни: Зарсиз бўлма, ҳар ишда зар керакдур, зар,  
Ҳар кимга эътибордан зар даракдур, зар.  
Эътибор зардан яхшироқ, дейди биров,  
Кулоқ осма, обрўдан зар юксакракдур, зар.)

Ўша соатдаёқ рупия танга<sup>7</sup>ларга лик тўла бир баркаш келтириб қўйдилар. Ундаги рупиялар сони мингтага етарди. Ҳар бир рупиянинг оғирлиги бизнинг Турон ўлчови билан икки ярим мисқол<sup>8</sup>га тенг келади. Шу аснода худо лутфини намоён этгувчи маҳди-улё Нуржаҳон бегим<sup>9</sup> – *иффату исматлари абадий бўлсин* – томонидан ҳам яна беш юз рупия маблағ иноят бўлди. Бу рупиялар вазни ҳам ўша миқдорда эди. Ташаккурга тил очиб, манави **байтни** айтдим:

Илоҳо! То жаҳон бошад, шаҳи соҳибкирон бошад,  
Базилли шоҳ боқий то абад **нури жаҳон** бошад.

(Мазмуни: Илоҳо, жаҳон тургунча турсин  
шоҳи соҳибкирон,  
Шоҳ соясида боқий юрсин мангуга  
**нури жаҳон.**)

Бу воқеамиз худди хожа Шамсиддин Муҳаммад ул-Ҳофиз иш-Шерозийнинг ҳазрат соҳибкироний [Амир Темур Курагоний] мулозаматига етишгани воқеасига ўхшаб кетади. Мазкур воқеа тафсилотини маҳдумий Ҳасанхожа Нисорий шундай ҳикоя қилган эдилар: "Соҳибкирон [Амир Темур Курагон] Шероз вилоятини фатҳ этганларида, хожа Ҳофиз Шерозийни хузурларига чақириб келишни буюрганлар". Айтиб ўтай, Ҳофиздан кўнгиллари қолгани сабабли бундай буйруқ берганлари ҳаммангизга маълум, чунки, со-

<sup>7</sup> Жаҳонгир подшоҳ давридаги кумуш тангалар рупия деб аталган, унинг "жаҳонгирий" номи билан юритилгани 12 грамм оғирликда бўлган.

<sup>8</sup> Бир мисқол 4,64 граммга тенг келади.

<sup>9</sup> Жаҳонгир подшоҳнинг суюкли хотини, асли исми Меҳринисо бўлган.

хибкироннинг хотирларида Ҳофизга нисбатан ғубор пайдо бўлиши боиси қиссаси машҳур бўлиб, талай китобларда бу тўғрида ҳикоя қилинган. Хуллас, ”чакирганларидан сўнг, сўрабдилар: – Менга карачи, Ҳофиз! Ахир мен шу меросий юртларим – Самарқанд билан Бухорони обод қилиш учун қилич чопиб, юрт олиб, жондан кечиб юрибман, шуни биласанми ўзи? Сен эса, шу ишларимни бир пулга чиқариб, кайфиятимни бузиб, Самарқанду Бухорони бир дона хинду холга бахшида қилиб ўтирибсан-а?! Мана ёзганинг (**байт**):

Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро,  
Ба холи хиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

(Мазмуни: Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,  
Қора холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.)

Хожа Ҳофиз ўша кезлари қийинчилик ва камбағалликда кун кечирарканлар, шу ахволига ишора қилиб, дебдилар: – Қиблайи олам, ана шу очиқ қўллилигим сабаб бўлиб, мана шундай гадолик холига тушиб қолганман.

Ҳазрат соҳибкиронга бу латифа ниҳоятда мақбул тушибди ва дебдилар: – Ҳофиз, сенга тўрт нарса инъом қиламан, лекин ҳеч бирининг номини айтмайман ва бирданига ҳам бермайман, олишинг учун қуйидаги шартларни бажаришинг керак бўлади. Сени лисон ул-гайб дейдилар. Шунинг учун баҳонада буни ҳам синаб кўрмоқчиман ва бермоқчи бўлган инъомларимни бир-бир топишингни сўрайман. Қайсини топсанг мендан ўшанисини олаверасан. Тополмаганинг эса ушлаб қолинади.

Хожа Ҳофиз бўлса бадиҳа тарзида ушбуларни айтибдилар:

Эй шох, ки дастор ниҳоди ба сарам,  
Маҳзуз шуд аз жомайи зарбафт барам.

Чун коса, ба зери жома, киса аст тахе,  
Андоз дару зи лутф як мушт зарам.

(Мазмуни: Эй шоҳ, салла билан бошим этдинг осмон,  
Зар чопонингдан ҳузур топди танда жон.  
Лек чўнтагидир гадо косасидек бўш,  
Бир сиким зар ташла унга, қилиб эҳсон.)

Ҳазрат соҳибқироний буларни эшитиб: – Либосни  
топдинг, аммо, бермоқчи бўлган от ва эгар-жабдуқларимни  
тонаолмадинг, – дебдилар.

Хожа Ҳофиз эса: – Агар соҳибқирон пул иноят қилса-  
лар, от ва эгар-жабдуқ бозорда ҳам топилади, – деб жавоб  
берибдилар.

Соҳибқирон ушбу назмдагига ўхшаш фикрни билдириб-  
дилар:

Бурда буди ва доват омада буд,  
Чун ту каж бохти касе че кунад?"

(Мазмуни: Ютай, деб тургандинг, бахтинг чопанди, қара,  
Аммо, толеъинг паст экан, йўқдир бунга чора.)

Хожа Ҳофиз ҳақидаги мазкур ҳикоянинг давоми зеб-  
шайинглик султон Мирзо Султон Ҳусайн [Бойқаро]нинг  
"Мажолис ул-ушшоқ" китобида батафсил баён қилинган,  
унини ўша ердан ўқиб олиш мумкин, чунки қолган гаплар-  
ни ҳам айтадиган бўлсак, бу асаримизга сиғмаслиги турган  
гап.

Шундан сўнг тил сўзларини дилдаги дуолар учун очдим.  
Найт:

Илоҳи, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

(Мазмуни: То тураркан ою қуёш, эй Оллоҳ,  
Жаҳонгир бин Акбар турсин бўлиб шоҳ.)

**Кейинги воқеа:** Шабе фархундатар аз толеъи саъд,  
Зи мушк афканда бар руйи жафо жаъд.

(Мазмуни: Бахтли толеъдан ҳам бахтлироқ бир оқшом эди,  
Жафо юзига тушган ёр зулфидек мушкфом эди.)

Халифайи илохий хизмати бахтига муяссар бўлдим. Ёнларига чорладилар. Ҳузурларида шоҳзодайи оламиён Шаҳриёр султон ва мустаҳкам давлатнинг Осафхон наввоб, Хожа Абулҳасан девон, Иродатхон, Хосхон, Баҳодирхон Мовароуннахрий сингари устунлари ва бошқа хонлар ҳазрат подшоҳ хизматида буйруқларига мунтазир турар эдилар. Ҳазрат илтифот этиб, каминадан айрим нарсаларни сўрашга тушдилар. Аввал ҳазрат соҳибкироний дахмасининг бугунги аҳволи тўғрисида сўрадилар. Биласиз, у ерда бу олий зотнинг улуғ ва мукаррам аждоди дафн қилинган ва бу жой Самарқандда “Гўри Мир” номи билан танилган.

— Ул дахма аҳволини хизматингизга тақдим этган “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” отлиг китобимда муфассал ёзганман. Улуғ ҳузурингизга маълумким, бу асаримнинг номидан унинг ёзиб тугалланиш санаси ҳам чиқарди. Мазкур маълумотлар халифайи илохийнинг кимиёасар назарларига етишган бўлса керак, деган умиддаман, — дедим.

Шундан сўнг Соҳибкирон қабри устидаги тош тўғрисида суриштирдилар ва шу аснода ул ҳазрат буйругига биноан олдимизга тўрт бурчак шаклидаги қора бир тошни ҳам келтириб қўйдилар. Подшоҳ тошга ишора қилиб сўрадилар:

— Ул муборак тошнинг кўриниши мана шунга ўхшайдими ва ҳажми ҳам тенг келадими?

Машъал шўъласида тошни кўздан кечиргач, ул қабр тошига ўхшамас экан, деган фикрга келдим ва шу шубҳа билан: — Ул муборак тош бундан равшанроқ ва бунга кўра ялтироқ кўринишдадир. Ялтироқлиги одам акси кўринадиган даражада. Қолаверса, менимча, қабрдаги тош тўрт бурчак шаклидаги тош ҳам эмасди, — деб жавоб бердим.

Ўғлим Муҳаммад Али кейинчалик менга “бир одам айтди, подшоҳ хузурида кўрсатган ўша тошлари оддий тош эмас, балки, қора тусли олтин экан” деб қолди. Ўғлимга дедим: – Эй фарзанд, шу пайтгача қора тусли олтиннинг борлигини инкор қилиб келардим. Бўлиши мумкин эмас, бекор гап, деб юрардим. Энди эса кўриб ва билиб турибман, қора тусли олтин борлиги ҳақ гап экан. Инкор қилиб юрганимнинг сабаби хусусида эса битта гап айтиб бераман: ҳазрат шоҳзода Қуссам бин Аббоснинг нурга тўла мозорига кираверишдаги тоқ суфасида ҳафтпарча тош ўрнатилган эди шу тошда ушбу **рубой** ўйиб ёзилганди:

Эй он ки, ту ин мақомро дарёби,  
Мақсуду муроди худ аз ин дарёби.  
Устои амал Али Табризийро,  
Бояд ки ба як фотиҳае дарёби.

(Мазмуни: Эй, бу мақомга келгувчи одам,  
Топасан муродингни, қўй қадам.  
Басдур, уста Али Табризийни,  
Ёд этсанг, бир фотиҳа билан ҳам.)

Боки Муҳаммадхон салтанати айёмида<sup>1</sup> бир пайтлар Султон Саъидхон<sup>2</sup>нинг керак-яроқчиси бўлган Шамсиддин Муҳаммаднинг Мирак исмли ўғли мазкур тошга ўйиб ёзилган ўша рубойини ўқиб, байтлардаги сўзлар магзини чиқибди ва бу тош орқали мақсадга етиш, яъни, давлат-бойлик орттириш мумкинлигини англаб қолибди. Эсимда борида айтиб ўтай, унинг отаси Шамсиддин Муҳаммад

<sup>1</sup> 1602-1605 йиллар.

<sup>2</sup> Султон Саъид султон бин Абусаъид бин Кўчкунчихон кўзда тутилганда, унинг Самарқандда ҳукмронлиги 1551-1554 йй. ва 1558-1572 йилларда кечган.



керак-ярокни Жавонмардалихон<sup>1</sup> қандайдир айби учун султони шаҳид Улуғбек Курагон мадрасаси токи тепасидан ерга улоқтирганди, ўшанда у тоқ тепасига чиқаркан манави рубойни ўқиганди:

Фарёд ки чархи мустамандам бигирифт,  
Сайёд будам, баяк камандам бигирифт.  
Сад хона хароб карда будам ба ситам,  
То охи кудом мустамандам бигирифт.

(Мазмуни: Дод, қасоскор чарх айлади умрим поймол,  
Овчи эдим, энди дом ичра ўзим беҳол.  
Ситам ила куйдиргандим кўпнинг уйин,  
Қай бирин охи тутдийкин мени алҳол?)

Хуллас, ҳалиги Мирак тунда нарвон келтириб, тошни жойидан кўпориб олибди ва обчиқиб кетибди. Мозор мужовир<sup>2</sup>лари воқеадан хабар топгач, Боқихонга арз қилибдилар ва хон буйругига кўра Миракни ахтариб топибдилар. Қараб кўрсалар, ҳақиқатдан ҳам мазкур тош қора тусдаги олтин экан. Бу воқеа содир бўлганда камина Бухорода эдим ва тафсилотини ўша ерда эшитгандим. [Очиги ўшанда бу гап куруқ бир сафсата бўлса керак, деб ишонмаган эдим]. Бугунги бир минг ўттиз олтинчи (1036) йилда ўша тоқ ёнидаги суфада мазкур тошнинг кўпориб олинган ўрни шундоққина билиниб турибди. Зиёратчилар бу ерни кўриб, тикилиб назар соладилар ва ҳайрон қоладилар.

Халифайи илоҳийга дахма тоши хусусиятларини юқоридагича баён этганимдан ва ул зотга кўп нарса аён бўлганидан сўнг бизни либослар шарафи билан мушарраф қилишга олий буйруқ бердилар. Мен учун аъло тўқилган саллалик

<sup>1</sup> Жавонмардали бин Абусаъидхон хукмронлиги Самарқандда 1572-1578 йиллари кечган.

<sup>2</sup> Мужовир — муқаддас мозор ва қабристонларга қараб турувчи, шу хизмати учун маош олувчи шахслар.

мито, кашмирий шол ва ўғлим Муҳаммад Али учун эса тилла абри тўн ва тилла ипли яхши жира<sup>1</sup> ва нақш солинган фўта<sup>2</sup> инъом қилдилар. Мазкур инъомлар шарафи билан мушарраф этгач: – От билан эгар-жабдуқ ҳам ваъда қилгандик, уларни эса эртага иноят этгумиздир, – дедилар.

Бу илтифотлардан сўнг ушбу варақлар ёзилиши санасини англатувчи куйидаги назмий таърих кўнгилдан кечди ва уни аръларига етказдим.

### Таърих:

Ба ташрифоти шоҳи дин Жаҳонгир,  
Баҳамдиллоҳ шудам охир мабоҳий.  
Зару дастору асбу зийну хилъат,  
Ба ман инъом шуд аз лутфи шоҳий,  
Зи баҳри ин авотиф соли таърих,  
Рақам зад ақл:”ташрифти илаҳӣ”<sup>3</sup>.

(Мизмуни: Дин шоҳи Жаҳонгир тухфаларидан бугун,  
Худога шукр, мағрурман, ечилиб дилда тугун.  
Олтину саллаву эгар-жабдуқу чопону тўн,  
Инъом бўлди менга шоҳ лутфидан бус-бутун.  
Бу илтифот туфайли санаси таърихин топди,  
“Илоҳий совғалар”дея ақл, излаб туну кун.)

Хузурларидан манзилимизга кетишимиз учун рухсат берганларидан сўнг дедим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

(Мизмуни: То тураркан ою қуёш, эй Оллоҳ,  
Жаҳонгир бин Акбар турсин бўлиб шоҳ.)

<sup>1</sup> Жира нималигини аниқлай олмадик, афтидан бу ҳам кийим ё кийимлик мито бўлса керак.

<sup>2</sup> Ўшбок, рўмол, бўйинга ташланадиган шол маъносиди.

<sup>3</sup> Абжидда бу сонлар йиғиндисидан ”1036” раками чиқади.

**Кейинги воқеа:** Шаби дигар ки шоҳи ҳафт кишвар,  
Нашиман кард тахти олий зар.

(Мазмуни: Яна бир окшомиси етти ўлкага шоҳ,  
Олтин тахт устида ўлтирарди гўё мох.)

Мен эсам ул шоҳ бўсағасини ўпиш учун олий боргоҳда яна ҳозир бўлдим. Давлат устунлари ва ҳазратга яқин барча амалдорлар ҳам жамулжам эдилар. Фарангий тожирлар ўз ҳадяларини ул ҳазратнинг нурли назаридан ўтқараётган пайт экан. Халифайи илоҳий қўлида бир китобча кўринди. Ҳажми тўрт бармоқ ўлчамидан сал каттароқ ва ўн икки варақдан иборат эди. Қоғози нўхат ранг, муқоваси кулф-калитлик. Мени ёнларига чақириб, бу қанақа китоб, деб сўрадилар. Билмаганим ва бундай илмдан беҳабарлигим учун: — Қиблайи олам! Қанақа китоблигини билаолмадим, — деб жавоб бердим. Подшоҳ эса муборак қўллари билан кулфини очдилар ва менга кўрсатиб, шундай дедилар: — Манави қалам таёқча билан бу китоб қоғозларига нима ёзсангиз одатдагидек қорайиб кўринади, лекин, уни учирсангиз, қоғоз яна асл холига қайтиб, оппоқ бўлиб тураверади. Ўша бетга қайта ёзсангиз ва тагин ўчирсангиз, яна шу аҳвол такрорланади. Агар дунёдаги барча китобларни шу варақларга ёзиб, қайта ўчирсангиз ҳам қоғозлари оклигича қолаверади.

Менинг эса бу гапларни эшитиб ҳайратим ошар ва таажжубим ортар эди. Сўнг менга ёзиб кўрсатиш ва ўргатиш учун ўша таёқча билан ўзларининг салим табъи меваси бўлган қуйидаги байтни китоб саҳифасига манави шаклда ёздилар.

**Жаҳонгир:**

Мо нома ба барги гул навиштем,  
Шояд ки сабо ба у расонад.

(Мазмуни: Битик ёздик биз чечак япроғига,  
Етказгай ел уни ёр қароғига.)

Ёзганларини яна пок қўллари билан ўчириб, менга кўрсатдилар, қоғоз худди аввалги ҳолидек оппоқ эди. Шундан сўнг ҳазил-мутойиба билан: — Шу китобни Сизга бир рупия нархида сотаман, оласизми? — дедилар. Мен куйидагича жавоб бердим: — Қиблайи олам! Мабодо бу нарсангиз китоб шаклидаги тилсим бўлмасин ва менга бирор зиён-заҳмати етмасин!

— Кўркманг, бу китобда ҳеч қандай тилсим-пилсим йўқми ундан бирон кишига ҳеч қандай зарар ҳам етмайди, — деб лутф этдилар подшоҳи олам. Мен эсам: — Ёнимда рупиям йўқ эди, — дедим қўшимча қилиб. Подшоҳ бу гапимни эшитиб, табассум қилдилар ва китобни инъом йўсини билан каминнага бердилар. Ҳозир бу китобни таъзимга эгиладиган бўйнимдаги гарданбанд ва салом учун пешонамга текизадиган кўлим билагига осилган тумор ўрнида ўзим билан бирга олиб юрибман. Агар халифайи илоҳий даргоҳидан Турон сари рухсат олишга муваффақ бўлсам, ул латиф китобни Турон мулки эгаси Имомкули Баҳодирхонга армугон йўсини билан тухфа қилиб олиб бораман.

Мағфиратли хон Абдуллоҳон салтанати замонида моҳир табиб ҳамда кўзбоғлагичлик ва тилсимот илмидан ҳам тўла хабирдор бўлган мавлоно Жалолий табиб бир сандиқ ясаб, Ьухородаги Ғозиён кўчасида унинг ғаройиб хусусиятларини одамларга намойиш этиб юарди. Мен ўша сандиқни ўз кўзишим билан кўриб, ўйинларини томоша қилган эдим. Одамлар бу сандиқ ғаройиботларини томоша қилиб, кўнгил қушлагани келиб турардилар. Мазкур сандиқнинг ғаройиб ишлари деганимиз куйидагича эди: унинг баландлиги узун бўйли бир одам қаддича келарди ва уни хонанинг ўртасига одамлар атрофида бемалол айлана оладиган ҳамда сандиқ тинқарисидаги вазиятдан хабардор бўлаоладиган ҳолатда ўриштиб қўйгандилар. Сандиқнинг ён-атрофида ҳеч қанақа тешик кўринмасди. Фақат унинг устки қисми юзасида дариқча шакли бўлиб, тешиги ёпиқ ҳолатда турар, устига шер

Ёдгор Қўрчи<sup>19</sup>нинг манави байтини ёзган эдим:

Чи сон батавба лаби худ зи бода пок кўнам,  
Ки саждайи рухи бут зери чуби ток кунам.

(Мазмуни: Не янглиг тавба ила лабим майдан этгумдир пок?  
Мана топин, деб ёнидан жой бермиш санамга ток.)

Мактубхон жаноблари ҳам Ёдгор Қўрчининг бу байтига ўхшаш ушбу байтни битган эканлар, яъни таворуд рўй берган экан, менинг эса бу гапдан хабарим йўқ эди:

Ба тавба чун лаби худро зи бода пок кунам,  
Асойи пирийи худро зи чуби ток кунам.

(Мазмуни: Тавба билан лабим майдан қилгум десам пок,  
Кексалик ҳассамнинг таёғи экан-ку ток.)

Подшоҳ, Мактубхонни чақиринг, деб буюрдилар. Мактубхон келгач: – Хўш, Мактубхон, нима дейсиз? – дедилар подшоҳ Ёдгор Қўрчининг ҳалиги байтини ўқиб. Мактубхон каттиқ ҳайратга тушди ва сўнг ўзини ҳимоя қилишга бошлади. Мен эсам гап нимадалигини энди англадим ва: – Подшоҳи оламнинг умрлари мангу бўлсин! Мактубхон Ёдгор Қўрчидан таворуд қилмаганлар, балки Ёдгор Қўрчи Мактубхондан таворуд қилган. Чунки, Мактубхон бурунги шоирларимиздан саналадилар, Ёдгор Қўрчи эса яқин орадан шеър ёза бошлаган янги чиққан шоирдир, – дедим<sup>20</sup>.

---

<sup>19</sup> Амир Ёдгор Қўрчи анча йиллар Имомқулихон давлатида амалдор бўлган, Мутрибий унинг хизматида турган, кейин Имомқулихон билан ораси бузилиб, Ҳиндистонга кетган ва Жаҳонгир хизматида кирган, Лохурдан Мутрибийга хатлар ёзиб турган. 1627 йил охирида Тата шаҳрида вафот этган.

<sup>20</sup> Мутрибий бу воқеадан кейин "Нусхайи зебойи Жаҳонгир"нинг қўлимиздаги нусхасида "Ёдгор Қўрчи Мактубхоннинг мазкур байтига татабуъ ёзган" дея олдинги маълумотини ўзгартириб қўйган.

Подшоҳ бу гапимдан кониқиш ҳосил қилдилар ва менга ҳам, шунга татаббуъ айт,деб амр этдилар. **Байт:**

Ба бода чун лаби худро зи тавба пок кунам,  
Шароб хўрда газакро зи чуби ток кунам.

(Мизмуни: Бода билан лабим тавбадан этай десам пок,  
Шаробга газак қилгум,чўпин берса менга ток.)

Мактубхон жанобларига келадиган бўлсак, у зот халифийи илоҳий саройининг содиқ ул-ихлос, қадим ул-ихтисос олимларидандир. Кўп йиллар мобайнида подшоҳ гозий [Акбар подшоҳ] хизматида ҳам бўлиб, муносиб хизматлар кўрсатганлар. Ҳозирги кунларда эса саройдаги аъло китобхона ва олий наққошхона доруғалиги мансаби билан сарафроншик топганлар. Халифайи илоҳий у кишини ўзининг офтоб мисол таъълари меваси бўлмиш ”Жаҳонгирнома” номли олий баён ва нодири замон китобларида жуда яхши ёд эттидилар. Ахир кишига бундан ҳам ортиқроқ бахт борми! Хусрави беназир мазкур китобда Мактубхон тўғрисида шундай лутф этганлар: ”Саодат рахтли тахтга чиқишимиз муносибати билан шуаро таърихлар битган эдилар, Мактубхон ёзган таърих бошқаларникидан яхшироқ чиққани учун унинг шеърини мақбул кўриб, подшоҳномага киритдик ш у манавидир. **Таърих:**

Соҳибқирони соний, шоҳаншоҳ Жаҳонгир,  
Бо адлу дод биншаст бар тахт комроний.  
Икболу бахту давлату фатҳу шукуху нусрат,  
Пешаш камар ба хидмат баста ба шодмоний.  
”Соли жулуси шоҳий” таърих шуд, чу бинҳод,  
Икбол сар, ба пойи соҳибқирони соний”.

(Мизмуни: Иккинчи соҳибқирон, Жаҳон олувчи шоҳаншоҳ,  
Адолату саховат учун ўтирди тахтга комрон.



Иқболу бахту давлату фатху шукуху нусрат,  
Белига боғлашди хизмат камарин бўлиб шодмон.  
“Шоҳнинг тахтга чиқиши” таърих бўлди, чунки иқбол,  
Бош қўйди соҳибкирони соний пойига бу он.)

Мактубхоннинг шариф ёши етмишдан озгина ошган бўлсада, ҳозир ҳам сўз чаманини маоний булуту томчилари билан суғориб турибдилар ва жавоҳир сочувчи табъларидан зилол сувдек тиниқ гавҳар нисор ашъор юзага чиқишда давом этмоқда. Нисбатга тааллуқли абётни жуда яхши ёздиладар. Ушбу рубоийни ўзининг қариликда куч-қувватдан қолганига нисбат бериб, яхши ижод қилганлар. **Рубой:**

Аз заъф зи тори пираҳан меўфтам,  
Ва зи по ба сар, аз боди сухан меўфтам.  
Аввал ба замин соя зи ман меўфтод,  
Акнун ба замин зи соя ман меўфтам.

(Мазмуни: Заифман, қўйлак ипи ҳам ушламас,  
Сўз елин танда ҳеч аъзо хушламас,  
Аввал тушарди мендан ерга соя,  
Энди бўйим ҳеч сояни бўйламас.)

Мактубхоннинг туғилган ва униб-ўсган ери Шерознинг пок тупроғи бўлгани учун шеърда “Фарсий”<sup>18</sup> таҳаллус қилдиладар. Жуда хуш табъ, яхши калом, одамохун ва ўта камтар кишидирлар. Мен Ҳиндистон вилоятида хуш машраблик ва покиза қалблик, ошно-огайничиликда шоирлар гуруҳи ичида унга ўхшаш бирор кишини кўрмадим. Манави манзурот унинг ширин сўзларидандир. **Назм:**

То зулфи челипойи ту шуд раҳбари дилҳо,  
Овозайи хубиист ба жону сари дилҳо.

---

<sup>18</sup> Шероз Эроннинг Форс вилоятида жойлашган, илгари “форс”, “порс” сўзлари “фарс”, “парс” шаклида ҳам ёзилиб, талаффуз этилган.

Саргаштагийи моҳи фалак ҳар ду яки нест,  
У бар сари худ гардад ва мо бар дари дилҳо.

(Мазмуни: То атанак зулфинг бўлди дилларга раҳбар,  
Хуш ёқди бу овоза, яйради жон,диллар.  
Кўкда ой саргашталигин тенглама бизга,  
Эркин у, бизмиз дил эшигида дарбадар.)

\* \* \*

Хабаре шукуфтани гул зи дами саҳар герифтам,  
Хабаре азу надорам ман азу хабар герифтам.  
Ба баёзи ҳусну хубийи хаттат ояти дигар шуд,  
Варақе забар навешти, сабақе зи сар герифтам.  
Чу зи мусҳафи жамолат ду-се ояте бихондам,  
Ҳама мусҳафам забар шуд, чу туро ба бар герифтам.

(Мазмуни: Гул очилганин етказди бизга саҳарнинг ели,  
Ўзи келмади ёрнинг, аммо келди бизга гули.  
Хусндор юзинг, чизиқли лабинг ўзга аломат,  
Васфи учун анинг керак қайтадан савод тили.  
Жамолинг мусҳафидан ўқиғач икки-уч оят,  
Асл мусҳаф йитди, чун бекитди оғзим ёр қўли.)

\* \* \*

Ба мужжа чоки жигар духтанӣ аст,  
Боз ин кор на омухтанӣ аст.  
Донайи ашк ба зоеъ мафшон,  
К-ин гоме гуҳар андухтанӣ аст.  
Аз пайи гармийи ҳангомайи ишқ,  
Ҳар нафас оташе афрухтанӣ аст.  
Гуфтамаш: кист ҳавохоҳи ту? Гуфт:  
Фарсий, куштанӣ ва сухтанӣ аст.

(Мазмуни: Кирик билан дил чокини тикса бўлур,  
Тикиш билмай уддасидан чиқса бўлур.  
Кўз ёшин тўкиб бекор, этма сен зое,  
Оғзига фақат, чун, гавҳар тикса бўлур.

Ўзидан қизимас ҳаргиз ишқ ўйини  
Унга ҳар нафасингдан ўт чиқса бўлур.  
Анга дедим: ошиқинг ким? Деди: Фарсий,  
Муроди ҳосил, гар, жонин тикса бўлур.)

\* \* \*

Аз хор дамад лола ва зи гул шукуфад гул,  
Акси гул руйи ту агар дар чаман ўфтад.  
Аз мардумаки дида кунам сурма ки шояд,  
Дар дида кашад ғофилу чашмаш ба ман ўфтад.

(Мазмуни: Тиканда лола унар, очилар гулда гул,  
Гул юзинг акси агар ул чаманга тушса.  
Кўз қароғидин сурма ясай ки шояд ул,  
Билмай сурса кўзига, кўзи манга тушса.)

#### Кейинги воқеа:

Шабе равшантар аз субҳи жавоний,  
Дару омода айшу комроний.

(Мазмуни: Ёшлиқ тонгидан ҳам ёруғроқ бир окшом эди,  
Унда айшу бахт соқийси қўлида жом эди.)

Халифайи илоҳий ҳузурига етишганлар қаторидан жой олдим. Ҳазрат подшоҳи олам: – Мирзо Боқий ”Анжумий”<sup>21</sup>ни танийсизми? – деб сўрадилар. Мен дедим: – Абдуллохоннинг халифа<sup>22</sup>зодаси эди. Ҳиндистон вилоятига келиб, подшоҳ ғозий хизматларида турган. Эшитишимча, бир рубойсида подшоҳ ғозий отини Искандар [Зулкарнайннинг Рахш номли] отига ташбех бергани туфайли бошқалардан

---

<sup>21</sup>Мутрибий ўз таъкирларида ёзишича, Мирзо Боқий Анжумий Бухорода Абдуллохон, сўнг Исфандиёр султон хизматида, кейин Ҳиндга кетиб Акбар подшоҳ хизматида турган ва ўша ерда ўлган. Илми нужум билан шуғуллангани учун шеърда “Анжумий” тахаллусини қўллаган.

<sup>22</sup> “Халифа” (олдинда ўтирувчи) - синф сардори (ҳам ўргатувчи маъносидан).

кўра кўпроқ эъзоз топганлар.

**Рубоий** ушбудир:

Рахшат ки қадам бар сари афлок ниҳод,  
Айбаш макун а-р ду гоми бебок ниҳод.  
Дар зери рикоби шавкатат ожиз шуд,  
Зону зад ва руйи ажз бар хок ниҳод.

(Мазмуни: Рахшинг қадам қўймиш ахир фалак тоқига,  
Таъна қилма, қоқилдинг, деб бу ўйноқиға.  
Не қилсин, ожиз қолди шавкатинг остида,  
Тиз чўкиб, юз сурди бу юрт тупроқиға.)

Халифайи илоҳий яна сўрадилар: — Анжумийнинг Ҳиндистонга келганидан кейинги ҳаётига доир тағин нималарни биласиз?

— Самарқандда эшитганимга кўра, подшоҳ ғози шунқор бўлганларидан сўнг шариф ҳарамлар тавофи сари жўнаган экан, аммо, ҳаж қилдими, йўқми, унисидан беҳабарман. Доруссурур Лохур — *Оллоҳ нуқсон ва путур хавфидан сақлагини* — шаҳрига келган ушбу айёмда ”Бараҳман” исмли бир шоир менга: — Ҳажга кетаётгандим, қарвонда Мирзо Боқий Анжумий билан ҳамкажава бўлдим, ҳаж қилиб хожи бўлди ва филол вилоятда вафот этди, — деди.

Қиблайи олам халифайи илоҳий Бараҳманнинг гапини ёлгонга чиқариб дедилар: — Бараҳман ёлгон гапирибди, Мирзо Боқий ҳажга кетмади, бизнинг хизматимиз пайтида ҳаётини шикдини ажалнинг талаб қўлига топширди.

Бараҳман ёлгончиликда айблангач, унинг сўзларидан биронтисини ҳам бу тазкирада келтирмадим. Шу ердан билишимки, халифайи илоҳий “ёлгончи менинг умматимдан эмас” ҳадиси мазмунига кўра, ёлгон гапирувчи кишиларни умри кўнгиллари хушламас ва рост гапдан бўлак ҳеч нарсага интиборлари йўқ экан. Бу маънини ушбу байтдаги сўзлар билан жуда яхши таъкидлаб ўтганлар:

Ростй овар ки шави растгор,  
Ростй аз ту, зафар аз кирдигор.  
Найшакар аз ростй, у неш ёфт,  
Гул зи кажий, хор дар оғуш ёфт.

(Мазмуни: Рост йўлин тут, топарсан нажот,  
Ростлик сендан, худодин имдод.  
Қамиш тўғри ўсиб бўлди қанд,  
Эгри ўсган гулга ёрдир тикан.)

\*\*\*\*\*

Аз рости аст жойи “алеф” дар миёни жон,  
“Вов” аз кажй ҳамиша бувад дар миёни хун.

(Мазмуни: Тўғриликдан “Алеф” жой олмиш “жон” аро,  
“Вов”нинг ўрнидир ҳамиша “хун”, яъни қон аро.)

Ҳикоя килишларича, бир сўфи ҳажга кетаётиб ўзи билан эллик дирҳам пул, битта нон олган экан, йўлда қароқчиларга дуч келибди ва йўлтўсарлар унга: – Сўфимизнинг кўйинларида нима бор экан, марҳамат қилиб чиқарсинлар-чи! – дейишибди.

– Эллик дирҳам пул, битта ноним бор, – дебди сўфи ва уларни чиқариб кўрсатибди. Қароқчилар эса: – Ёлгон гапирма, яна ниманг бор? – дейишибди ва сўфини тинтув қилиб, айтганидан бошқа ҳеч вақо топаолишмабди. Сўфининг сўзларидан димоғларига тўғри сўзликнинг таровати етишгач, унга раҳм қилиб, дирҳамлари ва нонини қайтариб бериб, зиён-заҳмат етказмай кўйиб юборишибди. Ҳа, тўғри-сўзликнинг бундан ҳам яхшироқ самаралари бордир. Ростлик йўлидан чалғиб, эгрилик сари рағбат кўрсатадиганларга офарин-ей!

Шундан сўнг халифайи илоҳий мени синаб кўриш учун куйидаги саволларни бера бошладилар: – Абулбий Ўзбекни танийсизми?

– Қайси Абулбий экан? Боқий Муҳаммадхон замонида

бир неча кун Самарқандда ҳоким бўлган ва сўнг Қандаҳор ҳокимлигига тайинланган Абулбийми? Агар ўша Абулбий бўлсалар, танийман, — дедим.

— Ўша Абулбийни айтаяпман, — дедилар подшоҳи олам.

Бу гаплардан кейин икки кишини келтириб кўрсатдилар. Интиқсанинг соч-соқоли тўла оқарган, юзи оппоқ нуроний, яна бирининг эса соч-соқоли ҳали мош-гуруч эди.

— Қиблайи олам, анави юзи бутун оқ кўрингани Абулбийга ўхшамайди. Тагин билмадим, мабодо, замонлар ўтгани билан оқарган бўлмаса? Буниси, озгина қораси боришинг ҳам Абулбийга сира ўхшашлиги йўқ, — дея жавоб баянлардим.

Подшоҳ табассум қилиб, дедилар: — Буларнинг ҳеч бири Абулбий эмас, бири Афзалхон ва яна бири Мусавийхондир. Тугри тондингиз.

Сал олдинроқ кетиб бўлса ҳам айтиб ўтай, Абулбийни, халифайи илоҳий ҳузурларида бўлсалар ҳам фақат халифайи илоҳий Ўзбакия хонлари расмини солдирган куниси кўриб танидим. Ўшанда: — Мулло мени танимайдилар, — дедилар Абулбий.

— Нимага танимас эканман, Сизни жуда яхши танийман. Агар, Сиз мени танимасиз, — дедим. Халифай илоҳий эса дедилар: — Биз муллонинг таниш қобилиятларига тан таниганимиз.

Вақтинча дедим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

Иккинчи воқеа:

Рузи дигар ки шуд аз меҳр жон нуроний,  
Суд иқбол ба хоки раҳи шаҳ пешоний.



(Мазмуни:

Эртаси кун куёш партавидан жон бўлганда  
нурафшон,  
Иқбол манглайин сурганда шоҳ йўлига бўлиб кўп  
шодмон.)

Онҳазратнинг муборак қамарий байрами<sup>23</sup> бўлиб, шу тантана муносабати билан мамлакат бутунлай зебу зийнатга гарқ бўлгандай ҳолат эди. Биз ҳам томошага ошиқдик. Қайси тил билан бу байрамнинг латофати ва ҳамма ёқни ойнабанд қилиб безаганларини шарҳлаб бўларкан, ақлнинг уни кўриб соат сайин ҳайрати ошарди. Ўша куни подшоҳнинг ўзи тарозу бошида ўтириб, рупияларни ўлчаб, муборак қўллари билан улашиб берганларидан ва жавоҳир ийсори ва газлама-матолар бахшишидан сўнг мен бандага икки товоқ сочки танга ва нуқра бодом, нақшли барглар<sup>24</sup>ни саховат ва адолат қўли билан тортиқ қилиб, бошим сарафроз айладилар ва ҳаммасининг қиймати икки минг рупияга етадиган бу инъомни муборак қўллари билан рўмолимга тўқдилар.

Дедим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

Шундан сўнг: – Бизнинг тўй муносабати билан ҳам хотирингизга бирон нарса келгандир? – деб сўрадилар. Мен эсам ушбу **рубойи**ни ўқидим:

Дар жашни шаҳаншоҳ хирад ҳайрон шуд,  
Ва зи ҳайрат он сипеҳр саргардон шуд.

---

<sup>23</sup> Жаҳонгир подшоҳ ҳар йили тахтга чиққан (1014 й.21 ж.соний) санасини шароитга қараб 10-21 жумодис-соний кунлари орасида катта тантана билан нишонларди. Бизнингча, бу байрам Мутрибий келган 1036 йили 10 ж.соний (1627 йил 24 февраль)да нишонланган. Шу куни унинг тахт-га чиққанига 22 йил тўлганди.

<sup>24</sup> Бу совға нимадан иборат бўлганини аниқ билмадик, афтидан, шакл берилган бирор қимматли маъдан бўлса керак.

Чун шоҳ нишаст дар тарозу, гўфтам:  
Хуршиди жаҳон ба хонайи Мезон шуд.

(Мазмуни: Шоҳ тўйин кўриб ақл ҳайрон бўлди,  
Ҳайратдан ул осмон саргардон бўлди.  
Шоҳ ўтирганда тарозу бошига,  
Дедим: куёшнинг уйи Мезон<sup>25</sup> бўлди.)

Таҳсинлар ўкиб, тагин юз рупия қўшиб бердилар ва дедилар: – Айтилган от ва пулларни ҳам бермоқчимиз. Аммо, Сизга қайси зотдаги отлар макбул келади? Ироқ (Эрон)ийми ё туркийми? Эгарининг ёпинғичи бахмал бўлганими ёки сақарлотданми?

– Қиблайи олам! Қайси от қимматбаҳо бўлса, ўшанисини шифқат қилсалар, мақсадга мувофиқ бўларди, – деб жавоб бердим. Подшоҳ: – Нарҳини назарда тутаётган бўлсангиз, ироқий отнинг баҳоси анча баланд юради. Лекин бу зот отлар жуда шўх ва тезюрар, мина олмассиз деган бастимолдаман. Хўш, эгар-жабдуқи қанақа бўлсин? Бахмалми ё сақарлот<sup>26</sup>ми? – дедилар. Мен: – Қиблайи олам! Унинг ҳам баҳоси қиммати тузукроқ, – дедим.

– Ўзингиз топингчи, Сизнингча қайси бири қимматбаҳо бўлиши мумкин? – дедилар.

– Қиблайи олам, афтидан, бахмал нарх жиҳатдан қимматроқ бўлса керак? – дедим. Подшоҳ: – Ҳа, шунақа. Аммо, бахмал ёпинғич ёмғирда ивийди. Сақарлот ёпинғич баҳр жиҳатдан қуйироқ эса-да, ёмғирни кўтаради, – дея аўф этдилар.

– Олам аҳли қибласи, ҳали пашкол мавсумига анча бор ва кўнраччи узлуксиз ёмғир хавфидан анча тинчмиз, – дедим. Подшоҳ жуда чиройли бир табассум қилиб, кулранг ва ёмғирни юрар бир от ва бахмал жабдуқ иноят қилдилар. Ушбу

<sup>25</sup> Мезон (Тарозу) оғи (сентябрь)да куёшнинг жойлашишига ишора.

<sup>26</sup> Ўнфатли монут газмол.

**зуқофайтайн қитъани** мазкур воқеага бағишлаб битдим:

Жаҳондори жаҳонбахш Жаҳонгир, он шаҳи ғозий,  
Шаҳаншоҳике дар офоқ доди лутфу эҳсон дод,  
Ба зери тоқи нух торам дарин кошонайи шашдар,  
Чу у кам дар сахо аз модари ин чор аркон зод.  
Зи лутфи бекарон, асбе иноят кард бо банда  
Ки натвонад расидан гирди гардаш рузи майдон бод.  
Чу шодам кард аз эҳсон ва дастор ва зар ва хилъат,  
Илоҳий, соли умраш дар жаҳон маҳбуби эҳсон бод.

(Мазмуни:

Жаҳон олувчи, жаҳон бахш этгувчи Жаҳонгир, ул шаҳи ғози,  
Очунда лутфу эҳсон додига етган бир одил шоҳаншоҳ ўзи.  
Тўққиз қават осмон остида, бу олти эшикли кошонада,  
Саховатда унга ўхшаши кам туғилган бу тўрт унсур онадан.  
Чексиз лутфидан бир от иноят қилди бандага у алҳол,  
Бу от чангига ҳам етолмас беллашса гар у билан шамол.  
Иньомлар билан шод этди, берди яна салла, тилла, чопон,  
Илоҳим, айла унинг ҳаётини ҳам эҳсонинг билан фаровон.)

**Кейинги воқеа:**

Рузи дигар ки шуд аз меҳр жаҳон нуроний.  
Гашт зоҳир ба жаҳон кавкабайи султоний.

(Мазмуни: Ул кунким жаҳон қуёш ёғдусидан эди нуроний,  
Намоён эди олам аро дабдабайи султоний.)

Камина яна халифайи илоҳий остонасини ўпиш шарафига муяссар бўлдим. Кирганим ҳамоно онҳазратнинг анвар назари қаршисида қўйилган катта бир каллақандга кўзим тушди. Очиғи, бу қанднинг катталигини кўриб, хайратдан донг қотиб қолдим, чунки, умрим бино бўлиб бундай катталикдаги қандни кўрмаган эдим. Бухоро ўлчови билан оғир-

лони ярим ман келарди. Каллақанд кумуш курси устида турарди. Подшоҳ мен бандани олдларига чорлаб: – Шунақа виғталликдаги қандни Мовароуннаҳрда кўрганмидингиз? – дея сўрадилар.

– Шунча ёшга кириб бирон марта бунақа ҳажмдаги каллақандни кўрганамга ақлим етмайди, – дея жавоб бердим.

– Тугриси, биз ҳам шу пайтгача бундай катта қандни Хиндистонда кўрмагандик. Буни бугун ихлосда содиқ мулозимимиз Муҳаммад Хусайн Халаф доруссурур Лоҳургача бир виляк пул бўлмиш Лакновдан фалак масир тахтимиз пойиғи олиб келди. Олинг охунд, шуни Сизга инъом этдик, – дея мижозат кўргаздилар. Мен эсам подшоҳи оламга таъ-зим ва шарим шароитларини бажо келтирдим. Шундан сўнг сўрадилар: – Айтингчи, бу қанд лаззатини Лоҳурда татиб кўрганми ёки вилоятингизга олиб кетасизми?

– Қиблайи олам, Лоҳур вилоятида ейиш учун қанд мўл-қўл, шунинг учун Самарқандга обкетганимдан яхшиси йўқ, – дея жавоб қайтардим саволларига.

– Мовароуннаҳрда кимни бу ширин қандга лойиқ деб билишди? – сўради подшоҳ.

– Икки киши бу қандга лойиқ ҳисобланадилар – бири Турки эгаси Имомқулихон, иккинчиси кутби замон ҳазрати эшон, – дедим. Подшоҳ: – “Ҳазрати эшон” деганда кимни исмарда тутаётганингизни англай олмадик, исмларини айтиш бизга, ким у киши? – деб сўрадилар. Мен эса шундай жавоб бердим: – Эшон ҳазратнинг исмлари Хожа қоним Муҳаммад Дахбедий бўлади. Алар аҳволидан бир булғи Сиз халифайи илоҳий, залли субҳоний битган олий қатли муборак “Жаҳонгирнома” китобингизда анбар исли қонимингиз билан рақам қилинган.

– Ҳа, биз у кишининг мухлисимиз, аларга эътиқод-ишқимиз жуда баланд, – дедилар подшоҳ ва сўзида да-вом этдилар, – хусусан, яқинда Мардудхон даргоҳимиздан кўп дариселлари каромати сабабли ҳайдалди ва шунинг

учун "Мардудхон" деган лақабни олди, энди уни фақат Мардудхон деб чақиришади. Аслида исми бошқача эди, энди асл исмини мутлақо тилга олмаймиз. Унинг рад қилиниши, яъни хузуримиздан ҳайдалиши боиси шунда эдики, эшон ҳазратнинг дарвешлари бизга бир нечта жонивар<sup>30</sup> келтирибдилар. Ул нодон Мардудхон бизнинг назаримиздан ўткармабди. [Дарвешлари хузуримизда бўлганларида, эшон ҳазратнинг туҳфа йўсини билан бериб юборган ўша совғалари ҳақида ҳам эслатиб ўтдилар, аммо улар совғаларнинг ҳалигача назаримиздан ўтмаганини билмас эдилар.] Мардудхон уларнинг хузуримизга келганидан хабар топгач, эшоннинг дарвешларига нисбатан бир неча оғиз номулойим сўзларни айтди. Шунингдек, эшон юборган жониварларга ҳам бир неча айб тақади. [Бу билан гўё, шу сабабли назарингиздан ўтказмадим, демоқчи бўлди.] Биласиз, баҳонаси гуноҳидан баттар, дейдилар. Шу баҳонаси боис уни амалдорлик мансабидан четлаштирдик, албатта, бу бир хизматчимизнинг айби бўлди, биз билмай қолдик. Ўз пайтидаёқ бу мансабдор ишининг миси чиққани ва уни ҳайдаганимизни эса биз эшоннинг кароматлари сирасига йўйдик, яъни Мардудхон шу иши заҳотиёқ эшон руҳонияти сабабли гўё ўлган ва мутлақ йўқлик ичра йитган эди. Шундан сўнг эшонга ва дарвешларига нисбатан эътиқодимиз тагин бир неча баробар ортди. Камчилигимиз ўрнини янада тўлдириш эса, худо хоҳласа олдинда турибди. Сиз ҳам, эшон тавофига мушарраф бўлганингизда, аларга нисбатан рўй берган айбимиз узрини, бизнинг номимиздан албатта эшон ҳазратларига етказиб қўйинг.

Камина подшоҳнинг бу эътиқодига салламно айтиб, қуйидаги байтимни такрорладим:

---

<sup>30</sup> Қанақа ҳайвонлар олиб келингани аниқ айтилмаган, бизнингча, улар асосан ов қушлари бўлган.

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

**Кейинги воқеа:**

Рузи дигар дарин парганайи айшу ҳузур,  
Бати зар сар бадар овард зи сарчашмаи нур.

(Мазмуни: Тағин бу айшу ҳузур ўлкаси аро куёш,  
Олтин ғоздек нур уммонидан чиқарганда бош)

— халифайи илоҳий бўсағасини ўпиш учун бордим. Кейиним ҳазрат подшоҳнинг давлат устунлари ва сарой аъёнлари билан гаплашиб турган пайтига тўғри келгани учун таъзим бажо келтиргач, бир чеккага чиқиб ўтирдим. Ниродан сўнг иноят кўрсатиб ёнларига чақирдилар. Онҳазрат назари рўпарасида “сурхоби” деб аталувчи бир парранда ётарди. Шикор чоғи овлангани аниқ эди. Менга қараб:

Кочи шикорга чиққан эдик. Мана шу сурхоби олдимиздан чиқиб колди. Тўфангимни олиб “шу қуш ов қилинса шунд мулло Мутрибинийки бўлсин”, деб юбордим. Ўқ ётмай, буни қаранг, тегди. Насибангиз бўлгани учун Сизга деб саклаб қўйдик. Олинг, бу ов сизники! — дедилар. Қул-лук раъминни бажо келтиргач, одатдагидек дедим, **байт:**

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

Сурхобини олгач: — Биз Сиз учун мана битта иш қилиб кўрдик, Сиз эса биз учун нима ишлар қилдингиз? — дея сўф тдилар. Ушбу **рубойни** арзи ҳузурларига етказдим:

Шоҳе ки рухаш ба меҳру маҳ тобе дод,  
Абри карамаш бакештийи дил обе дод.  
Чун дид ки сўфиям, ба пироне саре,  
Сурхоб надод, балки, сурхоби дод.



(Мазмуни:

Ою куёшни иссиқ истараси билан қизитган подшоҳ,  
Карами булуту билан дил кемасига сув берган шоҳ.  
Кўриб сўфилигиму қарилигим, безан деб сурхоб<sup>27</sup> мас,  
Балки,  
Берди “Сурхоби” ўрдагин, мангу умр берсин унга  
илоҳ!.)

Рубой мукофоти учун юзта рупия инъом қилдилар.

**Кейинги воқеа:**

Рузи дигар ки жаҳонро табби хуршид гирефт,  
Сепар аз гирдаш ва шамшир зи хуршид гирефт.

(Мазмуни: Жаҳонни тандирдек қизитган куниси куёш,  
Гирдин қалқон, нури қиличлигин этганда фош)

— халифайи илоҳийнинг осмон ҳашаматли саройи бўса-  
ғасини ўпдим ва хизматларида бел боғлаб турдим. Ашрафи  
аъло ҳузурида шикор қилинган иккита ўрдак турарди. Мен-  
га қараб, олдларига чақирдилар ва иккала муборак бармоқ-  
лари билан ўрдаклар сари ишора қилдилар. Бу билан онҳаз-  
рат “иккита ўрдак ов қилинди” деган маънони англатаётган  
эканлар. Мен эсам, менга ҳар иккала ўрдакни ҳам иноят  
қилдилар, деб тушуниб, иккаласига ҳам бирдан ёпишибман.  
Табассум қилиб, энди бу гал, битта бармоқ билан ишора  
қилдилар. Яъни, биттасини ол, иккинчисини қўй, дея имо  
қилдилар. Биттасини қайтиб жойига қўйдим, иккинчисини  
эса уйга олиб келдим ва “мутан жанаҳ”<sup>28</sup> қилдим. Нафсил-  
амрини айтсам, гўштининг ниҳоятда мазали эканидан тааж-  
жубда қолдим. Гўё “иштаҳалари тортган қуш гўшлари”  
оятти каримаси<sup>29</sup> ни эслатарди. Билмадим, нима учундир

<sup>27</sup> Сурхоб лаб, ёнокка суриладиган ранг, безак асбоби.

<sup>28</sup> Мажруҳ қилмоқ, яроқсиз холга келтирмоқ, яъни бу ерда емоқ маъно-  
сида.

<sup>29</sup> 56 сурадан 21 оят.

менга Ҳиндистон ўрдагининг гўшти Мовароуннаҳр ўрдак-лари гўшtidан лазизроқ туюлди. Ёки бу лаззатни онҳазрат оқилгани ўрдак бўлгани учун туйдимми?!

Бузруквор отам айтардилар: Мулло шамъ як пули деган бир бузуки бор эди. Олий дастгоҳ шоҳ Ҳумоюн подшоҳ имонида Ҳиндистон томонларга саёҳат қилди ва ўша ўлкада олгина туриб, яна Мовароуннаҳрга қайтиб келди. [Шундан сўнг нечукдир] Абдуллатиф бин Кўчкунчихон<sup>31</sup> ўтиришларига яқинлик ҳосил қилиб, ичиш мажлисининг нади-мига айланди. Ана ўша одам ўтиришларнинг бирида ”Ҳин-дистон ўрдаги жуда мазали бўлади, шаробга газак ўрнида ўрдак гўшти ишлатадилар” деган. Шу-шу Самарқандда кў-нингчи ўрдак гўштini газак қиладиган бўлдилар, мазкур ха-биса ни унга ўхшашлар мана шунақа нарсаларни ичиш учун ёқоши қилиб, умрининг бирор соатини ҳам шаробсиз ўтказ-май юрдилар. **Байт:**

Паймонайи май ҳарифи дерини ман аст,  
Ҳамсуҳбат, ҳамнишину ойини ман аст.  
Рузе ки агар май нахурам, мемирам,  
Гуё майи талх жони ширини ман аст.

(Мазмуни: Май қадаҳи эски кадрдон менга,  
Суҳбатда улфат, жумла жаҳон менга.  
Май ичмаган куним ўлган куним, билмам,  
Ё аччиқ маймидир ширин жон менга?)

Айниқса, Самарқанд халқининг айшу нишот маҳали бўлган Наврўз кунлари ўшаларга ўхшаш лавандмашраб нишотлар ни май ичкучи кишилар учун Расадхона, Қоғоз жойи ни Хожайи Чўпон тепаликлари чиқиб олиб, шароб ичадиган ни айшу нишотга бериладиган жойга айланарди.

<sup>31</sup> Абдуллатифхоннинг бош хонлик даври 1540 йил октябридан вафоти (1551) йил май ойигача (Самарқандда) давом этган.

Кези келганда эсласак ёмон бўлмас, Наврўз ва майга нисбат бериб олийжоҳ шоҳ Ҳумоюн подшоҳ назм тили билан шундай деган эканлар. **Байт:**

Ҳар чи дорй шаби Наврўз ҳамесоз, к-зу  
Ғами рузе чи хурй, руз наву рузе нав.

(Мазмуни: Наврўз оқшоми сарф айла бор-йўғинг ва ема  
Еганинг ғамин, чун кун янги, ризк янги бугун.)

Ва Захириддин Бобур подшоҳ ҳам шундай ёзганлар.

**Байт:**

Наврўзу навбахору маю дилбарон хуш,  
Бобур, ба айш куш, ки олам ду бора нест.

(Мазмуни: Наврўзу навбахору маю дилбарлар хуш,  
Қайтмас бу олам, Бобур, айла айшу нуш.)

Ва ҳазрат подшоҳ ғозий [Акбар] ҳам ёқимли равишда айтганлар. **Байт:**

Шаби Наврўз зи май баски шудам беҳуду маст,  
Шабу руз аст баробар ба мани бода параст.

(Мазмуни:

Наврўз оқшоми майдин бўлибман шунчалар беҳуду маст,  
Туну кун баробардир кўзимга, дерлар: ким бу бодапараст?)

Хуллас, ана шунақа Наврўз кунларининг биридаги шароб ичиш ўтиришлари чоғи, мастликда жанжал чикиб, қон тўкилишигача бориб етибди. Одам ўлдирилгач, Абдуллатифхон, бундан кейин Наврўз кунлари сира ҳам Самарқанд халқи шаҳар ташқарисига шароб олиб чиқмасинлар ва ичиш ўтиришларини ўтказмасинлар, ким бу ҳукмга хилоф иш қилса гуноҳкор ва жинойтчи саналсин, дея фармон чиқардилар. Шу фармондан кейинги Наврўз кунларидан бири эди, мух-

тасиблар ва хоннинг шу масалада тайин этган махсус назоратчилари шаҳар дарвозаси олдида туриб, фармонни бекам-куст бажаришга тиришардилар. Ҳеч ким ҳеч қандай бир равишда шаҳар ташқарисига шароб олиб чиқаолмай қолди. Ҳалиги Мулло шамъ як пули бир гуруҳ толиби илмлар ва ҳабис кишилар билан тил бириктириб, маслаҳатни бир ерга қўйибдилар ва лаванд ёшлардан бир нечтасини ўзларидан олдинроқ Қоғоз жувози тепалигига жўнатишибди. Улар ўша ерда кутиб турадиган, булар эса қизиқ бир ҳийла билан шаробни шаҳар ташқарисидан олиб чиқиб, уларга қўшиладиган бўлишибди. Шундан сўнг ўзлари хийк, яъни мешхалтани шаробга лим тўлдириб, бир тобутнинг ичига жойлашибди ва ёқаларини йиртиб, бошларига қора боғлаб, саллаларини тобут устига ташлаб, қолган бир нечта ҳабисларнинг ҳам бошларига фўталар боғлатиб, ёқа йирттириб, олдинма-кетин тобутни қўлма-қўл қилиб, ғавғо билан “вой охунд мулло Хийкий инигинам, оҳ жоним мулло Хийкий, иймоним мулло Хийкий, ўлиб кетавердингми, шундай кунда тупроққа кўмиладиган бўлдингми? Дардимизни кимга айттайлик, ажалнинг дастидан Абдуллатифхонга арз қилайликми!” деб, йўлга тушибдилар. Шундай бир доду фарёд ва одамни ҳис-ҳаяжонга соладиган шовқин кўтарибдиларки, исти кўяверасиз! Дарвоза олдида турган муҳтасиб ва назоратчиларнинг ўзлари йўл очиб, кетларидан фотиҳа ўқиб, шаробхўрларни шароб билан бирга ўтказиб юборибдилар. Ани шу ҳийла билан муҳтасиб ва шихналар олдидан эсонмон ўтиб, шаҳар дарвозасидан ташқари чиққач, Қоғоз жувози тепалигига етиб келишибди ва хушрўй, дилмушток кишилар билан базми Жамшид бошлаб, пиёлаларни давра бўйлаб беомон айлантиришга тушибдилар. Шаробхўрлик ўтириши борган сари қизиб, ажиб бир бақирик-чақирик товуқлари яқин-атрофни тутибди. Буни қарангки, ўша пайт, Абдуллатифхон [темурийлардан қолган расмга биноан] ҳар Январўз байрами куни тепаликда сигир қўйиб, уни тўпдан

нишонга олиш одатига биноан сарой аъёнлари ва шаҳар улуглари билан Расадхона тепалигига келиб тушибди. Сигир кўйиб, тўп отишга ҳозирлик кўраётган маҳал ҳалиги шаробхўрларнинг шовқини хоннинг қулоғига чалинибди ва Абдуллатифхон “бу нима ғала-ғовур?” деб сўрабди.

– Муло шамъ як пули Хожайи чўпон тепалигида ёшларга кўшилиб, шаробхўрлик қияпти, – дейишибди. Хон “тезда олдимга обкелинг” деб олий буйруқ берибди ва уларни обкелишгач, хон “тўгрисини айтинглари, шаробни қандай қилиб муҳтасиб ва назоратчиларимга билинтирмай шаҳар ташқарисига олиб чиқдинглари?” деб сўрабди. Шаробхўрлар ҳам кўрққанларидан тўгрисини айтиб, бўлган гапни битта қолдирмай сўзлаб беришибди. Абдуллатифхон аввалига ғазабланибди, сўнг буларнинг ҳийласидан ҳайратда қолибди ва латифасимон ишларидан ҳузурланиб, айбларини кечирибди ва ҳатто, бу иш бошида турганларнинг ҳаммасига тўн кийдириб, инъомлар берибди.

Бу ҳикояни келтиришимдан мақсад Ҳиндистон ўрдаги гўштининг лазизлигини исботлаш эди. Подшоҳга тортиқ қилган бу неъматини учун ҳам ташаккурлар айтдим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

**Кейинги воқеа:** Шабе чун субҳи содиқ нур афшон буд,  
Жаҳон равшантар аз хуршиди тобон буд.

(Мазмуни: Субҳи содиқдек окшом нурафшон эди,  
Қуёшдан ҳам равшанроқ бир жаҳон эди.)

Малойикошиён сарой остонасида ҳозир бўлдим. Қўлимни пешонамга тегизиб, таъзим билан салом бажо айлагач, халифайи илоҳий кўп илтифот ила ҳол-аҳволимни суриштирдилар ва сўнг дедилар: – Охунд жаноблари, ёш ғуломнинг оқбадани яхшими ёки қоратан бўлса тузукми?

– Одамларнинг табъи ҳар хил ва инсонлар бу жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладилар, айримлар қорани ёқтирадилар, баъзилар оқ томон майл билдирадилар, аммо, орифлар демиш:

Ошиқ зи ҳар че ҳаст ба маъшук пай барад,  
Гар суврати хуш аст ва гар ҳаъати қариҳ.

(Мазмуни: Ҳар нарсада кўрар ошиқ маъшук жамолин,  
Хоҳ гўзалу хоҳ хунук, топар ёр камолин.)

Ул ҳазрат жавобимдан қоникмай дедилар: – Биз Сизнинг табъингизга тушадигани тўғрисида сўрадик, бошқалар билан нима ишимиз бор?

– Қиблайи олам, бўлмаса ўз кўзим билан кўрай, кейин айтаман, – дедим мен ҳам аниқлик киритиб.

– Майли, ундай эса ўнг ва сўл томонларингизга қаранг, балки, шундан сўнг аниқ бир хулосага келарсиз, – дедилар подшоҳ. Бундоқ қарасам, ўнг томонимда қоратан бир рожавачча турар, қора бўлса ҳам офати жон эди. Кўрганим заҳотиёқ дилим ўгирлади.

**Рубоий:**

Ҳинду баччае дил зи мани мискин бурд,  
Аз сина қарор ва аз дилам таскин бурд.  
Ақлу хирад ва сабру шакибойро,  
Ин жумла ҳама баҳандайи ширин бурд.

(Мазмуни: Ҳинду бола ўгирлаб дилим, мен мискин  
Қолдим сина бўм-бўш, кўнгил топмас таскин.  
Ақлу хушим ва сабру қарорим олди у,  
Барисин гонат айлади, қулиб бир ширин.)

Сўл томонимда оқбаданли бола тик турарди, у ҳам ниҳоятда яхши ва латофатли бўлиб, хусни нуридан кўз қамашарди.



### **Рубоий:**

Эй мохи сафид пуст! дар шаби хубий,  
Дар партави шамъ бас ажаб марғубй,  
Дил мебарӣ аз Мутрибий бе сару по,  
Бо ғамзаву нозу ишваву маҳбубй.

(Мазмуни: Эй оқ бадан ой, ёғдуланди сендан каро тун,  
Шамъ ёруғи эмас, нур сендандир пайдо бутун.  
Ўғирлаб Мутрибий дилин, аҳволин танг этдинг,  
Ишва-ю, ноз ила қилдинг уни шайдо бугун.)

**Байт:** Мағу батарфи чаман жилвайи раёҳин бин,  
Дилам асири ту бо дигаре чи кор маро.

(Мазмуни: Дема сен менга боғ ғулин тамоша қил,  
Ўзгада не ишим бор, сенга асир дил.)

Бу ғўзалликлар кўзимга ҳаддан зиёд бўртиб кўрингач, яна бир мартаба ўнг томонимга қарадим ва тағин чап томонимга назар солдим: – Қиблайи олам, бир гал кўзимга қоралик кўринди, бир гал эса у оқликка дўнди. Бу икки рангнинг қўшилишидан бошқа бир хил ранг ҳосил бўлди. Рўёлик оламида бу икки ранг омихталигидан маълум бўлдики, жуда оппоқ бадан ёш ҳам бўлмас экан, жуда қораси ҳам тўғри келмас экан, балки, кўкимтир-сарик бўлгани маъқул экан, бундай ранг малоҳатга далолатдир, – дедим бир тўхтамага келиб.

– Ҳа, унақа бўлса, бундай баданни сабз намакин дейилади! – иборамни тўғирлади подшоҳ ва бу **рубойи**ни ўқидилар:

Эй он ки, тамомат зи намак рехтаанд,  
Зарроти вужудат зи намак пўхтаанд.  
Бо ширайи жонҳо намак омихтаанд,  
То ҳамчу ту суврате бар ангихтаанд.

(Мазмуни: Тамом баданинг куйилгандир намакдан,  
Танинг ҳар зарраси терилгандир намакдан.)

Жонлар ширасига намак-туз кўшганлар, то  
Сени бу зебо суратга келтиргунча намакдан.

(Форс тилида намак (туз) сўзи “бо намак”, “намакин” (тузли) ёки “як порча намак” (бир бўлак туз) шаклларида “тотли” ёки “чиройли”, “оқ баданли” маъноларини билдиради. Масалан, “одами бо намак” – «гаплари маъноли», яъни бамаъни одам, “сухбаташ бо намак (намакин)аст” – сухбати ширин, “як порча намак” – гўзал, сингари – тарж.)

– Бу сўзлар улуғлар айтган манави қавлга тўғри келади: Ҳазрат рисолат паноҳий *саллаллоҳи алайҳи васаллам* демишлар: “Биродарим Юсуф *алайҳис салом* соҳиби ҳусн бўлсалар, аммо, мен малоҳатда ул зотдан устунроқман!” – дея жавоб бердим.

– Ана ўлманг, бизнинг мақсадимиз ҳам Сизнинг шу каби табъингизни аниқлаш эди, – дедилар подшоҳ муроди ҳосиллик билан. Мен яна одатимга кўра дедим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

Ўша пайтда манави рубойи хаёлимдан кечди, аммо, халифайи илоҳий назарларидан ўткармадим. **Рубойи:**

Дар кишвари Ҳинд офтобе дидам,  
К-зи партави он ба сина тобе дидам.  
Дар бедорий намуд ин руй наку,  
Ё дар Зулумоти Ҳинд хобе дидам.

(Мазмуни: Ҳинд элида мен бир офтоб кўрдим,  
Нуридан синамда кўп тоб кўрдим.  
Юзин ажаб хуб кўрдим мен бедор,  
Ё Ҳинд Зулумотида хоб кўрдим?)

## Кейинги воқеа:

Шабе чун зулфи хубон дар дарозий,  
Намуда ақл дар вей корсозий.

(Мазмуни: Гузаллар сочидек узун бир тун эди,  
Ечиш учун ақлга бир тугун эди.)

Оламни безовчи ой тўлинлик ёқасидан бош чиқарган ва  
жаҳонни ўз нури билан мунаввар этган бир оқшом эди.

### Назм:

Моҳ чун косайи панир шуда  
Кўчаҳо ҳамчу жуйи шир шуда.

(Мазмуни: Ой пишлоқ косасидек оппоқ эди,  
Кўчалар сутли ариқ каби оқ эди.)

Беназир хусравнинг кўнгилларига бу оқшом тўлин ой ёғ-  
дусини кўриш ҳаваси келган ва ойдин бу кечада деворлари  
оппоқ бир кошонани танлаган эканлар. Бориб қарасам, не кўз  
билан кўрайки, деворлардан ташқари ерга тўшалган гилам  
борми, палос борми ҳаммаси оқ ипак ипдан тўқилган эди.  
Подшоҳи олам ҳам оқ хилъат кийган эдилар. Аркони давлат  
ва онҳазрат аъёнлари барчаси оппоқ кийимларда хизматга  
камарбаста турардилар. Ўша моҳтобли тунга мослаб, кошона  
ўртасига оқ мраммар тошдан битта тахт ҳам ўрнатган эдилар.  
Ва онҳазрат ўша саодат рахтли тахтда ўтирардилар. Менинг  
бугунги бу ҳолатдан хабарим йўқ эди. Шунинг учун билмай,  
қудсий ошиён остонга, бошқа рангдаги кийимда ке-  
лаверибман. Наввоблардан бир-икки нафари киришимга  
қаршилиқ кўрсатиб: – Подшоҳнинг бу хусусда жаҳон бўй-  
сунувчи фармонлари бор, бугунги йиғинга фақат оқ кийим-  
да келганлар киради, бошқача либосда келганингиз учун ҳу-  
зурларига ўтказа олмаймиз, айбга буюрмайсиз! – дедилар.  
Шу сабабли битта рубоий битиб, аъло йиғинга киритиш ва

халифайи илоҳийга кўрсатиш учун ширали товушли бул-бул  
Фасиххон хазратларига бердим. **Рубоий:**

Имшаб ки хиради дуд зи хоб омада аст,  
Офоқ зи моҳи нурёб омада аст.  
Дар партави моҳ шоҳ гардида аён,  
Ё меҳр ба сайри моҳтоб омада аст.

(Мазмуни: Бу тун уйғоқ эрур тонг қадар ақлу ҳуш,  
Олам ой жомидан нур майин этган нўш.  
Ой ёғдусида шоҳ бўлганми намоён,  
Ё қуёшми у ойдин тунда кезар ҳуш?)

Подшоҳ рубоий мазмунидан хабар топгач, олий фармон берибдилар ва шунга кўра бошимга оқ рангдаги аъло салла ва эгнимга оппоқ рангли чиройли бир хилъат кийгизиб, халифайи илоҳий ҳузурларига олиб кирдилар. Хилъат билан бошимни осмонга етказганлари ва чокарлари каторидан ўрин берганлари шарафига қўлимни пешонамга қўйиб, таъзим бажо келтирдим ва яна ушбунни такрорладим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

**Кейинги воқеа:** Шабе дигар ки пур чароғон шуд,  
Ҳар тараф дилбаре намоён шуд.

(Мазмуни: Яна бир тун тамом чароғон эди,  
Ҳар ёнда бир дилбар намоён эди.)

Халифайи илоҳий хизматига мушарраф бўлдим. Атроф-теваракка боқиб, осиб қўйилган бир минг беш юздан ортиқ қизил фонусни кўрдим. Машъалларнингку сон-саногии йўқ эди. Ўша аснода халифай илоҳийнинг кўнгиллари туя ва оху урушини тусаган экан. Жаҳон бўйсунувчи фармонга биноан маст туяларни олиб келишди ва сўнг урушқоқ охуларни ҳам майдонда ҳозир қилишди. Аввал охулар уруши

томоша қилинди. Шу тобда шоир “Устод”нинг бу байти эсга келди ва унинг мазмунидан шоирнинг нима учун бу назмни яратганини англадим.

**Байт:**

Абрувони туву чашмони ту, эй сурати Чин,  
Охувонанд зада шох ба шох аз сари кин.

(Мазмуни:

Қошларинг сенинг, кўзларинг сенинг, эй сурати Чин,  
Охуларми, кин ила ташлаган бир-бирига шохин.)

Кейин туялар уруши томошаси бошланди. Урушни кўрсангиз! Вой-буй, қанақа уруш денг, тагин! Мовароуннаҳрда сира бунақасини кўрмаган эдим. Очиғи, бу каби томошаларни илгари кам кўрганам учун уни бошқаси билан қиёслай олмадим ва айни замонда афзалликларини васф этишдан ҳам ожиз қолиб турибман. Энди билишимча, бундай уруш манзарасини кўрган дил кувонар, туялар важоҳатидан юракда гулгула ва ваҳима эмас, балки, кўнғилда роҳатланиш ва фароғат ҳисси ортар экан. Шу сабабли, хотирға ушбу **рубой** келди:

Ҳар кас ки зи жаври чарх дилгир бувад,  
Бо онки дилаш тиратар аз тир бувад.  
Сайқалгари мироти дили тирайи у  
Жанги шутур бар шох Жаҳонгир бувад.

(Мазмуни: Ким бўлса бу чархнинг жавридан дилгир,  
Қишдек қаро қилса дилин гар шабгир.  
Туя жангидан қаро дил ойнаси  
Сайқал топар, лутф этса шох Жаҳонгир.)

Томоша поёнига етгач сўрадилар: – Мовароуннаҳрда шунақа оху ва туя уруштиришни кўрганмисиз?

– Туя урушини кўрган эдим, лекин кийик урушини кўр-

маганман, — деб жавоб бердим.

— Бунақа урушқоқ оху зоти Мовароуннаҳрда йўқ бўлгач, канақасига кўрасиз ахир, мулломиз, — дедилар ва яна қўшиб қўйдилар: — Биз бу жанг томошасини Сизнинг кўришингиз учун махсус уюштирдик.

Хушнудлик ила тагин ушбу назмни айтдим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

**Кейинги воқеа:** Шабе чун туррайи хубон муанбар буд,  
Зи атраш мағзи жону дил муаттар буд.

(Мазмуни: Гўзаллар сочидек анбар бир тун эди,  
Муаттар исидан жону дил гулгун эди.)

— ва камина ҳам халифайи илоҳий чокарлари қаторидан жой олгандим. Саодат тахтига суяниб ”уйқунгизни осойишта қилдик<sup>32</sup>” каримаси мазмунига кўра озгина мизгиб олишга тараддудланаётган пайти асносида бадиҳа йўсини билан бир байт айтиб ва уни бир қоғозга рақам қилиб, бу фақирга лутф этдилар ва “шу вазн ва қофияда бадиҳа айтинг” дедилар. Байт бу эди. **Жаҳонгир:**

Чашми ошик чароғро монад,  
То намирад намеравад хобаш.

(Мазмуни: Ошик кўзи гўё чирок,  
Ўчмагунча турар уйғок.)

Мана, тепамда худойи каримнинг ўзи турибди, ҳеч тўхталмасдан ва иркилмасдан куйидаги байтни бадиҳа қилдим:

Дили ошик кабобро монад,  
То насузад намеравад обаш.

---

<sup>32</sup> 79 суранинг 9 ояти.

(Мазмуни: Кабобга ўхшар ошиқ дили,  
Куймагунча чикмас сели.)

Дилида ишқ дарди йўқ инкор қилувчилардан бири мункиру нақирдан ҳам баттар даҳл қилиб ”бу байт шоир Устодга тегишли” деб қолса бўладими. Бу гапдан сўнг бошқа бир байт назм қилишимга тўғри келди:

Чашми ошиқ мисоли дарёеист,  
Ки наёбанд халқ поёнаш.

(Мазмуни: Ошиқ кўзи мисоли денгиз,  
Халқ кўриб дер: ахир бу чексиз!)

Халифайи илоҳий ҳалиги мулҳадни мулзам қилиш учун кесатиб дедилар: — Бу байт ҳам шоир Устодники бўлмасин тағин?!

Камина эса бундан илҳомланиб кетиб, яна бир байт тўқиб ташладим. **Байт:**

Ҳар ке ошиқ бувад ба маъшуке,  
Рост гуям намебарад хобаш.

(Мазмуни: Ким бўлса бир маъшукқа ошиқ,  
Келмас уйкуси, бошқа гап ошиқ.)

Ҳалиги дарди йўқ мулзам бўлиб, дами ичига тушиб кетди. Халифайи илоҳий мизғишга тушганларида эса манави байт хотирга келди.

**Байт:**

Ҳар кужо дил шикаста бошад,  
Подшоҳо, ба лутф дар ёбаш.

(Мазмуни: Қайда бўлса дилшикаста, эй подшоҳ,  
Лутф ила сила бошин, топсин рифоҳ.)

Уйқудан уйғонганларида подшоҳга ўшани ҳам ўқиб бер-

дим. Иноят билан дедилар: — Сиз хотирингизни жам тутинг, ҳали ҳаққингизда кўп илтифотлар қилинажак. Сизни ўзимиз билан бирга дилпазир Кашмир вилоятига олиб кетамиз. Кашмирга жўнаш пайти ҳам етарли даражада иноятларимизга сазовор бўлгунгиздир. Абдурахимхожа Жуйборий<sup>33</sup>нинг доруссурур Лоҳурга етиб келишини кутиб турибмиз, бўлмаса аллақачон жўнаган бўлардик.

Таъзим ила дедим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

Ўша аснода ҳам икки юз рупия иноят қилдилар. Шундан сўнг: — Бу байт уйқу ҳолатимизда кўнгилдан кечди. Агар даргоҳимиз шоир ва фозиллари бедорлигида унга жавоб айтсалар, яхшироқ чиқармиди? — дедилар подшоҳ.

Назмга таъби борларнинг барчаси жавоб ёзиб, ўткардилар. Билмадим, қайси бирининг жавоби яхшироқ чиқди ва подшоҳга ёқдийкин.

Подшоҳ **байти**:

Чашми ошиқ мисоли абр бувад,  
То нагирьяд намебарад хобаш.

---

<sup>33</sup> Имомкулихон ўша пайтда чегара масалаларини ҳал қилиш учун бир йилча олдин Жаҳонгир номидан элчиликка келган Сайид Мир Баракага кўшиб ўз элчиси сифатида шайх Абдурахимхожа Жуйборийни Ҳиндистонга юборади, хон хатини олиб келаётган шайх 1626 йил сентябри бошида Кобулга етиб келади ва уни Кобул ҳокими Зафархон жуда яхши кутиб олади. Мутрибий ҳам ана шу ҳинд элчиси ва шайх кўмагида 1626 йил мартада Самарқанддан чиқиб, Бухоро орқали май ойида аштархонийлар мулки Балхга келади ва ҳинд давлати мулки Кобулга ўтиб кетолмай, Балхда икки ой ушланиб қолади. Бу орада Саид Мир Барака ва шайх ҳам Балхга етиб келадилар, ҳинд элчиси Мутрибийни ўғли билан бирга Кобулга ўтказиб юборади. Мутрибий Лоҳурга 1626 йил ноябри бошида етиб келган эди. Шу кунларди Абдурахимхожанинг ҳам келиши кутилаётган эди.



(Мазмуни: Ошиқ кўзи булутнинг ўзи,  
Йиғламаса келмас уйқуси.)

Фозили жаҳон ҳаким Масиҳ уз-замон шундай ўткарди:

Чашми ошиқ ба чашма мемонад,  
Надихад об фурсати хобаш.

(Мазмуни: Ошиқ кўзи чашмага ўхшар,  
Уйқуси чоғи чиқмас суви.)

Мавлоно Дарвеш Мусаввир Самарқандий манави тарзда  
айтган эдилар:

Чашми ошиқ мисоли симоб аст,  
Чун шавад кушта мебарад хобаш.

(Мазмуни: Ошиқ кўзи симоб эрур,  
Ўзи кетса, уйқуси келур.)

Бузруквор амаким менга ушбу ҳикояни айтиб бергандилар: ” – Онангнинг отаси акма – онадан туғма бутов кўр эдилар ва шунга қарамай шеър айтардилар, аксар шеърлари тушида кўнгилларидан кечган. ”Акма” – бутов кўр деб, юзида иккита кўзи ва бурни йўқ, яъни, юзи теп-текис, туғма бутов ҳолатдаги одамларни айтадилар. Уларнинг фақат бурун тешиги ва оғиз ёриги бўлади, холос. Ҳақ таоло Қуръони мажидда ”туғма кўрни ва песни яхши қиламан ва ўликни тирилтираман<sup>34</sup>” дея хабар берганидек, айтмоқчиманки, у киши шеърда ”Басирий” тахаллусини қўллардилар. Кўзи очиқ одамларнинг қўлидан келадиган ишларнинг кўпини у киши ҳам қилаолардилар. Буванг ҳазрати Идрис *алай-ҳиссалом*га мансуб тикувчилик фанидан тўла хабардор эдилар. Игнадан ип ўтказардилар, либос тикардилар, зардўзлик қилар ва унга керак ашёларни ўзлари харид қилиб келардилар, йўл юр-

---

<sup>34</sup> 3 сурадаги 43 оятдан.

ганда эса худди кўзи очиклар сингари ҳеч қоқилмай қадам босардилар. Айниқса, шеърни яхши ва қизик бир ҳолатда тўқирдилар. Онанга айтарканлар: – Тушимда хаёлимдан шеърый мисралар кечади, уйғонгач, эсимдан чикмасдан ай-тиб бераман, сен эса тезда ёзиб ол. Чунки, уйгоқ пайтим қанча тиришсам ҳам эсимга келмайди”.

Манави байтни эса, амаким, ўша бобонгники, деган эдилар. **Байт:**

Мо дили пур дардро дар баҳри хун парвардаем,  
Ошикони баҳри худо, бинед, чун парвардаем.

(Мазмуни:

Биз дардга тўла дилимиз қон учун этдик парвариш,  
Худо ошиқлари, қаранг, қилибмиз қандай зўр бир иш.)

Биласиз, нақлда келишича, шайх Нуриддин Басирни *сирлари муқаддас бўлсин* ўн тўртинчи кутб, дейдилар ва вужудида олам жойлашган чилтанлар сирасидан биттасини у киши деб хабар берадилар. Бу шайх ҳикоясини келтиришимдан мақсад, ул ҳазрат ҳам шу сифат билан мавсуф бўлиб, аларнинг муборак юзлари ҳам бир бутов, яъни тептекис экан. Лекин, ул зот ҳам кўзи очиклар бажарган барча ишларни бемалол уддалай оларканлар. Покиза қабрлари эса Самарқанднинг арки қалъаси ичида жойлашган. Устига олий иморат ва мунаввар қабри тепасига оқ кошиндан гумбаз қурилган. Кейинги пайтлар мазкур гумбаз ўпирилиб тушиш даражасига етай деб қолганди. Султон Саъидхоннинг завжаси Оқ хоним уни Жавонмардалихон салтанати замонида таъмирлатди. Халқ ҳам ул бузруквор хотирасини қаттиқ ҳурмат қилади ва кўп эъзозлайди. Шайх Нуриддин Басир аксар чиллаларини “Масжиди кабуд” номи билан машҳур масжидда ўтирган эканлар. Айтишларича, шайх бир куниси ўша масжидда жаҳрия зикрини адо этаётганларида, бирдан масжид томи осмонга кўтарилиб, яна қайтиб

тушибди ва асл ўрнида қарор топибди. Шайхнинг Арк ташқарисидаги хонақоҳи ҳозир ҳам фаолият кўрсатмоқда, жумъа оқшомлари унда дарвешлар ва эҳтиёж талаблар тонг отгунча бедор ўтириб, зикр айтадилар. Шайх бу хусусда бир пайт: – Бизнинг хонақоҳда бундай тунги бедор ўтиришлар то киёмат кунигача ўз ўрнида давом этажак, – деган эканлар. Шунда айрим кишилар: – Киёмат куни жумъа кунидир ва ўша маҳал ҳеч бир мавжудот бедор ҳолатда бўлмайди-ку, ахир? – дейишибди. Алар эса шундай жавоб берибдилар: – Ҳақ субоҳонуху таоло бу вазифани давом эттириб туриш учун осмондан малоийкани юборади.

Мен банда ҳам алар хонақоҳида бир тунни тонг отгунча бедор ўтказдим. Онҳазратнинг авлоди ҳозир ҳам йигин аҳли билан бирга оёқда тик турганча зикр тушиш расмини адо этиб келмоқдалар. Уларнинг зикр айтиш маросими шундай: одамлар зиёфат ўтиришларида сакраб “ирғиштак” ўйнаганлари сингари ҳаракатланиб, зикрни худди ўшандай ҳолатда айтадилар. Зикр чоғи чапак ҳам чаладилар ва ер ҳам тепинадилар. Сахарга яқин эса хонақоҳда ҳалво пиширилади, бомдод намозидан сўнг йиғилганларга ҳариса тортадилар, бу одат ҳозиргача сақлаб қолинган ва шу кунларда ҳам аввалгидек давом этмоқда. Яна эшитганим бор эди: айтадиларки, бир киши шайх ҳазратни синаб кўриш учун битта игнани ерга ташлаб, гўё ўшани ахтаргандай бўлибди. Шайх: – Нимани изляяпсан? – деб сўрабдилар. Ҳалиги одам эса: – Игнамни йўқотиб кўйдим, шуни изляяпман, – дея жавоб берибди. Шайх ҳассасини кўлига олиб, уни ҳалиги игна устига тираб: – Мана, игнанг бизнинг ҳассанинг тагида турибди, – дебдилар.

Манави бир нечта рубоий эса шайх ҳазратларининг гуфторидандир. **Рубоий:**

Рав, дида бадуз, то дилат дида шавад,  
З-он дида жаҳони дигарат дида шавад.

Гар дидаи дил ба зикри ҳақ бигшойи,  
Бар боми фалак ҳар чи бувад, дида шавад.

(Мазмуни: Тикиб ташла кўзинг, кўзга айлансин дил,  
Дил кўзи-ла кўрарсан ўзга оламини, бил.  
Дил кўзин очсанг гар ҳақ зикри билан,  
Кўринур фалак томида не бўлса бир-бир.)

Чун бози сафид дар шикорем ҳама,  
Бо нафси ва ҳавоии хеш ёрем ҳама.  
Фардо ки зи пеш пардаҳо бардоранд,  
Маълум шавад ки дар чи корем ҳама.

(Мазмуни: Оқ лочиндек ов чангалин очганмиз баримиз,  
Нафсу ҳойи-ҳавас сари қочганмиз баримиз.  
Эрда тонг пардаларни кўтарганда билинар,  
Не иш кетида умру зар сочганмиз баримиз.)

Эй дил, ту даме мутеъи субҳон нашуди,  
Ва кардаи гуноҳи худ пушаймон нашуди.  
Сўфи шудайи ва мухтасиб ва донишманд,  
Ин жумла шуди, вале, мусулмон нашуди.

(Мазмуни: Эй дил, сен бир нафас мутеи субҳон бўлмадинг,  
Қилган гуноҳларингдан ҳеч пушаймон бўлмадинг.  
Сўфи бўлдингу мухтасибу донишманд бўлдинг,  
Шунинг бари бўлдинг, аммо, мусулмон бўлмадинг.)

**Кейинги воқеа:** Шабе чун рузи давлат нурафзо,  
Аз у файзи муқаддас гашта пайдо.

(Мазмуни: Тун эрди кундуздек нурафзо,  
Муқаддас файз ундандир пайдо.)

Мен ҳам подшоҳ хузурида шараф топганлар қаторидан  
жой олгач, каминага қараб шундай дедилар: – Ҳазрат  
Абдурахимхожа Жуйборий яхшироқми ёки Надр Муҳам-

мадхон ўз элчиси сифатида юборган Шоҳхожа<sup>35</sup> исмли хожами?

– Бузрукзодалиги жиҳатиданми ёки довруқ, қудрат, бойлик ва тариқатдаги обрўйи юзасиданми? – сўрадим подшоҳ мақсадини аниқлаштириш учун.

– Ҳа, халқ ва хонлар, яъни мамлакатда тутган мавқеи жиҳатидан, – дедилар.

– Агар халқ ва давлат олдидаги мавқеи жиҳатидан бўлса, элчига ўхшаш юз хожа Абдурахимхожанинг эҳсон дастурхонидан нафақа ейдилар, – деб жавоб бердим.

– Боракалло, инсофингизга раҳмат, биз ҳам шундай эшитган эдик, лекин, мақсадимиз шу маънони тасдиқлатиб олиш эди. Аммо, айтингчи, шунақа экан, хожа ҳазрат мадҳида биронта назм ёзганмисиз? – деди подшоҳ.

– Манави арабча қасидани алар ҳазратлари мадҳида иншо қилганман, – дедим ва қасидамни ўқиб бергач, ”жуда яхши ёзибсиз” деб лутф этдилар. Мен одатга кўра дедим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

**Кейинги воқеа:** Шаби дигар ки шуд чархи макавқаб,  
Ба кавқабҳойи нуроний мураттаб.

(Мазмуни: Осмони юлдузлар билан безанган тун,  
Хаёлда қилиб ул кавқаблар сайрин.)

– хусрави беназирнинг фалак масир тахти пойига етишдим ва таъзим шартларини бажаргач, оёқ устида лутфларига мунтазир бўлиб турдим. Дедилар: — Кеча ширин овозли булбул Фасиҳхон таснифингизни олдимизда ўтқарди. Лутфу

---

<sup>35</sup> Балх волийси Надр Муҳаммадхон аштархонийнинг Шоҳхожа исмли элчиси Лоҳурга 1626 йил ўртасида келиб, 1626 йил декабрида Балхга қайтиб кетган эди.

карам эгаси амакимиз Муҳаммад Ҳаким Мирзо<sup>36</sup> воқеаси ҳам тазкирангизда зикр этилган экан. У зотнинг мусиқа илмининг амалий ва илмий истилоҳларини билишлари хусусида ҳам ёзибсиз. Ўзингиз ҳам амакимнинг бу соҳадаги таърифида мусиқага доир айрим тушунчаларни айтиб ўтгансиз. Кўриниб турибдики, охунднинг ўзлари ҳам бу фаннинг амали ва илмидан яхшигина хабардорга ўхшайдилар, Мутрибий деган тахаллуснинг ўзи ҳам шу маънони англатмайди, ахир! Агар саройимиздагилар ҳузурида бу илм амалиётидан биронта намуна кўрсатсалар – нақшми ё бирон амалми, қавл бўладими ё савтми ёки битта пешравми, айтиб берсалар, ёмон бўлмасди. Сарой аҳли мириқиб эшитардилар.

– Қиблайи олам, бу нарса овозга боғлиқ. Қарилик сабабли товушимизга путур етган ва бу ҳолатда одамнинг ноқулай аҳволда қолиши турган гап, – дедим

– Комил овоза, яъни таниқли санъаткор бўлиш, баъзида вужудга келадиган овоз айбини ёпади, деган гап бор, – дедилар ашула айтишга ундаб.

Шундан сўнг доира келтиришди, мен эсам йиғилганлар доирасида доирани кўлимга олиб: – Қиблайи олам, қайси оҳангда куйлай ва қайси бастакорнинг таснифини айтай? – дея сўрадим.

– Бузруквор отамиз олий йигинларида эски бастакорлар асарларини кўп эшитганмиз. Аммо, кўнглимизда Абдуллоҳон Ўзбек замонида яшаган устод Али Дўст Нойи таснифларидан эшитишга кўпроқ майл ва иштиёқ бор, агар, биронтаси ёдингизда бўлса, ўшани айтсангиз! – дедилар.

Устодим Али Дўст Нойи ”Ироқ” оҳангида ним сақил боғлаган савт ил-амални айтишга тушдим. Бу савтнинг бозгусида андозий усули бор, сархонаси Ироқда ва миёнхонаси Хусайнийда ва бозгуси Уззолдадир, нақорат аввалида

---

<sup>36</sup> Муҳаммад Ҳаким Мирзо бин Ҳумоюн кўп йиллар Кобулда ҳоким бўлиб, 1585 йил вафот этган.

бир нечта мустаҳал ҳам келган. Бу амални тўла тугатгач дедилар: – Баракалло, жуда яхши айтдингиз, зарб ва нутқ бирига мувофиқ ва мос ҳолда ижро этилди. Улар ораси-да ихтилоф бўлмади.

Шундан сўнг “Сегоҳ” оҳангида, Амир Алишернинг “Ҳусайний” оҳангида “Турки зарб” усули билан Султон Ҳусайн Мирзо нозу ниёзида яратган ва мазкур устод [Али Дўст Ноий]да ҳам бор нақш услубидаги бир нақшни ҳам ”Даври шоҳий” усули билан айтиб бердим. Кейин, мазкур устодим Абдуллахон номига ”Нишобурак” оҳангида фаръ усули билан басталаган бир савтни ҳам ижро этдим. Буларни эшитгач, подшоҳи олам:

– Офарин, тинглаб бир мисқол бўлдик, Сизни бошқа уринтирмаймиз, етади энди, – дея лутф этдилар.

Шу ўтиришда каминани мусиқа илмининг назариёти бобида ҳам саволга тутдилар: – Ўн икки мақомнинг келиб чиқиш манбаси ҳақида нима дейсиз?

– Бу тўғрида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, мавлоно Ҳасан Кавкабий ва Хожа Калон Мажруҳий рисолаларида кўрганман, Фисоғурус ҳаким айтишича, ўн икки мақомнинг келиб чиқиши буржларга бориб тақаларкан, фалакнинг айланиши сабабли ҳар бир кеча ва кундузда ҳар бурждан бир садо чиқаркан ва ҳар бир мақомнинг тайин этилиши ана шу ҳар бир бурждан, деб қаралар экан, ўша рисолаларда битилиши ва баён этилишича. Аммо, Мир Атоуллоҳ Ҳусайний ва айрим эски олимлар фикрича, мусиқа мақомлари келиб чиқиши Қакнус қушининг тумшуғидаги тешиқлар товушига нисбат берилади. Қакнус ҳикояси, яъни унинг сифатлари ва йўқ бўлиш ҳодисаси Шайх Фаридуддин Атторнинг кимиёасар қалби натижаси бўлмиш “Мантик ут-тайр” номли тенгсиз китобларида гўзал байтлар асносида шарҳлаб ўтилган. Шайх Атторнинг ушбу байти ана шу маънодан дарак бериб турибди.

## Байт:

Фийлсуфе буд дами созаш гирефт  
Илми мусикий зи овозаш гирефт.

(Мазмкни: Бор эди бир файласуф дамида соз ила,  
Муסיқа номланди ундаги овоз ила.)

Аммо, энг тўғри фикр, менимча, махдумий Ҳасанхожа Нисорий ўзининг ”Музақкири аҳбоб” номли китобида келтирган ривоятдир: Ҳазрат Мусо *алайҳиссалом* бани Исроил қавми билан Баълам бин Боъуро дуоси оқибатида тоғда қирк кеча-кундуз саргардон юрганларида, бир куниси бани Исроил сувсизлик ва ташналик азобидан ҳазрат Мусо *алайҳиссалом*га илтижо қилибдилар. Ул ҳазрат эса ҳақ субҳона-ху таолага илтижо қилибдилар. Шунда яратгувчидан ”Эй Мусо, ҳассангни тошга ур!<sup>37</sup>” деган бир нидо келибди. Ул ҳазрат буюк парвардигори олам амрига биноан ҳассасини тошга урибдилар. ”Сўнг ундан ўн икки булоқ оқиб чикди” ояти каримаси<sup>38</sup> мазмунидек, дарҳол, тошдан ўн иккита сув булоғи оқа бошлабди. Бани Исроил қавми ўн иккита уруғ экан, ҳар бир урукқа битта булоқ сувини белгилабдилар. Сув эса ҳар бир булоқдан ўзига яраша бир говуш билан чиқаркан. Ҳақ субҳонуху таолодан бир нидо келибди – “Эй Муси<sup>39</sup>, қий!” яъни, эй Мусо, бу оҳанглари сақла. Ана ўшандан бу илм “муси + қий” номини олган.

Халифайи илоҳий: – Бу илм ана шу айтганларингиз-нинг ҳаммасидан ҳам келиб чиққан бўлиши мумкин, – деб қўшиб қўйдилар. Мен эса дедим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

---

<sup>37</sup> 2 суранинг 57 оятига ишора.

<sup>38</sup> 2 суранинг 57 оятига ишора.

<sup>39</sup> “Мусо” сўзи араб ёзувида эски араб, яҳудий таллафузига кўра “Муси” шаклида ёзилади.



**Кейинги воқеа:** Шабе чун субҳи содиқ нурафшон,  
Мунаввар гашта аз нураш дилу жон.

(Мазмуни: Бир тун эди субҳи содикдек нурафшон,  
Мунаввар эди анинг нуридан дилу жон.)

Халифайи илоҳийнинг саодат рахтли тахти пойини ўпиш саодатига мушарраф бўлдим.

– Биз гоҳи олди-сотди шаънида келган қуръоний оят мазмунига кўра молни молга айрибошлаш ишлари билан ҳам шугулланиб, ҳалолдан пул топиб, керагимизга ишлатиб турамиз, чунки оллоҳи таоло демиш: ”хурсанд бўлинг, бий боғлашиб сотганларингизга<sup>40</sup>” – деди подшоҳ. Сўнг уч нафар гуломвачча (қул болаларни) келтирдилар.

– Манавиларни пулга сотиб олгандик. Бугун эса сотмоқчи бўлиб турибмиз. Ораларингизда буларни сотиб олгувчи топиладими? – деб сўрадилар подшоҳи олам. Ёқимли товушли булбул, онҳазратнинг кимиёасар назарига манзур жаноб Фасиҳхон “баҳосини айтсалар, биттасини мен сотиб оламан” – деди. Қулфуруш жаллоб ҳам шу ерда турган экан, Фасиҳхон кўрсатган гуломваччага дарров икки юз рупия нарх қўйди. Фасиҳхон мазкур нархга кўнди ва гуломваччага эга чиқди. Сал кичкинароқ яна бир гулом болани подшоҳ даргоҳининг маҳрамларидан бири саналган Муҳаммад Хусайн Халаф номли киши бийлашди. Яна битта қул бола қолиб турувди, бу оқшом мен билан бирга саройга келган ўғлим Муҳаммад Али “бу гуломваччани отам учун мен сотиб оламан, отамнинг таҳорат суви ва жой намозига тааллуқли юмушларни бажариб юради, баҳосини айтинглар”, деб қолди.

– Бу гулом баччанинг баҳоси бир юз йигирма рупия, – дедилар подшоҳнинг ўзи.

– Қиблайи олам, бор-йўғи юз рупия пулимиз бор, – деди ўғлим.

---

<sup>40</sup> 9 сурадаги 112 оят.

– Ия, отангизга минг рупия берганимизга ҳали ҳеч вақт бўлмади-ку?! Пуллар каёққа йўқола қолди? – дея сўрадилар подшоҳ.

– Вилоятлари учун совға-салом харид қилган бўлсалар керак, – деди даргоҳ маҳрамларидан бири. Хуллас, қул бола ўша биринчи шартдаги маблағ бўйича сотиб олинди ва нулларни эртага тақдим этадиган бўлдик. Уйга келиб қарасак, қул боланинг қулоғи сал оғирроқ экан. Сўзлаган сўзингизни дарров илғай олмасди. Ҳайрон бўлиб қолдик, онҳазратга қайтарай десак, ярашиқсиз иш бўлса. Начора, эртаси куни эрталаб бир юз йигирма рупияни санаганча, рўмолга тугдим ва йўлга тушиб, подшоҳ саройи бўсағасини ўпиш учун келдим. Хузурларида давлатнинг наввоб Осафхон, Хожа Абулҳасан Турбатий, Хосхон, Иродатхон ва ҳаким Масиҳ уз-замон каби устунлари ва таникли амалдорлари турарди. Онҳазратнинг нузли назарлари каминага тушиб, дедилар: – Охунд, қўлингиздаги тугунча нима экан?

– Кечаги қул боланинг пулини обкелувдим, – деб жавоб қайтардим бўшашиброқ.

– Мабодо, қул болангизнинг қулоғи оғирроқ чиқмади-ми? – дедилар. Мен ҳам дарров жавоб қайтардим: – Ҳа, шунақа экан, қиблайи олам. Кар чиқди. Бунга қарамайсизми, мен кар, у кар, хуллас, икки карра кар, деганларидек бўлди.

Муборак юзларига қулгу югуриб, хурсандлик изҳор этдилар ва дедилар: – Майли, ундай бўлса ғулом болани Сизга текин берамиз, пулини обчиқиб ўтирманг, устига яна юз рупияни инъом йўсини билан ҳам қўшиб берамиз, ҳеч ташвиш тортманг, мулломиз, – дедилар. Таслим ва таъзим шартларини бажо келтириб, дедим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

Ҳозир ўша қул бола менинг хизматимда. Таҳорат суви, сочиқ ва жой намозни доимо шай ҳолатда ушлаб туради, маҳтал қилиб қўймайди. Ҳар қалай ҳозирча шойиста хизматлар кўрсатиб юрибди, хулқ-атворидан дарвешлик асари билиниб ва худошунослик аломати кўриниб турибди. Қобилияти туфайли етуклар даражасига етишади, деган умидимиз бор. Ахир, тарихда ва шу кунларимизда мактовли хислат ва ёқимли сифатларни қўлга киритган ғуломлар камми? Айниқса, бу қабилар художўйликда бошқалардан ҳам олдинга тушиб олган ҳоллар кўп учраган. Самарқанднинг "Бозори сабад"ига яқин бир уйнинг болохонасида бир гулом бола маскан тутган эди. Тонгдан кечгача, окшомдан тонг отгунча, кўча ва бозорларда "ё ҳақ, ё ҳақ" деб юрар ва баланд товуш билан Оллоҳ номларини зикр қилишдан чарчамасди. Уйга келиб ҳам уйқуни тарк этганича, фақат ибодатга машғул бўлар, хуллас, доимо яратувчи ёди билан яшарди. Ўша гулом бачча гоҳида қози ул-қуззот Соқий қози Ромитаний уйга келиб турар, қози эса унга эъзоз-эҳтиромлар кўргузарди. Бир куни бу ғулом бачча мактабхона эшиги олдидан ўтиб борар, битта ўқувчи бола эса "Амир Қосим Анвар девони" китобини ёқимли товушда нағма билан ўқиб ўтираркан. Ғулом бирор фурсат тўхтаб, оёқда турганича, шеърни тинглабди ва манави ғазалга етганда эса (байт):

Онҳо ки ба жуз руйи ту нагаронанд,  
Кутаҳ назаронанд, ваҳ чи кутаҳ назаронанд.

(Мазмуни: Юзинг унутиб, бошқа ишлар билан оворалар,  
Калтабиндирлар, эҳ, не калтабину бечоралар.)

— оҳ тортиб, яратган эгамга жон таслим қилибди.

Шу нақлга ўхшаганини бир кун замон фозили Мактубхон ҳам айтиб бергандилар. Халифайи илоҳий Ҳиндистон вилоятларидан бирига ташриф буюрганларида, ширали овозли ашулачилар нағма ва наво билан қўшиқ айтишга машғул

эканлар. Хуш овоз хонандалардан биттаси Шайх Низом Авлиёнинг ушбу мисраси ва бошқа шоирлар мисраралари билан кўшиб яратилган ашулани куйлай бошлабди. Шайх Низом Авлиё мисраси:

Ҳар қавмрост роҳе, дине ва қиблагоҳе.

(Мазмуни: Ҳар халқнинг бордир ўзига яраша бир йўли,  
дини ва қиблагоҳи.)

Иккинчи мисра Хожа Хусрав Деҳлавийдан экан:

Мо қибла рост кардем бо дини тарафи каж кулоҳе.

(Мазмуни: Биз қибламизни тўғирладик дўпписини  
бошига эгри қўндирган ёр дини томон.)

Шу байт айтилгач, халифайи илоҳий хизматчиларидан бири бўлмиш Аҳмад Али муҳркан номли киши уни эшитиб, бир оҳ тортибди ва ўтирган ерида тани-бадани музлаб қолибди. Текшириб кўрсалар, аллақачон жонини ҳаққа таслим қилиб улгурган экан.

Бу воқеа хусусида онҳазрат салим табъи меваси бўлмиш “Жаҳонгирнома” китобида ҳам ёзилган экан, сўнграқ китобнинг ўша жойини ҳам ўқидим ва мазкур воқеага бағишлаб чизилган расмни ҳам ўз кўзларим билан кўрдим.

**Кейинги воқеа:**

Рузи дигар ки шуд аз меҳр фалак нуроний,  
Суд бар хоки раҳи шоҳ жаҳон пешоний.

(Мазмуни: Эртаси кун куёш фалакни қилганда нурафшон,  
Манглайн сурганда шоҳ йўлига бутун жаҳон.)

Бахти ҳамиша навқирон шоҳ тахти ёнида яна оёқлари остидаги ерни ўпиш саодатига муяссар бўлдим. Шоҳ дедилар: – Андалиби хушалхон Фасиҳхон китобингизни ҳар

кун бир пахр беш кари вақт миқдорида олдимиздан ўтқаради, эшитиб жуда мирикамиз. Бугун Хожа Ҳусайн садр<sup>1</sup> ва Мирам Сиёх<sup>2</sup> байтларини эшитдик, жуда ҳам яхши ёзилган экан. Ўша икки байтни ёддан айтсангиз.

Мен Мирам Сиёхнинг бу байтларини ёддан ўқиб бердим.

**Байт:**

Бидех соқий ба даври гул шароби аргувонийро,  
Ғанимат дон баҳору умру айёми жавонийро.

(Мазмуни: Аргувоний шароб бер, соқий, гул фасли ўтмасин,  
Ғанимат бил:баҳор, умр, ёшлик қўлдан кетмасин.)

Бу иккинчи **байт** ҳам уникадир:

Аз он рузеки бас кардам шароби аргувонийро,  
Дигар ҳаргиз надидам руйи айши шодмонийро.

(Мазмуни: Аргувоний шароб ичишни бас қилганимдан буён,  
Айш юзин кўрмадим, юрмадим бўлиб ҳеч шодмон.)

Мирам Сиёхга келсак, у Хуросондандир. Шеърят соҳа-сида ҳажвиягўйлик билан танилган. Ҳажвияларини сон ва сифат жиҳатдан китобимизга сигдира олмаганимиз учун бирон намуна келтирмадик. Ҳатто, баъзилар Мирам Сиёхга вали сифатида ҳам эътиқод қиладилар ва у ”валийлик кароматидан қуруқ эмасди, ғайбдан келган маъноларга назм либосини кийдирарди, бундай шеърларини эса ҳар бир одам ҳам тушунавермайди” дейдилар. Яна Мирам Сиёх ижодига доир манави ҳикояни ҳам нақл қиладилар: Бир куни ҳақойиқ па-

---

<sup>1</sup> Хожа Ҳусайн Марвий 1506 йили Марвда туғилган, Марв ва Бухорода таҳсил олиб, Ҳумоюн даврида Ҳиндистонга бориб, Ҳумоюн подшоҳнинг яқин кишиларидан бирига айланган, Акбар подшоҳ даврида ҳам яхши шоирлиги туфайли катта иззат топган. У 1572 йили ватанига қайтиши чоғи Ҳиротда вафот этади.

<sup>2</sup> Хожа Зиёиддин Мирам Сиёх асли хуросонлик бўлиб, 1508 йили Бухорога келган ва шу ерда вафот этган.

нохий хўжаста фаржомий [Абдурахмон Жомий] қаддаса сирриҳунинг олий мажлисига етишибди, ҳазрат махдумий Жомий ундан бир шеърини ўқиб беришни сўрабдилар, шунда Мирам Сиёх ўзининг ушбу газалини махдумий арзларига етказибди.

**Газал:**

Суҳбат ғанимат аст, бикаш жоми салсабил,  
Накди ҳаётро нашуда ҳеч кас кафил.  
Мебош бетамаъ,ки азизи жаҳон шави,  
Дидам базе азиз ки шуд аз тамаъ залил.  
Аз душмани заъиф битарс ва қавий шумор,  
Аз тарси пашша хоб наёйад ба чашми фил.  
Як хуб аз қабилайи хубон вафо накард,  
Ҳар жо ки бувад сангдилӣ бувад азин қабил.  
Мирам зи дасти лолауъзорон ба тарфи боғ,  
Бистон ту жоми бода ва бигзор қолу қил.

(Мазмуни: Суҳбат ғаниматдир, сипқор жоми салсабил<sup>1</sup>,  
Ҳаёт накдига бўлмаган ҳеч ким кафил.  
Таъмагир бўлма, топай десанг жаҳонда иззат,  
Иззати борлар таъмадан бўлдилар залил.  
Қўрқ заиф душмандан, заифмас, кучли сана,  
Пашша хавфидан қўрқиб, ухлай олмас-ку фил.  
Хублар қавмидан ҳеч бир ёр этмади вафо,  
Қайда бўлса тошбағирлик, аҳвол шудир, бил.  
Мирам, гулюзлилар дастидан қил азми боғ,  
Қўлга ол май жомин, керакмас бу қолу қил<sup>2</sup>.)

Буни эшитган ҳазрат махдумий шундай лутф қилиб:  
– Шеърдаги гуфтори бундай одамнинг ҳажвга майл билди-  
риб юриши ҳайфдир, – дебдилар.

Мирам эса бундай жавоб қайтарибди: – Эй махдум, ма-

---

<sup>1</sup> Салсабил - жаннат суви.

<sup>2</sup> Қолу қил - шовқин.

лоҳатли шеърларни қанчалик яхши айтмайин, барибир Сизга етаолмайман. Аммо, мен ҳам шундай бир мақомда шеър айтаяпманки, ҳатто Сиз ҳам менга етаолмайсиз, шунда бошқаларга йўл бўлсин.

Ушбу Мирам Сиёҳ хусусида тагин бир нақл юради: Савдогарлардан биттаси махдумий ҳазрат Жомий, *сирларини оллоҳ муқаддас тутсин*, ҳузурига келиб, пок кўнгиллари ганжинасидан битта газал лутф этсалар, армуғон йўсини билан Самарқанд шуаро ва фузалосига олиб борсам, дея илтимос қилибди. Махдумий, тухфа сифатида газал олиб бормоқчи бўлсанг, Мирам Сиёҳнинг газалидан яхшиси йўқ, дея Мирам Сиёҳнинг мазкур газалини [ўз муборак қўли билан кўчириб] ёзиб берибдилар.

Мен банда ўша газалга, Турон султонларидан бирининг буйруғига биноан, мухаммас боғлаган эдим. **Мухаммас** ушбудир:

Дар роҳи ишқ пештар аз навбати раҳил,  
Эй дил, насиҳате шинав, аз ман мажу далил.  
Дар саҳни боғ бар лаби жу бо бути жамил,  
Сухбат ғанимат аст бикаш жоми салсабил,  
Нақди ҳаётро нашуда ҳеч кас кафил.  
То чанд дар жаҳон ба ғами кўҳна ва навй,  
Дар жустижуйи ризқ ба ҳар жонибе давй,  
То кай пайи тамаъ зи пайи нокасон равй,  
Мебош бе тамаъ ки азизи жаҳон шавй,  
Дидам баса азиз ки шуд аз тамаъ залил.  
Эй онки, дар замона туро ҳаст иқтидор,  
Хоҳи шавй ба коми дили хеш комкор,  
Ин нукта гуш кун зи ҳақимони ҳушёр,  
Аз душмани заъиф битарс ва қавй шумор,  
Аз тарси пашша хоб наёйад бачашми пил.  
Дардо ки ёр дарди диламро даво накард,  
Раҳме баҳоли зори мани мубтало накард,  
Дар даҳр, эй дил, ин сухан аслан хато накард,

Ҳар жо ки бувад сангдиле бувад азин қабил,  
Эй Мутрибий чу нишоъ мерафт аз димоғ,  
Дар сар дигар намонд таманной боғу роғ,  
Мойем дар замона, диле ва ҳазор доғ,  
Мирам зи дасти лолаузорон ба тарфи боғ,  
Бистон ту жоми бода ва биғзор қолу қил.

(Мазмуни: Ишқ йўлида босмайин ҳали ҳеч бир манзил,  
Насиҳат эшит, эй дил, сўрма исбот-далил,  
Бог саҳни, ариқ бўйида, бўлсин бути жамил,  
Сухбат ғанимат у билан, ич жоми салсабил,  
Ҳаёт нақдига бўлмаган ахир ҳеч ким кафил.  
Токай бу олам аро кўхнаву янги деб,  
Югуриб еласан ҳар томон ризқ ғамин еб,  
Қачонгача сен нокаслардан таъма қилиб,  
Юрасан, таъмагир иззатсиз бўлишин билиб,  
Иззати борлар бўлдилар таъмадан залил.  
Эй азиз, қўлингда бор-ку ахир иқтидор,  
Истасанг дил мақсадига бўлмоқни комкор,  
Эшит бу пандни ҳакимлардан, бўлиб хушёр,  
Кўрк ожиз душмандан, кучли бил, бўл тайёр,  
Пашша хавфидан кўрқиб, ухлай олмас-ку фил.  
Э воҳ, ёр дилим дардига қилмади даво,  
Раҳм этмади зор ҳолима, мен мубтало,  
Оламда, эй дил, эмас сира бу сўз хато:  
Қайда бўлса тошбағирлик, аҳвол шудир, бил.  
Эй Мутрибий, эмассан энди ҳеч вақти чоғ,  
Истамас кўнглинг на чаману на боғу роғ,  
Бизу дилимиз бор бу айём, унда ҳам минг доғ,  
Мирам, гулюзлилар дастидан қил азми боғ,  
Қўлга ол май жомин, керакмас бу қолу қил.)

Яширин қолмасинким, шу ўтиришдан сўнг саройдагилар  
Мирам Сиёҳнинг яна бир газалига жавоблар ёзишди,  
**Жиҳонгир подшоҳники** қуйидагича чиқди:



Зи сар берун накардам завқи айёми жавонийро,  
Ки пирунайи сар хўрдам шароби аргувонийро.

(Мазмуни: Чиқармадим бошдан ёшлик айёми завқин мен,  
Оқ бошим узра кўтардим кизил ток шаробин.)

Мен банда ҳам подшоҳ буйруғига биноан ушбу **байт**ни  
жавоб йўсини билан айтдим:

Касе ёбад дарин олам ҳаёти жовидонийро,  
Ки нушад аз кафи шоҳе шароб аргувонийро.

(Мазмуни: Топай деса ким бу оламда мангу ҳаёт бу тоб,  
Ичмоғи керак бир шоҳ қўлидан кизил шароб.)

Онҳазрат бу байтимни эшитганларидан сўнг шундай лутф  
этдилар, **байт**:

Касе ёбад дарин олам беҳишти жовидонийро,  
Ки гирад аз кафи шухе шароб аргувонийро.

(Мазмуни: Ким топай деса бу оламда манғулик жаннатин,  
Бир шўх қўлидан ичсин аргувоний шароб.)

Халифайи илоҳий амалдорларидан айримлари ҳам шу ға-  
залга жавоб ёзиб, шоҳ назаридан ўткардилар:

Манеҳ пирунайи сар аз каф шароби аргувонийро,  
Ки дар пирий ёбй завқи айёми жавонийро.

(Мазмуни: Қариликда қўйма қўлдан қизил шаробни дағи,  
Ёшлик айёми завқин топарсан қарилигинг чоғи.)

Ўша кун яна бир бор олий тахт пойида ҳозир бўлдим ва  
шунда ҳар бири минг рупия пул билан лик тўлган ўнта лаган  
пулни ҳаким Масих уз-замонга инъом қилдилар. Билмадим,  
бу ҳалиги шеърға ёзилган жавоб мукофотими ёки айрим ка-

салликларга даво топиб, уларни муолижада самарали ишлатгани ва бошқа табиблик хизматлари учун эдими, ҳар ҳолда бундай инъомнинг юзага чиқиш сабаби менга қоронгулигича қолди, *Оллоҳагина аёндир*.

Ҳаким Масих уз-замонга келсак, у зот халифайи илоҳийнинг фалак масир пояйи сарири, яъни подшоҳ давлатига яқин кишилардан бири саналади. Шунингдек, даволашлари билан бирга ширин гуфтори ҳам дардга даво хуш таъблардандир. Подшоҳ унинг муолижалари қатори ёзганларига ҳам катта эътиқод билан қарайди. ”Жаҳонгирнома”да Масих уз-замонни яхши сўзлар билан эслаб ўтганлар. Мазкур китобда подшоҳ баён этган ўша гаплар қуйидагича: ”Шу орада, бугунги кунда Мовароуннаҳрда муборак нафасларидан дарвешлик бозори қизиб турган қутби замон ҳазрат хожа Абуҳошим Даҳбедий Самарқанддан ўз дарвешлари орқали бизга бериб юборган бир фаражий чакмон ва бир камон етиб келди, хожа бир хат воситасида жаннат маконий [Бобур подшоҳ]нинг у киши боболари Махдуми Ўззамга *сирлари муқаддас* юборган қитъасини ҳам бордикелдини қанда қилмаслигимизга ишора тариқасида ҳавола қилибдилар.

[Бобур подшоҳ] **рубойи**си эса будир:

Дар ҳавойи нафси гумрах, умр зоеъ кардаем,  
Пеши аҳлиуллоҳ аз атвори худ шармандаем.  
Як назар афкан басуйи мо ки мо саргаштагон,  
Хожагийро мондаем ва хожагийро бандаем.

(Мизмуни:

Гумроҳ нафсимиз йўлида умр зое этган-да биз,  
Аҳлиуллоҳ олдида атворимиздан шарманда биз.  
Бир назар ташла биз томон ки биз саргашталар бу он,  
Хожа йўлига кўз тикканмиз ва хожага банда биз.)

Биз минг жаҳонгирий муҳр<sup>1</sup> маблагни алар ҳазратларига инъом тариқаси билан ва хатларига жавоб тарзида эса ўзимизнинг ушбу назмимизни юбордик, **Жаҳонгир**:

Эй онки, маро меҳри ту беш аз пеш аст,  
Аз давлати ёду будат ин дарвеш аст.  
Чандонки зи муждаат дилам шод шавад,  
Шодем аз онки лутфат аз хад беш аст.

(Мазмуни: Дилимда меҳринг кундан кун бўлар кўпроқ,  
Ёдинг давлатин дарвешидирмен ҳар чоқ.  
Хабаринг етиб бўлса бир ёқдан дил шод,  
Беҳад лутфинг боридан вақтимиз чоғроқ.)

Шунда, кимнинг назмга таъби бўлса бу рубойга жавоб айтишини буюрдик. Жавоблар кўп ёзилди. Аммо, фақат ҳақим Масиҳ уз-замоннинг ёзгани кўнглимизга ўрнашиб, таъбимизга хуш ёқди ва унга ҳам 1000 жаҳонгирий муҳр мукофот пули берилди. Масиҳ уз-замоннинг **рубойи**си ушбурдир:

Дорем агарчи шугли шоҳий дар пеш,  
Ҳар лаҳза куним ёди дарвишон беш.  
Чун шод шавад зи мо дили як дарвеш,  
Онро шумурим ҳосили шоҳийи хеш”.

(Мазмуни: Гарчи банд этар умримиз шоҳлик юмуши кўпроқ,  
Биз дарвешларинг юрармиз ёдинг ила, бил, ҳар чоқ.  
Қила олсак гар бир дарвеш дилини шоду хуррам,  
Шуни деб, шоҳлигимиз самари, вақтимиз чоғроқ.)  
Эртаси куни эшитдим: замона фозили Мактубхон ҳам

---

<sup>1</sup> “Муҳр” Жаҳонгир подшоҳ даврида зарб этилган олтин танга, у 12 граммга тенг бўлган. Лекин, унутмаслик керакки, Жаҳонгир зарб эттирган турлича ном ва вазндаги олтин тангалар кўп бўлган, бу ерда қайси кўзда тутилаётган номаълум, лекин, бизнингча, бу ерда гап шу 12 граммлик тилло пул ҳақида кетяпти.

Мирам Сиёхнинг мазкур ғазалига жавоб ёзган экан, аммо, подшоҳ назаридан ўтқара олмабди, сабаби шунда эканки, ўша йиғинга келаман деб йўлга тушибди-ю, бироқ, бахтсизликни қаранг, зинапоядан йиқилиб, қўлини синдириб олибдилар. Кўргани борганимда, манави уч байтни ёзиб бердилар:

Ба тавба чу соғар фикандам зи дастат,  
Ба журми гунаҳ чарх даст шикаст.  
Кунун бишканам тавба аз жоми май,  
Гар аз чуб нагушоядам тавба даст.  
Ба шоҳ Жаҳонгир дорам умид,  
Ки аз як ниғаҳ созадам боз маст.

(Мазмуни: Тавба қил,деб қўлингдаги жомни синдирдим,  
Шу гуноҳим учун фалак қўлим синдирди.  
Қўлим ечмаса тахтакачдан тавбаларим,  
Май жоми узра энди тавбалар тиндиргим.  
Шу боис бордир умидим: Жаҳонгир подшоҳ  
Тағин маст айлар мени ташласа бир нигоҳ.)

Мен банда ҳам ўша ерда Мактубхон байтларига эргашиб ушбу **назмни** битдим:

Оё баҳри афзол Мактубхон,  
Зи жаври фалак гарчи дастат шикаст,  
Машав дил шикаста зи баҳри худо,  
Ки дар ҳар шикасте дурустият аст.

(Мазмуни: Фазилатлар денғизи Мактубхон оғам,  
Фалак жавридан қўлинг синган эса ҳам,  
Худо ҳаққи, ўксимасин кўнглинг зинҳор,  
Дерлар:ҳар синикликда бир тузуклик бор.)

Каминага бир тўққиз аъло навли парча мато<sup>46</sup> ва эллик ру-

---

<sup>46</sup> Туркий қавмлар одатига кўра нарсалар тўққизтадан ўлчанган ва бир тўққиз, икки тўққиз шаклида айтилган, масалан "бир тўққиз чит", "икки тўққиз нон" каби.

пия пул маблағни шеърим учун мукофот сифатида бердилар ва кўп узр сўрадилар. Бу байтни эса ўша маънода битдилар.

**Байт:**

Тақсири норасидани поям ба хидмат,  
Даст шикастаист ки бар чуб бастаанд.

(Мазмуни: Хизматингга оёғим билан келолмаганим айби,  
Қўлим синди, тахтакачга боғладилар, шу сабаби.

Сўнг Мирам Сиёҳ ғазалига битган жавобни ёзиб бердилар. **Назм:**

Ба ёди шоҳ аз он нушам шароби арғувонийро,  
Ки дар пирий ба ёдам медиҳад рузи жавонийро.  
Ба хомуший ба гул бояд сухан ғўфтан, на саргуший,  
Вале, булбул намедонад тариқи ҳамзабонийро.  
Че лаззат дорад аз умри абад Хизр аз ҳаёти худ,  
Агар сарфи раҳи ёре насозад зиндагонийро.  
Барои дустони шоҳ хоҳам аз худо раҳмат,  
Барои душманони у балойи ногаҳонийро.  
Ба пирий 3-он шароби арғувони мехурад Фарсий,  
Ки сарфи роҳи шаҳ карда аст айёми жавонийро.

(Мазмуни: Шоҳ соғлиғи учун ичаман қизил шароб,  
Қарилиқда эслатар ёшлиқни майи ноб.  
Гул билан сассиз тиллашмоқ керакдур билсанг,  
Булбул билмай бу йўлни чаҳ-чаҳ ила хуноб.  
Хизр не лаззат топар абадий ҳаётдан  
Сарф этмаса ёрга умр, ул ҳаёт бир азоб.  
Шоҳ дўстларига оллоҳдан тилайман раҳмат,  
Душманларига туйкус ўлим берсин бу тоб.  
Кексалик чоғи қизил май ичар Фарсий, чун  
Кечди ёшлиғи шоҳ йўлида ҳушёр, беҳоб.)

**Кейинги воқеа:**

Рузи дигар ки жаҳон навбати иқбол гирефт,  
Бати зар байзайи симин ба таҳи бол гирефт.

(Мазмуни: Бу куниси жаҳон олганда иқбол навбатин,  
Зар ўрдак кумуш тухумга жой этганда патин.)

Подшоҳ кўлларида расм солинган бир қогоз ушлаган ва ундаги расмга диққат билан тикилиб турган пайтлари остоналарини ўпиш учун етишибман. Ҳол-аҳвол сўрагач, ёнига чақирдилар ва дедилар: — Мулломиз манави тасвирга яхшилаб қарасинлар, бу кимнинг сурати, танирмикансиз?

Тикилиб қарагач, биттаси Абдуллахон Ўзбекнинг сурати, иккинчиси [ўгли] Абдулмўъминхоннинг сурати эканини англадим. Подшоҳ: — Кимлигини танидингиз, энди айтингчи, ўзларига ўхшайдими ё бирон сўзингиз борми қўшимча қиладиган? Агар сўзингиз бўлса, бемалол айтаверинг! — дедилар. Мен куйидаги фикрларни билдирдим: — Абдуллахоннинг юзини гўштдор қилиб чизибдилар, ияги остини ҳам тўппа-тўғри қилиб юборибдилар, унақа кўринишда эмасди. Юзлари тўла бўлмаган. Чаккалари эса қийшиқроқ эди.

— Аниқроқ айтинг, ияги остининг ўнг томони қийшиқми ё чап томоними? — деди подшоҳ.

— Чап томони эгрироқ эди, — дедим. Подшоҳ мусаввирни чақиртириб, унга мен айтганларнинг ҳаммасини қайтадан худди ўшандай қилиб тушунтирдилар. Шундан сўнг: — Абдулмўъминхон сурати ҳақида нима дейсиз? — деб сўрадилар.

— Абдулмўъминхонни жудаям буғдойранг қилиб юборибдилар, унақа эмасдилар, оқ-сарикдан келган киши эдилар. Салласи ҳалақасини икки энлик қилиб олдинга ташлаб кўярдилар, жуда яхши кўринарди, — дедим.

— Бўлмаса саллангизни ечиб, янгидан хонниқига ўхшатиб, ҳалақа боғлаб кўрсатингчи, қанақа ҳолатда кўяркан, — дедилар. Саллани олиб, мана бунақа эди, деб кўрсатдим. Подшоҳ мусаввирга қараб, мулло кўрсатгандай шаклда чиз, деб буюрдилар. Эртаси куни, мусаввир қандай айтган бўл-

сам, шундай ҳолда тасвишлаб обкелди. Онҳазратга жуда маъкул тушди. Шу куниси [Ҳиндда] Баҳодирхон номи билан танилган Абулбий Ўзбак ҳам бор эди, у шундай деб қолди: — Мен Абдулмўъминхон хизматларида бўлганимда ҳалақа боғламасди.

Подшоҳ эса: — Охунд унинг шоҳзодалиқ замони, яъни ўн беш яшарлик пайтларини айтяптилар, — дедилар. Шундан кейин ”Абдулмўъминхон шеър ҳам ёзармиди?” деб сўрадилар подшоҳ. ”Ҳа”, деб жавоб бердим. ”Ундай бўлса шеърларидан биронтасини айтиб берингчи?” дедилар. Қуйидаги матлаъни подшоҳ ҳазрат арзларига етказдим.

### **Матлаъ:**

Насиби теги ду сар бод пора-пора дилам,  
Агар аз ишки ту рузе кунад канора дилам.

(Мазмуни: Икки тилли қилич еми бўлсин пора-пора дилим,  
Агар ишқингдан ўзин четга олса бир бора дилим.)

Ўтирганлардан биттаси ”Абдулмўъминхон жуда совук байт битган экан-ку”, деб юборди. Халифайи илоҳий[нинг бу гапдан жаҳллари чиқиб]: — Агар Абдулмўъминхон совук байт ёзган бўлса, сенинг ҳазилинг уникидан ҳам совуқроқ бўлди, — дедилар.

Подшоҳнинг бу гапи қуйидаги маънога ишора эди: ”Подшоҳларга айб тақиш ҳеч қандай шаклда ҳам мумкин эмас. Чунки, уларнинг сўзлари каломил мулук мулукил калом тарзида воқе бўлади, яъни подшоҳларнинг сўзи сўзларнинг подшоҳидир”.

Эй азиз биродар! Ва эй таъби баланд дўст! Ҳеч қачон ва сира-сира подшоҳлар ҳузурида оғзингга, кўзингга ва қўлингга эрк берма. Уларга жуда эҳтиёт бўл, чунки, буларни ўз ҳолига ташлаб, салгина эҳтиётсизлик қилганларнинг кўпи ўз жонларига жабр қилдилар. Айниқса, тилни тийиш барчасидан ҳам муҳимроқдир.

**Байт:** Теғро чун ба касди жон карданд,  
Рост бар суврати забон карданд.

(Мазмуни: Қилични жон қасди учун тўғирлаган эканлар,  
Уни тилнинг ишидан келиб чиқиб чоғлаганлар.)

Бекорга, тил югуруги жон азоби, демайдилар. Яна де-  
мишлар: Не келса, тилингдан келур.

Ҳа, подшоҳлар хузурида тилга маҳкам бўлиш керак.

### **Кейинги воқеа:**

Рузи дигар ки расидам ба саро пардаи шох,  
Ёфтам дар канафи офияташ манзилгоҳ.

(Мазмуни: Бу куниси ҳам чорлади саройига шох,  
Лутфи ёнидан кўрсатди менга манзилгоҳ.)

– Худога шукр, олам аҳли хожаси Абдурахимхожа  
Жуйборийнинг ҳам анвар дийдорига мушарраф бўлдик<sup>47</sup>.  
Акалари Тожиддин Ҳасанхожа Жуйборий<sup>48</sup>нинг ҳам мубо-  
рак дийдорларига мушарраф бўламиз, деган умиддамиз,  
дедилар подшоҳ ва шундан сўнг: – Тожиддинхожанинг  
мукаррам ахлоқи ва мушфиқ сиймоси хусусида бизга ҳикоя  
килиб бермайсизми? – дея сўраб қолдилар мендан.

---

<sup>47</sup> Абдурахимхожа Жуйборийни Лоҳурга уч манзил ерда подшоҳ буй-  
ругига биноан Мусавийхон қимматбаҳо тўн, мурассаъ ханжар каби сов-  
ғилар билан кутиб олади. Сўнг Абдулмуъминхон даврида Машҳад ҳо-  
қими бўлган, ҳозир эса Жаҳонгирнинг панжхазорийлик ҳарбий вазифа-  
сидиги Баҳодирхон Ўзбак (Абулбий) пешвоз чиқади, хожа шаҳар яқи-  
нига келганда эса Хожа Ҳасан девон, Иродатхон бахши кутиб олишга  
чиқдилар, ўша кун 1627 йилнинг 11 марти эди, Жаҳонгир подшоҳ хо-  
жини шу куник қабул қилади, учрашув чоғи ўпиб кўришади ва ёнидан  
жол беради, хожа подшоҳга Имомкулихон хатини топширади, хожага  
10000 рупий, 1 фил тухфа қилинади. Демак, Мутрибийнинг бу галги  
подшоҳ қабулида бўлиши 12-14 март оралигига тўғри келади.

<sup>48</sup> Тожиддин Ҳасанхожа (1574 йил туғилган ва 1646 йил вафот этган)  
ям нуфузли шайх ҳисобланган.



– Қиблайи олам, умрлари узоқ бўлсин, Абдурахимхонинг шариф атворида нимани мушоҳада қилган бўлсангиз, у кишини ҳам шундай, деб ўйлайверинг, – дедим.

– Аларни кучлироқ, деб ўйлаяпмиз. Сабаби, алар бу азизнинг акаларидир. Негаки, ҳазрат Абдурахимхожа ҳаққида биз томонимиздан кўрсатилаётган бугунги рияятлар [бу азизларнинг энг кичик укаси] ҳазрат Абдихожа<sup>49</sup> га нисбатан бу қадар бўлмаган эди. Демак, [Тождиддинхожа ҳазратлари] суҳбатларига мушарраф бўлсак, шундан қиёс қиларканмизда!

Камина таҳсинлар айтдим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

**Кейинги воқеа:** Шаби дигар ки шоҳаншоҳи одил,  
Фарози тахти давлат сохт манзил.

(Мазмуни: Яна бир оқшом айлаганда шоҳи одил,  
Давлат тахти тепасин ўзига манзил.)

Тахт поясини ўпиш бахтига муяссар бўлдим. Подшоҳ дедилар: – Бугун китобингизни анча мутолаа қилдик. Ундаги Муҳаммад Юсуфхожа бин Тождиддин Ҳасанхожа Жуйборий зикри ҳам анвар назаримизга етишди. Ширин гуфторидан битта ғазалини ўқидик, билдикки, ўта хуш таъб хожазода эканлар ва шеърни ҳақиқатдан ҳам зўр ёзарканлар. Албатта, илгари хожа Зайниддин Нақшбандий<sup>50</sup> бизга аларни расо таъриф қилган эдилар, ўшандаёқ у кишининг истеъ-

---

<sup>49</sup> Тулик исми Абдукаримхожа, Боки Муҳаммадхон аштархоний даври (1602-1605)да Ҳиндистонга кетган ва ўша ерда 1605 йили вафот этган. Демак, Абдихожа ҳам биров вақт Жаҳонгир хузурида бўлган.

<sup>50</sup> Хожа Зайниддин бин Саййид Ҳодихожа бин хожагий Маҳмуд Нақшбандий шайбоний ва аштархонийлар даврида Самарқанд, Бухорода садрлик лавозимини бошқарган (ўшанда Мутрибийни Самарқанд мазорлари

додларини билиб олгандик, аммо, шеърларини бу микдор деб ўйламасдик. Мана энди билдик, тўла қобилият эгаси эканлар, кўриниб турибдики, жуйбор хожалари ичида хуш таълик ва шеър ёзишда у кишига тенг келадигани бўлмаса керак. Дарвоқе, Фўлодхожа шайхулислом<sup>51</sup> зикрини ҳам ўқидик. Олий ҳиммат хожа эканлар. Аммо, аларнинг илтифоти нури сира ҳам бу томонларга тушмаса ва биз фақирларни ҳам биронта самарқанд олмаси билан ёд этмасалар нима фойдаси бор. Сиз албатта бизнинг бу ўпкалашларимизни ул ҳазратга етказинг, – дедилар подшоҳ ва гапида давом этдилар, – Надр девонбеги ҳақида ҳам эшита-ямиз, Турон эгаси Имомқулихонга қариндошликлари бор экан. Шу тўғрими ё йўқми?

– Ҳа, у киши шу маънини ўз туғросининг шиори қилиб олганлар ва уни қуйидаги тарзда ёзиб ифодалядилар: ”Низомиддин Надр Мирзойи тагойи сўзум...”, – дея жавоб бердим.

– Имомқулихонга қариндош эканликларига ишонгимиз келмайди. Чунки, хон бизнинг олдимизга сира ҳам ўз қариндошларини юборган эмаслар, доимо ўз навкарлари ва қуйи табақадаги одамларини жўнатадилар. [Надр девонбеги каби қариндош амалдорлари бўла туриб, шундай қиладиларми, ахир.] Инкоримиз сабаби шундан. Билмадим,

---

мутавааллийси вазифасига тайинлаган экан), 1611 йили Ҳиндистонга кетган ва Жаҳонгир уни мансабга тайинлаган, Мутрибий Лоҳурга келишда у билан Пешовар ва Нилоб орасидаги Навшаҳра калъасида учрашади ва шу ерда яшовчи бу накшбандий хожаникида бир неча кун азиз меҳмон бўлади.

<sup>51</sup> Фўлодхожа бин Девонахожа Алишер Навоий ”Мажолис ун-нафоис”да тилга олган Амир Ҳайдар Кабир авлодидан, Касбида туғилган, шивал Ибодулла султон (в.1585 й.) амири, сўнг аштархонийлар томонидан 1604 йиллари Насафга қарашли Касбига ҳоким этиб тайинланган, Имомқулихон тахтга чиққан (1611) пайтдан то Мутрибий Ҳиндга йўл олган 1626 йилгача Самарқанд шайхулисломи вазифасида турган ва ўша кунларда гоҳ Самарқанд, гоҳ Бухоро ва гоҳ Касбида бўларкан. Шеърда тахаллуси Бадрий бўлган.

бу ўхшатишимиз ўринлими ёки ноўрин иборами? – дедилар подшоҳ сал нохуш тортиб. Мен дедим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар подшоҳ бошад.

**Кейинги воқеа:**

Рузи дигар ки зи хуршиди жаҳон нур герифт,  
Жоми май бар кафи худ соқийи махмур герифт.

(Мазмуни: Бошқа куниси хуршиди жаҳон сочганда нур,  
Соқий май жомин қўлига олганда махмур.)

Подшоҳ остонасин ўпиш бахтига эришдим. Подшоҳ ҳолаҳвол сўрашгач дедилар: – Фасиҳхон китобингизни ҳар кун бир паҳрдан кўпроқ фурсат олдимизда ўқияпти. Эшитиб, маза қияпман, қайта-қайта ўқитиб, тинглагим келаверади. Мавлоно Назрий Бадахший воқеасини жудаям яхши ёзибсиз, унда дилтортар мазали сўз ва латифаомиз ҳикояларни ҳавола этибсиз. Агар шунақа гаплардан яна эсингизда бўлса, мазкур китобингизга қўшиб қўйсангиз, дегандим.

Шундан сўнг: – Охунд умрнинг неча йиллик манзилини босиб ўтди эканлар? – деб сўрадилар. Мен қуйидагича жавоб қайтардим: – Ёшим нечадалигини англатувчи бир рубоий битганман, ўша назм сатрларидан аён бўлади.

– Шундайми, бўлмаса рубоийингизни ўқий қолинг, ўшандан билиб оламиз, – дедилар подшоҳ. Рубоийни ўқиб, анвар назарларига етказдим.

**Рубоий:**

Дар охири умр чун худо давлат дод,  
Роҳам басуйи хиттайи Лоҳур ўфтод.  
Дийдори ҳумоюни Жаҳонгир намуд,  
Он руз ки буд соли умрам ҳафтод.

(Мазмуни: Умрим охирида давлат бериб худо,  
Лоҳур сафарин қилаолдим мен адо.)

Жаҳонгирнинг ҳумоюн дийдорин кўрдим,  
Етмишга тўлди шунда ёшим, ё оллоҳ!)

Ўша ерда ўтирган дарди йўқлардан бири бемаврид араллашиб "Жаҳонгир" сўзи охирига "ий" қўшиб ўқиш керак, "Жаҳонгирий" бўлса тўғри чиқади, деб қолди. Подшоҳ унинг гапини рад қилиб ва жеркигансимон: – Йўқ, охунд айтган ўша шакли яхши, – дедилар.

Вафо ахлининг куёш ёғдули ёруғ кўнгилларидан яширин қолмасинким, мен банда умрнинг кексалик айёми бўлмиш олтмиш ёшга етганимда ўзимга нисбатан, ҳар йили неча ёшдалигимни билдирувчи бир рубой битаман, деб шарт қўйдим. Ҳалигача бу шарт ўз кучида турибди. Бу ўзимга қўйилган талаб, худо хоҳласа, камина ёши табиий умр айёмига улангунча бажариб борилади, деган умиддаман. Омин! Чунки, бобом Малик Арғун табиий<sup>1</sup> умрга етган эдилар.

Рубойлар эса қуйидаги тартибдадир. **Рубой:**

Афсус шудем пиру рафтем зи даст,  
Фарёд ки шавкати жавоний бишкаст.  
Бигзашт ба бозича чихил то панжоҳ,  
Бози-бози шудем дар хонайи шаст.

(Мазмуни: Афсус қаридик, биздан йўқ фойда,  
Дод, ёшлик шавкати энди қайда?  
Ўйин билан кечди қирқу эллик,  
Ўйинга айландик олтмиш ёшда.)

**Рубой:** Эй Мутрибий, имрўз ки шасту якўм,  
Ўфтодаи хануз вой дар қайди шикам.  
Наздик шуда онки зи пистони ажал,  
Заҳроба ба жои шир чун тифл макам.

<sup>1</sup> Сиксондан юз ёшгача ва ундан юкори давр оралиғи табиий умр деб айтилган.

(Мазмуни: Эй Мутрибий, олтмиш бирдадир бугун ёшинг,  
Ҳануз қорнинг куйидасен, тошданмас бошинг.  
Оз қолди, сут эммагинга ажал кўксидан,  
Заҳар бўлдику бу йил еган бутун ошинг.)

**Рубоий:**

Эй Мутрибий, афсона, биё, кутах кун,  
Ҳар дафтари орзу ки дори, таҳ кун.  
Шасту ду шудасти соли умрат, акнун,  
Ғофил маншину хез ва рав дар раҳ кун.

(Мазмуни: Эй Мутрибий, калта қил сен бу афсонани,  
Бекит орзу дафтарин, дема бегонани.  
Олтмиш икки бўлмиш ёшинг, сен эса гофил  
Ўтирма – тур, юр, изла энди жононани.)

**Рубоий:** Эй Мутрибий, аз шасту ду соли ту гузашт,  
Дар ин муддат чиҳо баҳоли ту гузашт.  
Дар шасту се баҳри че кунӣ касби камол,  
Бигзар зи камол, чун камоли ту гузашт.

(Мазмуни: Эй Мутрибий, умрингдан ўтди олтмиш иккиси,  
Бу йилларда кечди бошингдан гамнинг не-неси.  
Мана, олтмиш учдасан, нечун изларсан камол,  
Камол баҳридан ўт, бўлма касби камол жинниси.)

**Рубоий:** Эй Мутрибийи хаста дил, сина фигур,  
Айёми ҳаёти хеш карди ту шумор?  
То кай пурси ки соли умрам чанд?  
Чун шасту се бигзашт, шуди шасту чаҳор.

(Мазмуни: Эй хаста дил Мутрибий, синанг афгор,  
Ҳисобладингми ўтган умринг бир бор?  
Токай юрарсан нечага кирдим деб,  
Олтмиш уч ўтди, олтмиш тўрт бу баҳор.)

**Рубоий:** Эй Мутрибий, аз мол магу ва зи омор,  
Фурсат чу ганимат аст “ҳақ” гу алҳол.  
Сад шукр ки сар риштаи айёми ҳаёт,  
Пайванд ба шасту панж гардид имсол.

(Мазмуни: Мутрибий, молдан сўзлама, не керак мол,  
Фурсат ганиматдир “ҳақ” зикрин қилиб қол.  
Юз шукр ҳаёт айёмин сарриштаси,  
Олтмиш бешга боғланди, билмабман алҳол.)

Олтмиш беш ёшга етганимда, шу бир йил давомида ум-  
рим бутун касаллик билан кечди, сал бўлмаса ўлай, деган-  
дим. Олтмиш олти ёшга кирганимдагина ҳақ субҳонаху та-  
оло шифолик каромат қилиб, соғайиб кетишимни ирода ай-  
лади, шунинг шукронаси билан қуйидаги рубоийни битган-  
дим. **Рубоий:**

Чун умр зи ҳадди шасту панжум бигзашт,  
Ҳар чиз ки буд заъфу ранжам бигзашт.  
Шасту шашум кунун ва бар ман зи карам,  
Он ёри латиф нуктасанжам бигзашт.

(Мазмуни: Умр ўтди олтмиш бешдан чун,  
Ўтди сустлик, ранж, азоб бутун.  
Тузалдим мен ёр карамидан,  
Олтмиш олтидир ёшим бугун.

**Рубоий:** Эй Мутрибий, андешайи дунё то кай?  
Ин фикри дақоик ва муаммо то кай?  
Дар хонайи шасту ҳафт монди поро,  
Машғулии кори зишту зебо то кай?

(Мазмуни: Эй Мутрибий, қачонгача ўйингда дунё?  
Бошда қачонгача бу масала, муаммо?  
Олтмиш еттининг уйига етти қадаминг,  
Қачонгача дерсан бу хунуку бу зебо?)

тушиб кетди ва онҳазратга маъқуллай бошлади. Подшоҳ дедилар: — Биз у кишининг отасини тўққиз яшар пайтимиз бузруквор отамиз суҳбатида кўп кўрган эдик, ниҳоятда яхши киши эдилар.

Шундан сўнг суҳбат мавзуси ўзгариб, подшоҳ сўрадилар: — Муаззам ва мукаррам бобомиз дахмаси Гўри Мирни таъмирлаш учун шу кунларда қанча маблағ лозим бўлади?

— Ўн минг рупия ажратсангиз нур устига нур бўларди, аммо, беш минг рупия билан ҳам яхшигина таъмир қилса бўлади, — деб жавоб бердим.

— Агар ўн минг рупия билан тўла таъмирдан чиқадиган бўлса, унда айтганингиз бўйича, ўн минг рупия тайин қиламиз, ул табаррук дахмани кўнгилдагидек таъмир қилсинлар, — дедилар подшоҳ. Ушбу сўзлар яна тилимдан жорий бўлди:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

### **Кейинги воқеа:**

Рузи дигар ки дилам жониби шаҳ роҳй шуд,  
Бусагоҳи лаби ман хоки раҳи шоҳй шуд.

(Мазмуни: Бошқа бир кун дилим шоҳ томон йўлин солганда,  
Лабим шоҳ йўли тупроғидан ўпич олганда.)

Шоҳлик остонасини ўпиш шарафига муяссар бўлгач, подшоҳ иноят юзасидан дедилар: — Охунд, Фасиххон бугун китобингизни хузуримизда қироат қилиш ишини ниҳоясига етказди. Биз ул дилгаёқар китобни “ёкут ва маржон”<sup>56</sup> каби

---

Али Қушчининг невараси бўлади. Ҳофиз Куйкий (Кухакий) лақоби билан танилган бу олим Ҳиндистонга икки марта борган: 1528 йили шайбонийлар элчилари билан бирга Бобур ва иккинчи бор 1570 йили Акбар подшоҳ хузурида бўлади. Ўша ердан Макка сафарига кетиб, қайтишда турк султони ундан Туркияда яшаб қолишни сўрайди, аммо аллома ватанига келиб, 1584 йили Тошкентда вафот этади. Тошкентда бу олим номида маҳалла, масжид ва мазор бор.

<sup>56</sup> 55 суранинг 58 оятидан.

саклаш учун Мактубхонга топширдик, олий баёнли китобларимиз орасидан жой бериб, уни асраш бўйича бор саъй-ҳаракатини ишга солади. Шу чоқда кўнглимизга яна бир фикр келди, мазкур “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” бизнинг тартиб берган ёзувларимиз билан ҳам безанса. Шунга кўра, бузруквор отамиз подшоҳлиги айёмидаги шоирлар исми зикр этилган бир неча варақлардан иборат мўъжазгина тазкирамизни таснифингиз орасига жойлаштиришни маъкул кўрдик. Биз бу маълумотларни шоҳзодалик давримизда тўплаган эдик. Энди Сиз ҳам унга табаррук йўсини билан бир неча оғиз сўз киритиб, маълумотларига якун яса-сангиз яхши бўларди<sup>57</sup>.

Қўлимни таслим расмини бажо келтириш учун пешонамга олиб бориб, дедим:

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

#### **Кейинги воқеа:**

Рузи дигар ки зи хуршид сўҳо рухсат ёфт,  
Жониби маркази иқбол ба сад меҳр шитофт.

(Мазмуни: Катта айиқ юлдузи қуёшдан рухсат олганда,  
Иқбол маркази сари меҳр ила йўлин солганда)

Яна халифайи илоҳий ҳузурига етишдим. Ҳазратнинг баъзи аъён ва давлат арконидан эшитишимча, онҳазрат менга кундалик вазифа, яъни мансаб тайинлаш, рупия маблағ ва бошқа инъомлар тортиқ қилишни мўлжаллаб турган эканлар, фақат шартлари бор экан, бу шартга кўра мен ватанни тарк этиб, подшоҳ навкарлари сафига киришим лозим ҳамда онҳазрат билан Кашмирга жўнашим керак экан. Бу

---

<sup>57</sup>81 нафар ижодкор ҳақидаги қисқа маълумотларни ўз ичига олган бу асар китобнинг шу еридан киритилган ва у кейинги мулозамат қисмига давом этади, Покистонда китобнинг дастлаб шу Жаҳонгир тазкираси қисми чоп этилган.



илтифотни катта давлат ва менга кўрсатилган буюк шараф санаб, қолган умрни халифайи илоҳий хизматида ўтказмоқчи бўлдим. **Байт:**

Мо ва ғуломии ту агар зиндаги бувад,  
Муқбил касе ки пеши ту дар бандаги бувад.

(Мазмуни:

Биз ва ғуломлигимиз ўла-ўлгунчадир хизматингда,  
Бахтиёрлигимиз бу дунё тургунчадир хизматингда.)

Аммо ”ватанни севмоқ иймондандир”мазмуни жоннинг ёқасидан маҳкам олгани сабабли, бу иш фикрини кейинги ўринга сурди. Ундан ташқари кексалик ва ёш ҳам бир жойга борганлик андишаси ҳамда қариликка хос хусусият бўлган бадандаги айрим заифликлар бундай мулозаматга монъелик билдирарди. Тумов, йўтал, бемаҳал аксириш ва эснаш кабилар ихтиёрсиз равишда мени қийнар, ҳазратнинг атоқли йиғинида эса булар макруҳ ишлардан саналарди, шунга кўра дил руҳсат сари мойил эди. Шунга қарамай яна бошқа хаёл билан Шайх Фаридидин Аттор китобидан ўзимга фол очдим ва фолга ушбу байт чиқди. **Байт:**

З-он бувад дар пеши шоҳон: дур бош,  
К-эй шуда наздики шоҳон дур бош.

(Мазмуни:

Шундандир шоҳлар олдида эшитганинг пўшт-пўшт,  
Эй шоҳга яқин, яхшиси ўзинг шоҳдан йироқ тут.)

Билгил, эй азиз! Гарчи подшоҳларга хизмат қилишдан кўп манфаатлар келса-да, бунинг жон учун хатари ҳам йўқ эмас — ”худо мухлислари ҳам катта хатардан холи эмаслар”<sup>54</sup>. Шунингдек, донишмандлар подшоҳлар хизматида

---

<sup>54</sup> Ҳадисдан: Худо мухлислари ҳам катта бир хатар мақомида қарор топганлар.

бўлишни денгиз сафарига ўхшатадилар. **Байт:**

Ё зар ба ҳар ду даст кунад хожа дар канор,  
Ё мавж рузе афканадаш мурда бар канор.

(Мазмуни:

Ё зар ила тўлар хожанинг қўйни чиқиб қирғокқа,  
Ё ўлигин бир кун ташлар тўлқин чиқариб қирғокқа.)

Олам аҳлининг айрим тоифаси ”ўз қўлингиз билан ўзларингизни ҳалокат ичига ташламангиз”<sup>59</sup> ояти каримасига биноан бир бурчакни ихтиёр этганча, узоқдан туриб дуо-гуйлик ва подшоҳларга узоқ умр тилаш билан машгул бўладилар. Айримлар эса дилу жонини хатарга қўйиб, эрта-ю кеч подшоҳлар атрофида гирди капалак бўлиб, яқинлик изҳор қилиш пайдан бўладилар. Мен камина шу икки ҳолат ўртасида хайрон қолиб турарканман, шунда, ғайб илҳоми ушбу нидони бошимга етказди — тўгри йўл шуки, ватан томонга рухсат сўра ва фарзандларинг, қариндош-уруғларинг кўзини йўлингга интизор этиб, зор термултириб қўйма. Бинобарин, манави ғазални бадиҳа усулида битиб, давлат аркони ва халифайи илоҳий аъёни олдида арзадошт қилдим.

**Ғазал:**

Чашме ки жўз рухат нигарони жойи дигар аст,  
Он чашм дар замона сазовори ханжар аст.  
Куйи ту каъба “ман даҳал кона оmano”  
Бар ҳар диле гушода зи раҳмат азу дар аст.  
Манзил ба дил герифта жабинам,бадин хушам,  
К-онжойи қурбу бўъд ба маъни баробар аст.  
Дил мекашад ба суйи ватан боз Мутрибий,  
Рухсат зи подшоҳ Жаҳонгир Акбар аст.

(Мазмуни: Юзингдан ўзга ташвишин деса қаю кўз,  
Ханжар санҷқисидан тешилиб чикқай у кўз.

<sup>59</sup> 2 суранинг 191 оятидан.

Кўчанг каъба эрур – ”кирган топар омонлик”,  
Бу эшикдан етар дилларга фаровонлик.  
Тегди бу манзил бўсағасига пешонам,  
Яқин, йироқ – маънида тенг бунда чунонам.  
Мутрибий, лек, дил истар ватанни бу фурсат,  
Кетар, берса шоҳ Жаҳонгир бин Акбар рухсат.)

Ғазал подшоҳнинг муборак қулоқларига чалинган, гуҳар сочувчи тилларини такаллум сари очмадилар ва каминага бирон сўз айтишни раво кўрмай ўтиравердилар. Шунда Осафхон сукунатни бузиб, қуйидаги оҳангда: – Қиблайи олам, охунд мулло Мутрибий нима демоқда? – дедилар. Онҳазрат юзларини ўгирганча, кўнгиллари қолган ҳолатда: – Сўраб нима қиласан, рухсат тилаяптилар мулломиз! – дедилар ва шундан сал ўтиб эса, ҳол-аҳвол сўраган бўлиб, менга қарадилар ва қуйидагича лутф қилдилар: – Охунд, ғазалингиз яхши чиқибди, бизга мақбул бўлди ва шу соатда бизнинг кўнглимиздан ҳам бадиҳа тарзида битта байт кечди, у ҳам мазкур ғазалингиз баҳрида бўлиб, кофияси ҳам газалингизга тўғри келади. Биз бу байтнинг газалингиз ичида туришини муносиб кўряпмиз.

Қўлимни манглайимга текизиб, саломатлик тилаш белгисини англатдим. **Назм:**

Илоҳо, то ки меҳру моҳ бошад,  
Жаҳонгир бин Акбар шоҳ бошад.

Шундан сўнг подшоҳ мазкур муборак байтни шундай кўринишда ўқиб бердилар. **Жаҳонгир:**

Аз ман битоб рух ки наям бе ту як нафас,  
Як дил шикастани ту ба сад хун баробар аст.

(Мазмуни:

Юз ўгирсанг-да, сенсиз эмасман бир нафас мен,  
Бир дил ўқситганинг мингта қонин тўққанга тенг.)

Шундан сўнг сўрадилар: – Биздан рухсат олиб қаерга бормокчисиз?

– Самарқандга, – деб жавоб бердим ийманибгина.

– Нега кетадиган бўлиб колдингиз юртингизга? – дея сўрадилар подшоҳ.

– Самарқандда қолган оила аъзоларим, қариндош-туққанларим бор, бориб уларга ҳам лутф этган садақаларингизни етказсам, улар ҳам давлатингиз дуоси билан машгул бўлсалар, – дедим сал дадиллашиб.

– Оила аъзоларингиз неча нафарни ташкил қилади?

– Йигирма нафар.

– Сиз ҳозир биз билан бирга жаннатга менгзир Кашмирга юраверинг<sup>60</sup>, биз эса оила аъзоларингизни олдингизга обкелиш учун Самарқандга икки минг рупия юборамиз, – деб қолдилар подшоҳ. Бу гапдан хавотирланиб, дарҳол рухсат сўрашга тушдим ва қаттиқ ўтина бошладим. Онҳазрат эса хафа бўлдилар ва шу кўнгиллари оғриган куйи: – Сиз биздан зўрлик сўзини ўртага солиш билан рухсат олмокчисиз. Билиб кўйинг, биз бировни зўрлик билан ушлаб турмаймиз. [Қоидамизда бунақа нарса йўқ, хотирингиз жам бўлсин] – дедилар ва адолатли кўлини кин ва адоватсиз кўксига кўйиб, аммо, барибир шу кўнгли қолганча:

---

<sup>60</sup> Жаҳонгир 1627 йил 20 март кунин Наврўз байрамини зўр тантана билан ўтказгач, Абдурахимхожани ҳам ўзи билан бирга олиб Кашмирга кетади ва ўша кетишида касали оғирлашиб 1627 йилнинг 4 ноябрида Кашмирда вафот этади. Абдурахимхожа ҳам бир неча ойдан сўнг Ҳиндистонда дунёдан ўтади, отаси билан Ҳиндга борган ўгли Сиддикхожа унинг наъшини кейинчалик Бухорога келтириб дафн қилади. Мутрибий эса 1627 йил апрель-май ойида ватани сари йўлга чикиб, шу йил июлида Балхга, октябрь-ноябрь ойида эса Бухоро, Самарқандга етиб келади. У "Нусхайи зебойи Жаҳонгир"нинг иккинчи таҳририни Самарқандда 1628 йил августидан сўнг яратган ва ундан 1665 йили Шохжаҳонободда Муҳаммад Амин Ҳусайний исмли котиб кўчирган илм аҳлига маълум ягона нусха эса Англиядаги "Индия оффис" кутубхонасида сақланади.

– Яна олам паноҳ даргоҳимизга келасиз деган шарт билан рухсат берамиз, – дея қайтиб келиш муҳлатини бир йил қилиб белгиладилар. Шундан сўнг подшоҳнинг саломатликларини тилаб, фотиҳа ўқиб, ташқарига чиқдим ва яратганга шукрлар қилдим. ”Худо ҳидоятига эришганларга саломлар бўлсин”<sup>58</sup>. Китобимиз якуни учун эса ушбу икки қофияли рубоийни битдик.

### **Рубоий:**

Сад шукр ки ин нома ба итмом расид,  
Ва огози китоби мо ба анжом расид.  
Накше ки муроди Мутрибий буд ба даҳр,  
Омад зи паси пардаи айём паид.

### **(Мазмуни:**

Юз шукр ки бу китоб бўлди тамом,  
Ишимиз бошдан-оёқ топди анжом.  
Мутрибий бу оламда кутган тақдир,  
Кўринди ғайб пардасидан бу айём.)

\*\*\*\*\*



---

<sup>58</sup> 20 сураинг 49 оятдан.

## СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА


16 – 17 аср Ўрта Осиё ва Ҳиндистон маданий алоқалари тарихи олимларимиз томонидан тарихга оид ва мемуар, ма-ноқиб, тазкира каби бирламчи манбалар асосида озми-кўп тадқиқ этилган. Бирок, бу мавзуни янада атрофлича ўрга-ниш учун биринчи навбатда мазкур манбалар маълумотла-рини кенг илм аҳли ва ўқувчилар оммасига етказиш, бу-нинг учун эса уларни чоп этиш, ўзбек ёки рус тилларига таржима қилиш лозим бўлади. Чунки, бу манбаларнинг ак-сарияти форс тилида битилгани ва ҳалигача қўлёзма ҳола-тида тургани сабабли улар ўқувчилар назаридан четда қо-либ келмоқда. Айни мулоҳазаларга кўра, манбашунослик-нинг бугунги муҳим вазифаларидан бири ана шундай манба асарларнинг ё кўчирмаси, ё маълум матншунослик иш-ларини амалга ошириб, манба матнини ўз ҳолича ҳозирги босма ҳарфларда нашрга тайёрлаш ёки уларни ўзбек ё рус тилларига ўгириб, чоп этишдир. Акс ҳолда, бу нодир асар-лар яна бир неча йиллар умум фойдаланишига яроқсиз ҳол-да қолиб кетаверади. Тўғри, кейинги пайтда Ҳайдар Мирзо қаламига мансуб ”Тарихи Рашидий” асарининг форсчадан рус тилига ўгирилиб нашр қилиниши қувончли ҳол бўлди. Шунингдек, сал илгарироқ Нисорийнинг 16 аср Ҳинд ва Ўрта Осиё маданий-адабий алоқалари ҳақидаги маълу-мотларни ўз ичига олган ”Музаққири аҳбоб” тазкираси ҳам мўътабар қўлёзма нусхалар асосида форсчадан ўзбекчага таржима қилиниб, кўп нусхада чоп этилган эди. Мутрибий Самарқандийнинг форс тилида битилган ”Тазкират уш-шу-аро” ва ”Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкиралари эса зарур изоҳлар билан Техронда нашрдан чиқди ва эндиликда улар-дан тор доирадаги илм аҳлидан ташқари кенг ўқувчилар оммаси ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. Бирок, ”Нафойис ул-маосир”, ”Акбарнома”, ”Жаҳонгирнома”, ”Мажмаъ ул-фу-зало” ва Ҳиндистонда битилган яна шу каби ўнлаб манба-

ларнинг ўша давр ўзбек-ҳинд маданий-адабий алоқаларига доир маълумотлари ҳалигача кенг ўзбек китобхонлари оммаси қўлига етиб бормади. Ўзбек халқи олам-олам баҳра олиши мумкин бўлган бу манбаларнинг ўзбек тилига ўгирилиши ва чоп этилиши муҳим эканини таъкидлаган ҳолда шуни айтмоқчимизки, гарчи, тегишли муассасалар бу ишларни амалга оширишда ҳаяллаётган экан, қизиқувчиларнинг ўзи ҳам манбаларни халққа етказишда, президентимиз таъкидлаганидек”фидойилик кўрсатса” бўларкан. Масалан, камина шу ниятда Мутрибийнинг “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” асарини форс тилида чет элда чоп эттирдим, Муҳаммад Ёр ибн Қатагоннинг тарихга оид форс тилидаги “Мусаххирил билод” китобини Тошкент ва Санкт-Петербург қўлёзма нусхалари асосида нашрга тайёрладим ва бу катта ҳажмдаги асар ҳам чоп этилиш арафасида турибди. Ундан ташқари Мутрибий қаламига мансуб “Тазкират уш-шуаро” ва “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкираларининг ўзбек тилига таржимаси устида ишлаб, уларнинг йирик бобларини ўзбекчага ағдардим.

Кўрдингиз, 1626 йили Ҳиндистонга сафар қилиб, Жаҳонгир подшоҳ ҳузурида бўлган Мутрибий шу бобурий ҳукмдорга бағишлаб “Нусхайи зебойи Жаҳонгир” тазкирасини яратган. Унинг эътиборингизга ҳавола қилинган “хотима” деб аталувчи қисми эса Мутрибийнинг ҳиндга сафари чоғи Жаҳонгир подшоҳ мулоқотида етишган онлари ҳақида ҳикоя қилувчи кичик бир асардир. Бу асарда ҳам ўзбек-ҳинд маданий-адабий алоқаларига доир айрим маълумотлар ўрин олган ва у ҳам ана шу жиҳатдан муҳим манба хизматини ўтай олади. Мутрибий бу хотираларини алоҳида китоб тарзида ёзган ва бир нусхасини Жаҳонгир кутубхонасига топшириб қайтган. Қоралама нусхани эса ўзи билан Самарқандга келтириб, озгина қўшимчалар билан “Нусхайи зебойи Жаҳонгир”нинг қайта ишланган нусхаси охирига илова тарзида киритган. Тазкиранинг ўша нусхасигина бизгача етиб

келгани туфайли мазкур хотиралар билан ҳам танишиш имконига эга бўлиб турибмиз. Чунки, Мутрибий асарлари қўлёзмаларининг Жаҳонгир кутубхонасидаги нусхалари тақдири хозирча бизга номаълум бўлиб қолмоқда. Хуллас, бу мўъжаз манба ҳам ўзбек ўқувчиларига ўзбек-ҳинд маданий алоқалари тарихи хусусида қизиқарли нодир маълумотлар беради.

**Таржимон**





**МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ  
ТАРИХИ ИНСТИТУТИ**

**МУТРИБИЙ САМАРҚАНДИЙ**

**ҲИНД САФАРИ**

**“НУСХАЙИ ЗЕБОИЙ ЖАҲОНГИР” ТАЗКИРАСИНИНГ  
ХОТИМА ҚИСМИ**

**Форс тилидан Исмоил БЕКЖОН таржимаси.  
Тошкент – 2005**

Нашр этиш учун масъул Ҳ.Н.БОБОБЕКОВ  
Муҳаррир Исмоил БЕКЖОН

Теришга 2005 йил 5 июнда берилди. Босишга 2005 йил 4 июлда руҳсат этилди. Бичими 69x84<sup>1/16</sup>. Офсет қоғози. Шартли босма табоғи: 5,0 б.т. Нашр босма табоғи 6,5. Адади 75. Баҳоси келишилган нарҳда.

Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институти. Тошкент, Юнусобод 4–2–44.

Телефон: 24-21-45.

Китоб Махпират номидаги Ўрта Осиё халқлари тарихи институтининг компьютер марказида тайёрланган оригинал – макет асосида босилди.

# ХИНД САФАРИ

